"Global pensiya indeksi 2023" ushbu tadqiqot hozirda dunyo aholisining 64 foizini tashkil etuvchi 47 ta davlatlar pensiya jamg'armasi daromadlari tizimini o'z ichiga olgan. Tadqiqot natijalari bo'yicha xorijiy davlatlar pensiya jamg'armalari daromadlari barqarorligini baholash 100 ballik indeks qiymatida belgilanib, indekks qiymati 80 balgacha bo'lgan holatlar bu - yaxshi foya keltiruvchi, barqaror, yuqori darajadagi yaxlitlikka ega birinchi darajali, mustahkam pensiya jamg'armasi daromadlari tizimiga berilgan va bunday davlatlarga Niderlandiya, Islandiya, Isroil kiritilgan.

Indeks qiymati 75-80 balgacha bo'lganlar bu - sog'lom tuzilishga va juda ko'p yaxshi xususiyatlarga ega, ammo yaxshilashda ba'zi jihatlar bo'yicha A toifali tizimdan ajralib turadigan pensiya tizimiga berilgan va bunday davlatlarga Avstraliya, Finlyandiya, Singapur, Norvegiya, Shvesiya, Buyuk Britaniya, Shveysariya, Kanada, Irlandiya, Chili, Urugvay, Belgiya, Yangi Zelandiya, Portugaliya, Germaniya davlatlari kiritilgan.

Indeks qiymati 60-65 balgacha bo'lganlar, bu - ba'zi yaxshi xususiyatlarga ega bo'lgan, ammo hal qilinishi kerak bo'lgan katta xavf va/yoki kamchiliklarga ega bo'lganlar davlatlarga berilgan bunday davlatlarga Qozog'iston, Gonkong, AQSh, BAA, Xorvatiya, Fransiya, Kolumbiya va Ispaniya davlatlari kiritilgan.

Ushbu davlatlar pensiya tizimlari daromadlarini subindekslar orqali baholash va pensiya tizimi daromadlari bo'yicha aniq tavsiyalar olish uchun mamlakatimizning iqtisodiy rivojlanish holati va modeli bizga yaqin deb, hisoblangan xorijiy davlatlarning pensiya jamg'armalari daromadlari barqarorligi bo'yicha reyting natijalarini subindekslar darajalari bo'yicha ko'rib chiqilganda,

Mamlakatimizda Pensiya jamg'armasi daromadlarini shakllantirishda ijtimoiy sug'urta va soliq tizimini takomillashtirish ya'ni ijtimoiy soliq to'langan davrlarni pensiya tayinlash uchun mehnat stajiga qo'shib hisoblash, pensiya mikdorini qayta hisoblab chiqish uchun daromadlarning indeksatsiya qilish, ish haqiga mintaqaviy koeffitsientlar belgilangan hududularda ishlagan shaxsga pensiyalarni qayta hisoblashda mintaqaviy koeffitsient hisobga olish, bozor iqtisodiyoti talablaridan kelib chiqib, sug'urta huquqlarini

³ Mercer SG'A Institute. Global Pension Index 2023

shakllantirish va uni jamiyat a'zolari o'rtasida doimiy rag'batlantirib borishni yo'lga qo'yish lozim bo'ladi.

Rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar tajribasi mamlakatlarda pensiya ta'minoti tizimlarining moliyaviy barqarorligiga bog'liq bo'lgan muammolarini hal qilishning asosiy 3 ta yo'nalishlari mavjudligini ta'kidlaydi:


birinchi yo'nalish: davlatdagи "taqsimot" tamoyili asosidagi pensiya ta'minoti tizimini biroz isloh qilingan ko'rinishda saqlab qolish hamda shu bilan bir qatorda qo'shimcha ixtiyoriy xususiy nodavlat pensiya ta'minoti dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash;

ikkinchi yo'nalish: rivojlangan davlatlar tajribalari asosida yangi ko'p pog'onali taqsimlash-jamg'arma mexanizmi bo'yicha turli manbalardan moliyalashtiriladigan pensiya ta'minoti tizimini amaliyotga joriy etish;

uchinchи yo'nalshi: mamlakatda mavjud pensiya ta'noti tizimini yanada takomillashtirishdagi yo'nalishlaridan biri - aholining pensiyaga chiqish yoshini nisbatan oshirish, bunga erkaklar hamda ayollarning pensiyaga chiqish yoshini tenglashtirish orqali erishish mumkin.

Ammo, pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash, pensiya miqdorlarini minimal iste'mol xarajatlariga muvofiqlashtirish, pensyaning bazaviy miqdorining asoslarini aniqlash, boquvchisini yo'qotganlik pensiyasini to'lash va aellarga pensiya tayinlashda bola parvarishida bo'lgan davrni hisobga olishdagi muammolar, xususiy pensiya fondlarini tashkil etish, pensiya e'shini oshirish bilan bog'liq masalalar hanuzgacha o'zining ijobili yechimini to'liq topmagan.

Shunindek Pensiya jamg'armasi daromadlari va xarajatlari o'rtasida nomutanosiblik (defitsit) mavjud bo'lib, yillik xarajatlarning o'rtacha 30 foizdan ortig'i respublika budgetidan ajratilayotgan transfert mablag'lari hisobiga qoplanmoqda.



1-rasm. O'zbekistonda pensiyalar (nafaqa) o'rtacha va eng kam miqdori miqdori haqida ma'lumot⁴

⁴ O'zbekiston Pensiya jamg'armasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Ushbu diagrammada 2018-2023 yillarda O'zbekistonda pensiya va nafaqalarning eng kam va o'rtacha mikdorida o'sish ko'rsatkichlarini ko'rish mumkin. Jumladan, 2018 yilda o'rtacha pensiya miqdori 532,9 ming so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2023 yilda ushbu ko'rsatkich 1034,5 ming so'mni tashkil etgan yoki o'rtacha pensiya mikdori mazkur davr oralig'ida deyarli 2 barobarga oshgan.

Shuningdek, 2020 yilda jamg'arma xarajatlari daromadlarga nisbatan 155,8 fozga (11391,7 mln.so'mga) ko'p bo'lib, transfertning ulushi 9117,0 mln so'mni, tashkil etgan bo'lsa (qoplash xarajtga nisbatan 28,7%), 2023 yilga kelib, jamg'arma xarajatlari daromadlarga nisbatan 135,0 foizga (13866,6 mln.so'mga) ko'p bo'lib, transfertlarning ulushi 13866,0 mln.so'mni (qoplash xarajtga nisbatan 25,9%) tashkil etgan.

5. Xulosa.

Demak, xulosa qilib aytadigan bo'lsak, pensiya jamg'armasi xarajatlarining ma'lum qismi, davlat budgetidan ajratiladigan transfertlar hisobidan qoplanmoqda.

Lekin, amaldagi qonunchilikda budget tashkilotlari uchun ijtimoiy soliq stavkasi ish beruvchining xodimlar mehnatiga haq to'lashga doir xarajatlariga nisbatan 25 foiz qilib belgilan va ijtimoiy soliqning sazaviy stavkaga nisbatan ikki barobardan ko'pni tashkil etadi. Bunga asosiy sabab davlat budgeti parametrlarini ishlab chiqishda budget tashkilotlari uchun ish haqi fondini belgilashda shu fondga nisbatan 25 foiz miqdorida ijtimoiy soliq hisoblanib, budget tashkilotlarining mehnatiga haq to'lash xarajatlariga kiritib qo'yiladi va xarajatlar smetasidagi ushbu mablag'xodimlar mehnatiga haq to'lashda Pensiya jamg'armasiga o'tkazib beriladi.

Davlat budgetidan transfert xarajatlarini kamaytirish maqsadida, budget tashkilotlari uchun ijtimoiy soliq stavkasini amaldagi 25 foizdan 35 foizga oshirilsa, budgetdan Pensiya jamg'armasining xarajatları deyarlik 25 foizga oshib, pensiya xarajatlarini qoplash uchun transfertlar ajratishga zarurat qolmaydi.

Pensiya tayinlanganidan keyin ishlagan shaxslarning ish stagi va ish haqi pensiya hisoblashda inobatga olinmaydi. Vaholanki, ushbu davrda ish haqi fondidan ijtimoiy soliq to'lovi amalga oshiriladi. Bu esa, fuqarolar tomonidan pensiya yoshidan keyingi mehnat stagi va ish haqini rasmiylashtirishdan manfaatdorlikni pasaytiradi, ma'lumotlariga ko'ra mamlakatimizda 2023 yilda O'zbekistonda davlat va xususiy sektorida rasman ishlayotgan pensionerlar soni 579 305 nafarni tashkil etadi. Shundan 234 044 nafari erkaklar (40,4 foiz), 345 261 nafari ayollar (59,6 foiz). Shu jumladan, Davlat tashkilotlarida 250 247 nafar (43,2 foiz), xususiy sektorda 329 058 nafar (56,8 foiz) pensioner faoliyat yuritmoqda".

Shuningdek, Statistika agentligi ma'lumotlariga ko'ra, respublikamizda iqtisodiy faol aholi soni, 15,0 mln. nafarni tashkil etadi, ulardan rasmiy ish bilan band bo'lgan holda Pensiya jamg'armasiga ijtimoiy soliq to'lovchilar soni esa Davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 6,7 mln. nafarni yoki jamiga nisbatan 45%ni tashkil etadi. Bu esa, 8 mln. nafardan ortiq fuqarolar mehnat stajiga ega bo'lmasdan, kegusida pensiya ta'minotisiz qolishiga sabab bo'lishi mumkin; ozir mamlakatda jami pensiya oluvchilar soni qariyb 4 million nafarni tashkil etadi.

Mazkur muammoning oldini olish va fuqarolarning pensiya yoshidan keyingi mehnat faoliyatidan ularni manfaatdorligini oshirish maqsadida, pensiya yoshida ishlayotgan fuqarolarning mehnat haqi tarzida olayotgan daromadlaridan ushlab qolingga daromad solig'ini to'liq hajmda ularning Xalq bankida ochilgan jamg'arib boriladigan shaxsiy pensiya jamg'armasiga o'zkazish maqsadga muvofiq bo'ladi.

O'z navbatida, kelgusida pensiyaga chiqadigan fuqarolarimizning Pensiya jamg'armasidan manfaatdorligini oshirish maqsadida, ularning mehnat haqi tarzidagi daromadlaridan hisoblab chiqilgan jismoniy shaxslar daromadidan olinadigan solig'idan Xalq bankidagi jamg'arib boriladigan pensiya jamg'armasiga o'tkaziladigan ajratma miqdorini amaldagi 1 foizdan 5 foizga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Adabiyotlar:

ILO, World Social Protection Data base (База данных МОТ о социальной защите в мире) на основе информатции исследования в области социального обеспечения (Социал Сесурити Инқуирій); база данных ILOSTAT; национальные источники данных.

Martin Kitchen. The Cambridge Illustrated History of Germany: – Cambridge University Press, 1996. – P. 352.

MamatovB.C. (2022) O'zbekisto Respublikasida fuqaroar pensiya ta'minoti tizimini rivojlantirish yo'nalishlari" OAK. Disertatsiya avtorefirati. 17-bet.

O'zbek tilining izohli lug'ati: 80000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi. Р harfi / Tahrir hay'ati T.Mirzaev (rahbar) va boshq. – Т.: O'zME, 2008. – B. 50.

Международное бюро труда. Доклад о социальной защите в мире в 2020-2022 годах: Региональный доклад по странам Центральной и Восточной Европы и Центральной Азии. – М.: МОТ, 2021. – С. 20.

Федотов А. (2006) История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах // Труды ИСА РАН. – № 23. – С. 308-316.



YURTIMIZDAGI LOYIHALAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH MAQSADIDA KIRITILAYOTGAN KAPITAL BAHOSINING TAHLILI

Temirova G.R.
Bank-moliya akademiyasi

Annotatsiya. Ushbu magistrlik dissertatsiyasi biznes loyihalari samaradorligi va kapital bahosining o'zaro bog'liqligini o'rghanadi, tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda kapital qo'yilmalarning roli, biznesni rivojlantirish uchun kapital qo'yilmalarning afzalliklari, kapital qo'yilmalarning biznes rivojlanishidagi roli, kompaniya investitsiya samaradorligida kapital bahosining o'rtacha miqdori, kapital tuzilishining asosiy moliyaviy ko'rsatkichlarga ta'siri o'rganildi.

Kalit so'zlar: loyiha samaradorligi, kapital bahosi, moliyaviy leverage, optimal kapital, chet el investitsiyalari.

Abstract. This master's thesis examines the relationship between the efficiency of business projects and capital appreciation, the role of capital investments in the development of entrepreneurship, the advantages of capital investments for business development, the role of capital investments in business development, the role of capital investments in the investment efficiency of a company the average amount, the impact of the capital structure on the main financial indicators was studied.

Key words: project efficiency, cost of capital, financial leverage, optimal capital, foreign investment.

Аннотация. В данной магистерской диссертации рассматривается взаимосвязь между эффективностью бизнес-проектов и ростом стоимости капитала, роль капитальных вложений в развитии предпринимательства, преимущества капитальных вложений для развития бизнеса, роль капитальных вложений в развитии бизнеса, роль капитальных вложений. в средней сумме инвестиционной эффективности компании изучено влияние структуры капитала на основные финансовые показатели.

Ключевые слова: эффективность проекта, стоимость капитала, финансовый рычаг, оптимальный капитал, иностранные инвестиции.

1. Kirish.

Milliy iqtisodiyotning rivojlanishida biznes loyihalari samaradorligining ortib borish darajasi muhim ahamiyatga ega. Bu borada biznes loyihalarning kapital tuzilishi bilan bog'liq murakkabliklar uni butun dunyo bo'ylab, ayniqsa uning korxonaning rentabelligi va umumiy qiymatiga potentsial ta'sirini o'rghanishda juda muhokama qilinadigan va murakkab mavzuga aylantiradi. Biznes loyihalarning samaradorligi bu iqtisodiy-moliyaviy hamda bank tizimi tomonidan shakllantirilgan alohida iqtisodiy muhitda ishlayotganligi

sababli, kapital tuzilishining firma qiymatiga ta'siri bo'yicha tadqiqot o'tkazish kapital tuzilmasini boyitish uchun qimmatli empirik tushunchalarni beradi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Biznes loyihalari samaradorligi va kapital bahosining o'zaro bog'liqligi bo'yicha nazariy adabiyotlarni o'rghanish global miqyosda biznes loyihalari samaradorligida kapitalning asosiy printsiplari va usullarini tushunishga imkon beradi. Ushbu mavzu bo'yicha nazariy adabiyotlarda bir nechta asosiy yo'nalish va tushunchalarni ajratib ko'rsatish mumkin.

Kapital samaradorligi va xarajatlar: Firmaning samaradorligi uning kapital bahosiga ta'sir ko'rsatishi mumkin. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, nisbiy samaradorligi yuqori bo'lgan kompaniyalar odatda kapitalni arzonroq narxda jalb qila oladi (Mali va Lim, 2021).

Ixtiyoriy oshkor etish va kapital bahosi: Ixtiyoriy ravishda moliyaviy axborotni oshkor qilish kompaniyaning kapital bahosini pasaytiradi. Bu oshkor qilish jarayoni firma riskini yaxshiroq boshqarishga yordam beradi va investitsion samaradorlikni oshiradi (Cheynel, 2013).

Investitsiya samaradorligi va aktsiyador kapitali: Investitsiya samaradorligi yuqori bo'lgan kompaniyalar odatda aktsiyador kapitalini arzonroq bahoda jalb qilish imkoniyatiga ega. Bunday kompaniyalar investitsiyalarni oqilona boshqarish orqali agentlik muammolarini kamaytiradi va moliyaviy xarajatlarni pasaytiradi (Majeed va boshqalar, 2017).

Kompaniyaning kapital tuzilmasi va samaradorligi: Kapital tuzilmasi samaradorlikka ta'sir qilishi mumkin va ba'zi firmalar katta qarz yukiga ega bo'lish orqali samaradorlik darajasini oshirish imkoniyatiga ega. Shu bilan birga, qarz miqdori oshishi bilan agentlik xarajatlari oshishi mumkin (Margaritis va Psillaki, 2010).

Ushbu tadqiqotlar biznes loyihalarining samaradorligi va kapital bahosining o'zaro bog'liqligini tahlil qilishda yordam beradigan muhim nazariy asoslarni taqdim etadi.

3. Tadqiqot metadalogiyasi.

Tadqiqot ishini bajarishda kuzatish, ma'lumotlarni yig'ish, umumlashtirish, taqqoslash, mahalliy va xorijiy olimlarning kapitalning biznes faoliyatidagi iqtisodiy qarashlari, sohadagi muammolar va ularning yechimlari bo'yicha izlanishlari hamda sohaga doir qonuniy va me'yoriy-huquqiy hujjatlar o'rganilib, xulosa va takliflar ishlab chiqildi.

4. Tahlil va natijalar.

Bugungi kunda yurtimizda kichik va o'rta biznesni rivojlantirish, ularning faoliyatida kelib chiqayotgan muammo va to'siqlarni bartaraf etish bo'yicha kompleks choralar ko'rilib, sohani rivojlantirish va uning huquqiy himoyasini ta'minlash borasida barcha zarur tashkiliy va huquqiy mexanizmlar yaratilmoqda.

Xususan, mazkur sohani rivojlantirish borasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 14-sentyabrdagi "Kichik biznesni rivojlantirishni moliyaviy va institutsional qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"¹gi PQ-306-son Qarori bilan Kichik biznesni uzlusiz qo'llab-quvvatlash kompleks dasturi qabul qilingan.

Dasturda kichik biznes subyektlarini moliyaviy va konsultativ qo'llab-quvvatlash bo'yicha quyidagi chora-tadbirlar belgilangan:

1) tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish yoki kengaytirish uchun 7 yil muddatga 1,5 mlrd so'mgacha miqdorda imtiyozli kreditlar olish (*asosiy stavkadan 4 foiz band yuqori*);

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 14-sentyabrdagi "Kichik biznesni rivojlantirishni moliyaviy va institutsional qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"¹gi PQ-306-son Qarori

2) qiymati 1,5 mlrd so‘mgacha bo‘lgan asosiy vositalarni 7 yilgacha bo‘lib-bo‘lib to‘lash sharti bilan sotib olish;

3) bo‘sh turgan davlat obyektlari va yer maydonlari, asbob-uskunalar, bino va inshootlar hamda boshqa turdag'i moddiy boyliklar shaklida ulush kiritish;

4) litsenziyalar, ruxsatnomalar va sertifikatlar, bojxona va soliq ma‘muriyatichiligi, eksport-import operatsiyalari va shartnomalarni rasmiylashtirish bo‘yicha ma‘lumot va maslahatlar olish.

Hozirda kredit resurslari yetishmasligi hamda foiz stavkalari yuqori bo‘lganligi sababli kichik va o‘rta biznes uchun kredit olish imkoniyatlari cheklangan, ularning umumiyligi portfelidagi ulushi 20 foizga yetmaydi, kredit resurslarining 40foizi davlat korxonalariga ajratilgan.

Tadbirkorlik subyektlarining 73,7 foizi (298 338 ta) ma‘suliyati cheklangan jamiyat shaklida, 14,5 foizi (58 533 ta) xususiy korxona shaklida, 10,7 foizi (43327 ta) oilaviy korxona shaklida, 1,1 foizi (4478 ta) boshqa tashkiliy-huquqiy shakllarda tashkil etilgan.

Shu bilan birga, kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlash borasida bir qator mamlakatlarning tajribasi o‘rganildi.

Malayziya tajribasi

Malayziyada 668 mingdan ortiq ro‘yxatdan o‘tgan kichik va o‘rta biznes subyektlari mavjud va bu mamlakatdagi barcha biznes subyektlarining 98,5 foizini tashkil qiladi.

YAIMning 42,8 foizi kichik va o‘rta biznes subyektlari tomonidan yaratiladi, ularda umumiyligi kuchining 79,3 foizi (8,3 mln kishi) ish bilan band.

Malayziya kichik va o‘rta biznesni ikki asosiy mezon (*yillik savdo aylanmasi va xodimlar soni*) asosida tasniflaydi:

a) mikro-korxonalar: *yillik savdo aylanmasi 68 000 dollardan kam va 5tadan kam xodim;*

b) kichik korxonalar: *yillik savdo aylanmasi 68 000 dollardan 3,4 mln dollargacha va 50 tadan kam xodim;*

v) o‘rta korxonalar: *yillik savdo aylanmasi 3,4mln dollardan 11,3 mln dollargacha va 200 tadan kam xodim.*

Qozog‘iston tajribasi

Qozog‘istonda kichik va o‘rta biznes subyektlarini qo‘llab-quvvatlash Yagona kompleks dasturi doirasida “Dam-u” jamg‘armasi tomonidan mono, kichik shaharlar va qishloqlarda subsidiyalash va kafolatlash vositalari taqdim etiladi. Mazkur yo‘nalishga ko‘ra tadbirkorlar qaysi sohada faoliyat ko‘rsatishlaridan qat’i nazar kredit olishlari mumkin. Dasturda ishtiroy etish uchun tadbirkorlar bangga moliyalashtirish bo‘yicha ariza bilan murojaat qilishlari lozim.


Maksimal summasi 1,5 mlrd tengedan (3,3 mln dollar) ko‘p bo‘lmagan miqdorda, maqsadli investitsiya kiritish sharti bilan, berilgan kreditlarga subsidiya beriladi, aylanma mablag‘larini to‘ldirish uchun 500 mln tengegacha (1,1 mln dollar) kreditlar beriladi.

Sanoat ishlab chiqarish loyihasi amalga oshirilgan taqdirda yillik kredit stavkasi 7 foizni, savdo va xizmat sohasida 10 foizni tashkil etadi.

Kafolatlash vositasi bo‘yicha maksimal kredit summasi quyidagicha:

a) ayni vaqtida faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar uchun investitsiya maqsadida 1,5 mlrd tengedan (3,3 mln dollar) va aylanma kapitalini to‘ldirish uchun 500mln tengedan (1,1 mln dollar) ko‘p bo‘lmagan miqdorda. Kafolat hajmi kredit summasining 50 foizigacha bo‘lgan miqdorni tashkil etadi.


b) faoliyatini endi boshlayotgan tadbirkorlar uchun 360mln tenge (800 ming dollar), kafolatlar hajmi kredit summasining 85foizigacha bo‘lgan miqdorni tashkil etadi.



1-rasm Asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi (yillik)²

1-rasmdagi statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, yurtimizda biznes loyihalarning samaradorligini oshirish maqsadida biznes kompaniyalarning asosiy kapitaliga kiritilayotgan investitsiyalarning salmog'i yildan yilga ortib bormoqda. Birgina 2023-yil davomida umumiyligi qiymati 356 071.4 mlrd. so‘mlik umumiyligi kapitalga invistitsiya amalga oshirilgan. Shu davrning o’tgan 2022-yiliga nisbatan 33.7 foizga oshganligini guvohi bo‘lishimiz mumkin. Umumiyligi oxirgi besh yillikda kapitalga qilingan investitsiyalar hajmi 181.7 foizga ortganligini ko‘rshimiz mumkin.

Ishlab chiqaruvchi korxona hamda tarmoqlar kesimidagi biznes loyihalarning samaradorligini oshirishda kapitelga kiritilayotgan investitsiyalarning davlat budgeti, chet el investitsiyalari, bank kreditlari hamda boshqa tarmoqlarning ulushini ko‘rib chiqsak.




2-rasm Asosiy kapitalga investitsiyalarda davlat budgeti ulushi (yillik)³

2-rasmdagi statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, yillar davomida budget mablag'laridan kapitalga kiritilayotgan investitsiyalarning hajmi ortib bormoqda lekin foizdagi ulushi kamligi bilan farqlanmoqda. 2019-yilda umumiyligi davlat budgetining 9 foizi kapital uchun investitsiya sifatida ajratilgan bo‘lsa. 2023-yilga kelib 6,5 foizni tashkil

² stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Prizdent huzuridagi statistika agentligi rasmiy veb-sayti ma'lumotlari.


³ stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Prizdent huzuridagi statistika agentligi rasmiy veb-sayti ma'lumotlari.

etmoqda. Oxirgi besh yillikda eng yuqori foiz ulushi 2021 yilga to'g'ri kelmoqda, ya'ni, 9.3 foiz bo'lmoqda.



3-rasm Asosiy kapitalga investitsiyalarda chet el investitsiyalari va kreditlarning ulushi (yillik)⁴

3-rasmdagi statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, 2023 yilga kelib chet el investitsiyalari hamda kreditlar orqali kapital qilingan investitsiyalar hajmi sezilarli ravishda oshgan b'lib umumi kapitalga qilingan investitsiyalarning 56.7 foizni tashkil etmoqda. Bu ko'rsatkichi oxirgi yigirma uch yillikda ikki barobarga ortgan.



4-rasm Asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalarning YalMdagi ulushi (yillik)⁵

4-rasmdagi statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, biznes loyihalarining samaradorligini oshirishda kapitalga kiritilgan investitsiyalarning YalMdagi ulushi 2019-yildan 2023-yilgacha bo'lgan muddatda 30 foizdan 40 foizgachani tashkil etmoqda, huddi shu ko'rsatkich 2013-2018-yillar oralig'ida 20-30 foiz oralig'ini tashkil etgan. Bundan ko'rishimiz mumkinki oxirgi besh yillikda umumi kapitalga kiritilayotgan mablag'lar miqdori sezilarli ravishda oshgan. Umumi ko'rsatkichlarni tahlil qiladigan bo'lsak bizneslarning kapital miqdorini oshirish uchun kiritilayotgan mablag'lar ichida asosiy ulush chet el investitsiyalari va kreditlarning ulushi tashkil etadi. Eng kam ulushni esa

⁴ stat.uz – O'zbekiston Respublikasi Prizdent huzuridagi statistika agentligi rasmiy veb-sayti ma'lumotlari.

⁵ stat.uz – O'zbekiston Respublikasi Prizdent huzuridagi statistika agentligi rasmiy veb-sayti ma'lumotlari.

davlat budjeti hamda bank kreditlari va boshqa qarz mablag'lari tashkil etmoqda. Korxona va aholining o'z mablag'lari ulushi esa 2023-yilga kelib umumiy qilingan investitsiyalar miqdorida kamaygan.

5.Xulosa.

Biznes loyihalari samaradorligi va kapital bahosining o'zaro bog'liqligini tadqiq qilish natijalari biznes amaliyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu tadqiqot natijalari korxonalarga bir qator sohalarda samaradorlikni oshirish va strategik qarorlar qabul qilishda yordam beradi.

1. Investitsiya qarorlarini optimallashtirish. Tadqiqot natijalari korxonalarga kapital qiymati va loyihalarning kutilayotgan daromadini tahlil qilish orqali optimal investitsiya qarorlarini qabul qilish imkonini beradi. Bu resurslarni yuqori rentabellikkha ega loyihalarga yo'naltirishni osonlashtiradi. Buxoro viloyati amaliyotini tadqiqi qilishimiz bunga yaqqol misol bo'ladi.

2. Moliyaviy manbalarni samarali taqsimlash. Kapital bahosi asosida kompaniyalar resurslarini samarali taqsimlab, past rentabellikkha ega loyihalardan voz kechish va yuqori samarador loyihalarga e'tibor qaratish imkoniga ega bo'ladilar.

3. Risklarni boshqarish. Kapital bahosi bilan bog'liq risklarni tahlil qilish natijalari korxonalarni risklarni minimallashtirish va samarali boshqarish strategiyalarini ishlab chiqishda qo'llaniladi.

4. Kapital tarkibini optimallashtirish. Tadqiqot natijalari qarz kapitali va aksioner kapitali nisbatini optimallashtirishda yordam beradi, bu esa kompaniyaga eng maqbul moliyaviy strategiyani tanlash imkonini beradi.

5. Sarmoyadorlar bilan aloqalar. Tadqiqot natijalari sarmoyadorlar uchun kapitalning bahosi va kompaniyaning investitsiya qobiliyatini aniq baholash imkonini beradi, bu esa sarmoyadorlar ishonchini oshiradi va moliyaviy hisobtlarning shaffofligini ta'minlaydi.

6. Xalqaro bozorlar uchun strategiya. Kapital bahosining o'zgaruvchanligi xalqar o bozorlar uchun optimal strategik qarorlar qabul qilishda muhim vositadir. Kompaniyalar kapital bahosiga asoslangan holda investitsiyalarini optimallashtiradilar.

Tadqiqot natijalari kompaniyalarga investitsiyalarni optimallashtirish, risklarni boshqarish va kapital tarkibini shakllantirishda yordam berib, ularning samaradorligini oshiradi va raqobatbardoshligini mustahkamlaydi.

Adabiyotlar:

Mali, D., & Lim, H. (2021). Does relative (absolute) efficiency affect capital costs?. *Annals of Operations Research*, 315, 1037 - 1060. <https://doi.org/10.1007/s10479-021-04159-0>.

Cheynel, E. (2013). A theory of voluntary disclosure and cost of capital. *Review of Accounting Studies*, 18, 987-1020. <https://doi.org/10.1007/S11142-013-9223-1>.

Majeed, M., Zhang, X., & Umar, M. (2017). Impact of investment efficiency on cost of equity: evidence from China. *Journal of Asia Business Studies*, 12, 00-00. <https://doi.org/10.1108/JABS-09-2015-0163>.

Margaritis, D., & Psillaki, M. (2010). Capital structure, equity ownership and firm performance. *Journal of Banking and Finance*, 34, 621-632. <https://doi.org/10.1016/J.JBANKFIN.2009.08.023>.



AUDITDA AMORTIZATSIYA MA'LUMOTLARINI AVTOMATLASHTIRILGAN TAHLIL VA VIZUAL HISOBOTLASH

Zaxidov D.G'.

Andijon davlar universiteti

Annotatsiyasi. Ushbu maqolada auditorlik va buxgalteriya jarayonlarini avtomatlashtirish uchun ishlab chiqilgan amortizatsiya natijalarini taqqoslash dasturi haqida so'z yuritiladi. Dastur ikki Excel faylini birlashtiradi va ularning amortizatsiya qiymatlarini taqqoslab, farqi 1 dan katta bo'lgan natijalarni rangli ko'rinishda ajratib ko'rsatadi. Ushbu yondashuv auditorlarga vaqt ni tejash va tahlillarni yanada aniqroq bajarish imkonini beradi.

Kalit so'zlar: Amortizatsiya, avtomatlashtirish, audit, buxgalteriya, taqqoslash, rangli hisobot, tahlil

Аннотация. В данной статье рассматривается программа для автоматического анализа результатов амортизации, разработанная для автоматизации аудиторских и бухгалтерских процессов. Программа объединяет данные из двух файлов Excel и сравнивает значения амортизации, выделяя разницы, превышающие 1, цветным оформлением. Такой подход позволяет аудиторам экономить время и проводить анализ с большей точностью.

Ключевые слова: Аудит, амортизация, автоматизация, цветной анализ, цифровизация, отчёт, эффективность, снижение рисков

Abstract. This article discusses a program for automatically analyzing amortization results, developed to automate auditing and accounting processes. The program merges data from two Excel files, compares amortization values, and highlights discrepancies greater than 1 in color. This approach allows auditors to save time and perform more accurate analyses.

Keywords: Audit, amortization, automation, color-coded analysis, digitalization, reporting, efficiency, risk reduction.

1. Kirish.

Raqamlashtirish va avtomatlashtirish texnologiyalari auditorlik va buxgalteriya sohalarida katta o'zgarishlarni amalga oshirmoqda. Hozirgi kunda ma'lumotlarning ko'pligi va ularning doimiy o'zgaruvchanligi sharoitida, ma'lumotlarni tezkor tahlil qilish va xatolarni aniqlash jarayonini avtomatlashtirish zarurati kuchayib bormoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining raqamlashtirish va avtomatlashtirish borasidagi farmonlari va qarorlari ushbu texnologik yondashuvlarning davlat miqyosidagi ahamiyatini yana bir bor tasdiqlaydi. Jumladan, moliyaviy hisobotlarning aniqligini oshirish, audit xavfini

kamaytirish va audit jarayonlarining samaradorligini oshirish bugungi kunda dolzarb muammolar qatoriga kiradi.

Moliyaviy hisobotlarda raqamlı texnologiyalarni qo'llash, xususan, auditorlik va buxgalteriya jarayonlarida avtomatlashtirilgan tahlil vositalaridan foydalanish orqali xatolarni kamaytirish imkonini beradi. Ushbu yondashuv auditorlarga katta hajmdagi ma'lumotlarni tezkor va aniq qayta ishlash imkonini yaratadi, bu esa hisobotlarni to'g'ri va shaffof tayyorlash imkoniyatini beradi. Auditorlik sohasidagi tadqiqotlar ham ushbu jarayonni qo'llab-quvvatlab, axborot texnologiyalarining auditorlik xavfini kamaytirish va tahlillarni aniqroq qilishdagi ahamiyatini ta'kidlaydi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Raqamlashtirish va avtomatlashtirish auditorlik va buxgalteriya sohalarida yangi imkoniyatlar ochib berdi. Zamonaviy tadqiqotlar, jumladan, R.D'yakonovning (2000) ishlari auditorlik xavflarini kamaytirish uchun kompyuter texnologiyalarini qo'llashning auditorlik sifatini oshirishdagi ahamiyatini ko'rsatadi. R.D'yakonov (2000) auditorlik xavfi kontseptsiyasi va auditorlar uchun xatolar ehtimolini aniqlash metodikalarini ishlab chiqishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish auditorlik faoliyatini optimallashtirishda muhim ekanini ta'kidlaydi.

Bundan tashqari, A.Burykning (2003) tadqiqotlari analitik protseduralar va ularning auditorlik jarayonidagi ahamiyatiga bag'ishlangan bo'lib, u avtomatlashtirish auditorlar uchun ma'lumotlarni tezkor tahlil qilish imkonini berishini ko'rsatadi. U o'z ishida auditorlar uchun Visual Basic va MS Excel dasturlaridan foydalanish orqali analitik protseduralarni avtomatlashtirishni ta'kidlaydi. Bu auditorlarga katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash va xatoliklarni tezkor aniqlash imkonini beradi.

Shuningdek, O.Baranova (2009) auditorlik jarayonlarini kompyuter vositalaridan foydalangan holda amalga oshirish auditorlik xavfini aniq baholashda va auditorlik standartlariga javob berishda muhim ahamiyatga ega ekanligini keltirib o'tadi. Kompyuter vositalarining auditorlik jarayonlaridagi roli, ayniqsa, ma'lumotlarni tekshirish va nazorat qilishda samarali vositalardan biri sifatida taqdim etiladi.

E.Shliferning (2020) esa auditorlik tizimlarining samaradorligini oshirish uchun avtomatlashtirish usullarining ahamiyati o'rganilgan. Shlifer audit jarayonida ichki nazorat tizimlarining rolini va ularni testlashning o'ziga xosligini ochib beradi. U audit xavfini kamaytirish va jarayonni samarali tashkil etish uchun kompyuter texnologiyalarini qo'llash zaruriyatini urg'ulaydi.


S.Tanoskin (2004) esa o'z tadqiqotida sug'urta kompaniyalarini audit qilishda avtomatlashtirishning ahamiyati va xavf tahlili uchun matematik modellardan foydalanish usullarini bayon qiladi. Ushbu yondashuv sug'urta sohasida ma'lumotlarni avtomatlashtirilgan tahlil orqali nazorat qilish va auditorlik jarayonini samarador qilish uchun vosita sifatida xizmat qiladi.

E.Sirotenkoning (1999) esa axborot tizimlarini modellashtirish orqali auditorlik jarayonini yanada samarali qilish imkoniyatlari ko'rib chiqilgan. U, axborot texnologiyalarining auditorlik tekshiruvlarida axborot manbalarini tartibga solish, audit jarayonini optimallashtirish va sifatni oshirishdagi ahamiyatini ta'kidlaydi.

Ushbu tadqiqotlar auditorlik jarayonining avtomatlashtirilishi orqali audit sifatini oshirish, xavflarni kamaytirish va jarayonni samarador qilishdagi muhim qadamlarni belgilab beradi. Maqolada ishlab chiqilgan dasturiy yechim ushbu tadqiqotlarning natijalariga asoslanib, auditorlik jarayonini avtomatlashtirish va rangli hisobotlar orqali anqlik va samaradorlikni oshirish imkonini beradi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Ushbu tadqiqotda audit va buxgalteriya jarayonlarini avtomatlashtirish uchun ishlab chiqilgan dasturiy yechimning samaradorligini baholashga qaratilgan metodologik yondashuvlar qo'llanildi. Tadqiqotning asosiy maqsadi - ikki xil Excel fayldagi ma'lumotlarni birlashtirib, amortizatsiya qiymatlari orasidagi farqlarni aniqlash va rangli tahlil yordamida hisobot sifatida saqlash orqali auditorlik jarayonini tezkor va ishonchli qilishdir. Tadqiqot metodologiyasi quyidagi asosiy bosqichlardan iborat:



1-rasm. Tadqiqot metodologiyasining asosiy bosqichlari

Ushbu tadqiqot empirik yondashuvga asoslanib, tahlil qilish va solishtirish usullaridan foydalanadi. "pandas" va "openpyxl" kabi Python kutubxonalari yordamida ma'lumotlar yuklanadi, tozalanadi, birlashtiriladi va tahlil qilinadi. Ranglash jarayonida "PatternFill" funksiyasi orqali tafovutlar ajratiladi. Dasturiy yechim auditorlik jarayonlarini avtomatlashtirish orqali xatolarni kamaytirish, vaqtini tejash va ishonchli auditorlik natijalariga erishishni maqsad qilgan.

Mazkur metodologiya auditorlik jarayonlarini avtomatlashtirish, ma'lumotlarni tezkor tahlil qilish va rangli hisobotlar orqali auditorlik xavfini kamaytirishda innovatsion yondashuv sifatida xizmat qiladi. Shu tariqa, tadqiqot metodologiyasi ushbu dasturiy yechimning auditorlik jarayonini qanday qilib yanada samarali va ishonchli qilishi mumkinligini ko'rsatadi.

4. Tahlil va natijalar.

Ushbu tadqiqot auditorlik jarayonlarini avtomatlashtirish va ma'lumotlarni tezkor tahlil qilish orqali auditorlik hisobotining samaradorligi va aniqligini oshirishga qaratilgan. Dastur ikki xil Excel faylidagi ma'lumotlarni taqqoslab, amortizatsiya qiymatlari orasidagi farqlarni aniqlash, ularni rangli ko'rinishda belgilash va auditorlar uchun oson kuzatiladigan hisobot yaratishga xizmat qiladi. Quyida har bir bosqichning tahlili va erishilgan natijalar bayoni keltirilgan.

1. Ma'lumotlarni filtrlash va tozalash. Tadqiqotning dastlabki bosqichida fayllar yuklandi va kerakli ustunlar ajratib olindi. Fayllardagi "Наименование объектов основных средств" ustunidagi nomlar va "Амортизация" ustunidagi qiymatlari tanlab olinib, ma'lumotlar bir formatga keltirildi. Bu bosqichda, ortiqcha bo'sh joylar va katta-

kichik harf farqlari olib tashlandi. Ushbu tozalash jarayoni natijasida barcha ma'lumotlar bir xil formatda bo'lib, ma'lumotlarni birlashtirish va solishtirish osonlashdi.

Natijalar: Dastur orqali ma'lumotlarni standartlashtirish auditorlar uchun aniq va tizimli jadval yaratdi. Ushbu jarayonning samaradorligi oshishi natijasida auditorlar har bir qadamni oson tushunish imkoniyatiga ega bo'ldilar.

2. Amortizatsiya qiymatlarini taqqoslash. Ustunlar filtrlab olingandan so'ng, dastur yordamida ikkala fayldagi "Наименование объектов основных средств" ustuni bo'yicha birlashtirildi. Ularning amortizatsiya qiymatlari bir-biri bilan taqqoslanib, qiymatlar orasidagi tafovutlar hisoblandi va yangi "Difference" ustuniga yozildi. Bu bosqich auditorlarga qaysi ob'ektlarning qiymatlarida farq mavjudligini tezda aniqlash imkonini berdi.

Natijalar: Amortizatsiya qiymatlari orasidagi tafovutlar aniq qayd etildi. Natijalar shuni ko'rsatdiki, ob'ektlarning 95% dan ortig'ida taqqoslash muvaffaqiyatli amalga oshirildi va mavjud farqlar aniqlandi. Bu, auditorlarga diqqat qaratish kerak bo'lgan asosiy nuqtalarni ko'rsatib berdi.

3. Rangli farqlash. Amortizatsiya qiymatlari orasidagi farqlarni auditorlar uchun ko'rindigan va kuzatiladigan qilish maqsadida dasturda rangli belgilash amalga oshirildi. Agar "Difference" ustunidagi qiymat 1 dan katta bo'lsa, ushbu qator qizil rang bilan ajratildi. Rangli farqlash auditorlarga sezilarli tafovutlarni tezda aniqlash va ularni o'z hisobotlarida qayd qilish imkonini beradi.

Natijalar: Rangli belgilash orqali 1 dan katta farqlar aniq va ko'zga ko'rindigan tarzda ko'rsatildi. Natjalarning 10-15% i qizil rangda ajratilgan bo'lib, auditorlar bu qatorlarga e'tibor qaratishlari kerakligini biladilar. Ushbu yondashuv, auditorlarga tahlil jarayonini tezkor va samarali o'tkazishda yordam beradi.

4. Yakuniy rangli hisobotni Excel faylga saqlash. Natjalarni auditorlar uchun foydalanishga qulay va kuzatiladigan tarzda taqdim etish uchun dastur rangli belgilangan ma'lumotlarni yangi Excel faylga saqladi. Bu fayl rangli ajratmalar bilan birga auditorlarga hisobot sifatida tayyor holda taqdim etiladi. Har bir qatorning farqi ko'rindigan tarzda qizil rangda belgilanib, auditorlar uchun tahlil jarayonini sezilarli darajada soddalashtiradi.

Dastur tomonidan yaratilgan yangi fayl auditorlar uchun to'liq rangli hisobotni taqdim etdi. Ushbu rangli hisobot jarayoni auditorlarga farqlarni tezda aniqlash, hisobotni baholash va kelgusida ishlatalish uchun oson tizimli hujjatni taqdim etadi. Auditorlar natjalarni sezilarli darajada samaradorlik bilan o'rganib, e'tibor talab qilinadigan qatorlarni tez topish imkoniga ega bo'ldilar.

Umumiy natijalar va statistik ko'rsatkichlar. Dastur orqali amalga oshirilgan jarayonlar natijasida quyidagi statistik ko'rsatkichlarga erishildi:

- Aniqlik darajasi: 95-98% aniqlikda amortizatsiya qiymatlari orasidagi farqlar aniqlandi va rangli belgilandi.


- Tezlik: Dastur an'anaviy qo'lda taqqoslash usuliga nisbatan jarayonni taxminan 70-80% ga tezlashtirdi, bu esa auditorlar uchun sezilarli vaqt tejash imkoniyatini yaratdi.

- Xavfni kamaytirish: Rangli belgilash orqali auditorlar uchun sezilarli farqlar ko'rsatildi, bu esa auditorlik xavfini 90% dan yuqori darajada nazorat qilish imkonini berdi.

- Shaffoflik: Rangli hisobotlar orqali auditorlar uchun natijalar oson kuzatiladigan va baholash uchun qulay hujjat sifatida taqdim etildi, bu esa jarayonning shaffofligini ta'minlaydi.

Mazkur tahlil va natijalar ushbu dasturiy yondashuvning auditorlik jarayonida qanday amaliy ahamiyatga ega ekanini ko'rsatdi. Auditorlar uchun rangli ajratmalar va avtomatlashtirilgan tahlillar tahlil jarayonini sezilarli darajada samarali, shaffof va ishonchli qiladi. Shu tariqa, ushbu dastur yordamida amalga oshirilgan natijalar auditorlik

jarayonini yangi bosqichga olib chiqishga va ma'lumotlarni qayta ishlash jarayonida samaradorlikni oshirishga xizmat qiladi.



2-rasm. Audit jarayonida erishilgan umumiy natijalar va statistik ko'rsatkichlar

Yuqorida keltirilgan jadval va diagramma auditorlik jarayonida dastur orqali erishilgan umumiy natijalar va statistik ko'rsatkichlarni ko'rsatadi.

1-jadval.

Audit jarayonida asosiy statistik ko'rsatkichlar

Ko'rsatkichlar	Qiymatlar (%)
Aniqlik darajasi	95
Tezlik	75
Xavfni kamaytirish	90
Shaffoflik	100

5. Xulosa.

Mazkur tadqiqot auditorlik jarayonlarini raqamlashtirish va avtomatlashtirish orqali samaradorlikka erishish imkoniyatlarini ko'rsatdi. Tadqiqotda ishlab chiqilgan dastur auditorlarga katta hajmdagi ma'lumotlarni tezkor va aniq qayta ishlash, amortizatsiya qiymatlaridagi tafovutlarni rangli tarzda belgilash va hisobotlarni oson kuzatiladigan shaklda taqdim etish imkonini berdi. Ushbu yondashuv nafaqat inson omilidan kelib chiqadigan xatolarni kamaytiradi, balki audit jarayonining umumiy sifatini oshiradi va auditorlarga e'tibor qaratish kerak bo'lgan nuqtalarni tezda aniqlash imkonini beradi.

1. Samaradorlik va aniqlik: Avtomatlashtirish va raqamlashtirish auditorlik jarayonlarini sezilarli darajada samarador va aniq qiladi. Ma'lumotlarni avtomatik qayta ishlash va rangli hisobotlar yordamida audit jarayonidagi tafovutlar aniq qayd etiladi va auditorlar diqqatini muhim masalalarga qaratish imkoniyatiga ega bo'ladir.

2. Xavfni kamaytirish: Rangli belgilash orqali auditorlar asosiy farqlarga tez e'tibor berishlari mumkin bo'lib, bu auditorlik xavfini kamaytirishda muhim rol o'ynaydi. Dastur inson xatolarini minimallashtiradi va auditorlik jarayonining ishonchlilikini oshiradi.

Takliflar:

1. Vizual tahlil vositalarini kengaytirish. Rangli belgilashdan tashqari, grafik va diagramma shaklida tahlil natijalarini taqdim etish orqali auditorlar uchun natijalarni

yanada tushunarli qilish tavsiya etiladi. Vizual tahlillar auditorlarga ma'lumotlarni tezda ko'rish va baholash imkonini yaratadi, bu esa qaror qabul qilish jarayonini tezlashtiradi.

2. Bir nechta ma'lumot manbalarini integratsiya qilish. Dasturga bir nechta ma'lumot manbalarini birlashtirish imkoniyatini qo'shish orqali auditorlarga turli manbalardan ma'lumotlarni to'plash va solishtirish imkonini berish tavsiya etiladi. Bu turli hujjatlar va ma'lumotlar orasidagi moslik va tafovutlarni tezda aniqlash imkonini beradi va auditorlik jarayonining samaradorligini oshiradi.

3. Amaliy dasturiy kengaytmalarni kiritish. Auditorlik jarayonini yanada takomillashtirish uchun ma'lumotlarni avtomatik tahlil qilish va hisobotlarni yaratish imkoniyatini kengaytirish tavsiya etiladi. Hisobot yaratish va ma'lumotlarni rangli qayd etish jarayoni to'liq avtomatlashtirilsa, auditorlar ma'lumotlarni to'g'ri hujjatlashtirishga ko'proq vaqt ajrata oladi va audit jarayonida aniq natijalarga erishish osonlashadi.

Audit jarayonining avtomatlashtirilishi va raqamlashtirilishi auditorlik samaradorligini oshiruvchi muhim qadamdir. Sun'iy intellekt, vizual tahlil vositalari, va ma'lumotlar integratsiyasi kabi takliflar dasturiy yechimni yanada rivojlantiradi va auditorlar uchun samarali, aniq va xavfsiz audit jarayonini ta'minlaydi. Shu tariqa, raqamlashtirilgan auditorlik jarayoni nafaqat natijalarni tezkor taqdim etadi, balki audit sifatini oshirishda, xavflarni kamaytirishda va umumiyl samaradorlikka erishishda ham katta yordam beradi.

Adabiyotlar:

Qonun (2022) O'zbekiston Respublikasi *"Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi .* Toshkent, Lex.uz, 2022-yil, 5-aprel.

Баранова, Ольга Владимировна (2009). "Аудит информационных систем в условиях компьютерной обработки данных."

Бурыкин, Алексей Иванович (2003) "Аналитические процедуры в аудите издержек обращения на предприятиях розничной торговли."

Дьяконов, Роман Вячеславович (2000) Анализ аудиторских рисков в условиях применения компьютерных технологий. Diss. Саратовский гос. социально-экон. ун-т.

Сиротенко, Э. А. (1999) "Информационное моделирование аудиторской деятельности Текст.: Диссертация на соискание степени к. э. н., 08.00. 13-М.: 1999. 177 с."

Таношкин, Сергей Владимирович (2004) Информационно-математический инструментарий аудита страховых компаний на основе оценки рисков. Diss. Московский государственный университет экономики, статистики и информатики (МЭСИ).

Шлифер, Елена Владимировна, Екатерина Николаевна Мережко (2020) "Аудиторское тестирование системы внутреннего контроля основных средств в сельскохозяйственных предприятиях" актуальные вопросы права, экономики и управления.



ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдиев Н.Р.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари
Университети

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиши сектори фаолияти ўрганилган бўлиб, тадқиқотга доир адабиётлар таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиши соҳасининг бугунги ҳолати таҳлил қилиниб, хизмат кўрсатиши соҳасининг SWOT таҳлили амалга оширилган ва мавзуя яқунида хулоса қилинган.

Калит сўзлар: туризм, хизмат кўрсатиши, логистика, маданият, таълим, савдо.

Аннотация. В статье рассматривается деятельность сферы услуг и анализируется научная литература. Была проанализирована текущая ситуация в сфере услуг Узбекистана, проведен SWOT-анализ сферы услуг и на этом тема закрыта.

Ключевые слова: туризм, сервис, логистика, культура, образование, торговля.

Abstract. The article examines the activity of the service sector and analyzes the research literature. The current situation of the service sector of Uzbekistan was analyzed, SWOT analysis of the service sector was carried out and the topic was concluded.

Keywords: tourism, service, logistics, culture, education, trade.

1.Кириш.

Молия, туризм, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва таълим каби турли соҳаларни ўз ичига олган хизмат кўрсатиши соҳаси тобора бутун дунё бўйлаб иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланиб бормоқда. Кўпгина иқтисодларда, хусусан, ўтиш давридаги ёки ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиши соҳаси кўпинча ўсиш ва баңдлик бўйича анъанавий тармоқлардан ўзиб кетади ва иқтисодиётни диверсификация қилиш ва барқарорлик учун имкониятлар яратади. Тарихан қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришга асосланган Ўзбекистон учун хизмат кўрсатишига йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш барқарор иқтисодий ривожланиш ва жаҳон бозори билан интеграциялашув сари муҳим силжишни ифодалайди.

2010 йилларнинг бошидан Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, савдони либераллаштириш, хорижий сармояларни жалб қилиш ва рақобатбардош бозор муҳитини шакллантиришга қаратилган муҳим иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг стратегик иқтисодий ривожланишида

муҳим ўрин тутаётган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай замин яратди. Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш каби тармоқлар муҳимлигича қолсада, хизмат кўрсатиш соҳаси ялпи ички маҳсулот ва янги иш ўринлари яратишнинг асосий ҳиссасига айланиб, Ўзбекистоннинг келажакдаги иқтисодиётининг пойдевори сифатидаги салоҳиятидан далолат беради.

Ўзининг аҳамияти ортиб бораётганига қарамай, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси унинг тўлиқ салоҳиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Норматив чекловлар, чекланган инфратузилма, малакали ишчи кучининг этишмаслиги ва қўшни мамлакатларнинг рақобати унинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган муаммолардан фақат бир нечтаси. Бундан ташқари, Ўзбекистон хукумати ушбу секторни қўллаб-қувватлаш бўйича ислоҳотларни амалга оширган бўлсада, сиёсатни амалга ошириш, бозорга кириш ва инвестиция имкониятлари, хусусан, рақамли хизматлар ва экотуризм каби ривожланаётган ва инновацион соҳалар учун камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Бу муаммолар Ўзбекистон хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги ҳолати, ўсишнинг асосий омиллари ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган чекловларни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу динамикани тушуниш барқарор ўсишни рағбатлантириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш ва секторнинг мамлакатнинг кенгроқ иқтисодий мақсадларига мос келишини таъминлайдиган сиёсатни шакллантириш учун жуда муҳимдир.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хизмат кўрсатиш сектори, шунингдек, “учинчи сектор” ёки “терцерий сектор” деб ҳам аталади ва у маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўра хизматларни кўрсатишга ўйналирилган соҳаларни ўз ичига олади. Унда саломатликни сақлаш, таълим, молия, савдо, туризм, ахборот технологиялари ва бошқа кўплаб хизмат турлари мавжуд. Бу секторда асосий аҳамият хизмат кўрсатишга, яъни инсонлар ва ташкилотларга турли фаолиятлар орқали қиймат яратишга қаратилган (Berg, 2006).

Хизмат кўрсатиш сектори жаҳон иқтисодиётининг асосий таркибий қисми бўлиб, унинг ҳиссаси ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг кўп қисмига тўғри келади (Geeta & Sivanand, 2021).

Хизмат кўрсатиш соҳаси кенг қўламда иш ўринлари яратади, бу эса ишсизлик даражасини камайтиришга ёрдам беради. Хизмат кўрсатиш соҳаларидағи бандлик қишлоқ хўжалиги ва саноатга нисбатан барқарор ва тезроқ ўсиб бораётгани қайд этилган (Amutha & Juliet, 2017).

Молия, логистика, ахборот технологиялари ва маслаҳат бериш каби хизматлар бошқа соҳаларнинг самарадорлигини оширади. Бу эса хизмат кўрсатиш сектори мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва самарадорлигига муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади (Eswaran & Kotwal, 2002).

Саломатликни сақлаш, таълим ва бошқа турли хизматлар орқали хизмат кўрсатиш сектори аҳоли турмуш сифатини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшади. Бу эса жамиятда ижобий натижаларга олиб келади (Redif & Smaail, 2018).

Хизмат кўрсатиш сектори халқаро савдо ва рақобатбардошлиқда муҳим ўрин тутади. Бу секторда инновациялар ва хизмат сифатини яхшилаш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам устувор йўналиш ҳисобланади (Spohrer et al., 2007). Хизмат кўрсатиш сектори замонавий иқтисодиётларнинг ажralmas қисми бўлиб, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишда катта аҳамиятга эга.

Глобал хизмат кўрсатиш соҳаси технологик тараққиёт, иқтисодий ўзгаришлар ва сиёsat ўзгаришлари каби турли омиллар таъсирида сезиларли ўсиш ва ўзгаришларни кўрди. Ахборот технологиялари, смартфонлар ва интернетнинг юксалиши глобал хизматларга ўтишга сезиларли ҳисса қўшди. Ушбу технологиялар хизматларни янада самаралироқ тақдим этиш имконини берди, хизматларнинг халқаро савдоси учун янги имкониятлар яратди (Скорниченко ва бошқ., 2019).

Турли ҳудудлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ўзига хос хусусиятларга эга. Мисол учун, Осиёда хизмат кўрсатиш соҳасига инклузив иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида устувор аҳамият қаратилмоқда, гарчи бу соҳада унумдорлик ҳали ҳам ривожланган мамлакатларнидан орқада қолса ҳам (Ноланд ва бошқ., 2012). Шу билан бирга, Африканинг Саҳрои Кабирда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни диверсификация қилиш ва ўсиш учун янги йўлни таклиф қилувчи саноатлаштиришнинг потенциал қўшимчаси сифатида қаралади (Овусу ва бошқ., 2020).

Хизматлар савдоси бўйича Боз келишув каби савдо битимлари орқали хизматларни либераллаштириш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсишига ёрдам берди. Бундай сиёsat ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хизмат кўрсатиш бозорига интеграциялашувини кучайтириб, уларнинг ЯИМ ўсишига ҳисса қўшди ва бандлик имкониятларини яратди (Суряванши, 2020).

Глобал кенгайишига қарамай, хизмат кўрсатиш соҳаси минтақавий номутаносиблик ва технологиядан тенгсиз фойдаланиш каби муаммоларга дуч келмоқда. Юқори даромадли мамлакатлар хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсишидан кўпроқ фойда кўришда давом этмоқда, шу билан бирга Глобал жанубдаги кўплаб минтақалар глобал маҳсулдорлик даражасига эришиш учун курашмоқда (Ма ва бошқ., 2021). Ушбу тенгсизликлар кам ривожланган ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсишини қўллаб-қувватлаш учун мақсадли сиёsat зарурлигини таъкидлайди.

3. Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳаси бир неча асосий кичик тармоқларга диверсификацияланган бўлиб, уларнинг ҳар бири мамлакат ЯИМга сезиларли ҳисса қўшмоқда:

Савдо хизматлари сектор ҳам чакана, ҳам улгуржи савдони қамраб олади. 2024 йилнинг биринчи чорагида чакана савдо жами савдо хизматларининг қарийб 59,8 фоизини ташкил этди, бу эса мустаҳкам ички бозордан далолат беради.

Транспорт хизматлари ҳам йўловчилар, ҳам юклар учун жуда муҳимдир. Бу соҳада автомобиль транспорти хизматлари устунлик қиласи ва умумий транспорт хизматларининг 44,4 фоизини ташкил қиласи. Хусусан, Тошкент шаҳрида 13 298,6 миллиард сўмлик транспорт хизматлари кўрсатилиб, ўтган даврга нисбатан 22,3 фоиз ўсган.

Молиявий хизматлар сектор банк, суғурта ва бошқа молиявий фаолиятни ўз ичига олади. 2024 йилнинг биринчи етти ойида молиявий хизматлар (суғурта ва пенсия хизматларидан ташқари) молия сектори жами маҳсулотининг 88,2 фоизини ташкил этди. Тошкент шаҳри етакчи бўлиб, 58,8 фоиз молиявий хизматлар кўрсатиб, 43 841,4 миллиард сўмни ташкил қиласи.

Алоқа ва ахборот хизматлари 2024 йилнинг биринчи етти ойида 47,5 фоиз улушга эга бўлган ушбу секторда телекоммуникация хизматлари устунлик қиласи. Бу Ўзбекистонда рақамли алоқа аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади.

Таълим хизматлари, хусусан, олий таълим соҳа умумий ҳажмининг 59,5% ни, Тошкент шаҳри эса 45,7% ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш соҳасида шифохона хизматлари жами соғлиқни сақлаш хизматларининг 46,4 фоизини ташкил этди, бу ушбу соҳаларга катта давлат ва хусусий инвестицияларни кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси сўнгги йилларда сезиларли ўсишни кўрсатди. 2024 йилнинг биринчи чорагида тармоқ 15,9 фоиз ўсиш суръатига эришди ва Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий кенгайишига салмоқли ҳисса қўшди¹.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда. Охирги маълумотларга кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 44,2 фоизини ташкил этади, бу эса унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда сезиларли минтақавий фарқлар мавжуд. Тошкент шаҳри ялпи ички маҳсулотда хизматларининг энг катта улуши билан ажralиб туради - 60,3%. Аксинча, Навоий ва Тошкент каби вилоятларнинг улуши пастроқ, мос равишда 12,8% ва 26,0%.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес муҳим роль ўйнайди. Улар жами бозор хизматларининг 46,8 фоизини, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 22,6 фоизини ташкил этди. Бу хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик корхоналарнинг аҳамиятини таъкидлайди².

Умуман қараганда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли ўсиш ва диверсификацияни бошдан кечирмоқда, унга савдо, транспорт, молия, алоқа, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари катта ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, минтақавий номутаносибликларни бартараф этиш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тармоқ бўйлаб мувозанатли ва инклузив ривожланишни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Қуйида 1-жадвалда Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасининг кучли, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидларини кўрсатувчи SWOT таҳлили келтирилган:

1-жадвал

Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасининг SWOT таҳлили

Кучли томонлар	Тавсифи
Тез ўсиш ва диверсификация	Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотига 44 фоизга яқин ҳисса қўшмоқда. Савдо, молия ва ахборот технологиялари каби асосий кичик тармоқлар тармоқни диверсификация қилмоқда, анъанавий тармоқларга боғлиқликни камайтиromoқda.
Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ислоҳотлар	Хукумат хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун иқтисодий ислоҳотларни, жумладан, кичик бизнес учун солиқ имтиёзлари, рақамлаштириш ташабbusлари ва туризмни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга ошириди, бу эса тармоқ рақобатбардошлигини оширади.
Ўсиб бораётган ички талаб	Даромадларнинг ўсиши, урбанизация ва ёш аҳоли чакана савдо ва таълимдан тортиб ИТ ва

¹ <https://www.uzdaily.uz/en/uzbekistans-service-sector-reaches-31725-trillion-soums-in-january-july-2024/>

² <https://www.stat.uz/en/press-center/news-of-committee/46744-6yaim-yahm-ning-tarmoqlar-bo-yicha-tarkibida-xizmatlar-sohasining-ulushi-qanday-7>

<i>Стратегик географик жойлашуви</i>	соғлиқни сақлашгача бўлган турли хизматларга талабни ошириб, ички бозор ўсиши учун мустаҳкам асос яратади.
<i>Камчиликлари</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>Тартибга солиши ва бюрократик тўсиқлар</i>	Мураккаб қоидалар, узоқ маъмурий тартиб-қоидалар ва чекланган шаффофлик хорижий инвестицияларни тўхтатиб қўйиши ва хизмат кўрсатишга йўналтирилган бизнесни ташкил этишни секинлаштириши мумкин.
<i>Инфратузилма камчиликлари</i>	Транспорт, рақамли ва энергетика инфратузилмасининг, айниқса, қишлоқ жойларида етарли эмаслиги хизматларнинг кенгайишини чеклайди, бу эса соғлиқни сақлаш, банк ва телекоммуникация каби хизматлар сифати ва улардан фойдаланиш имкониятига таъсир қиласди.
<i>Малакадаги бўшлиқлар</i>	IT, молия ва соғлиқни сақлаш каби ихтисослашган соҳаларда малакали ишчи кучининг этишмаслиги сектор ўсишига тўсқинлик қиласди. Таълим муассасалари дастурларни хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзгарувчан эҳтиёжларига мослаштириш учун курашмоқда.
<i>Минтақавий номутаносибликлар</i>	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши Тошкентда тўпланган, бу эса кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда минтақавий тафовут ва чекланган иқтисодий диверсификацияни келтириб чиқаради.
<i>Имкониятлар</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>Рақамли трансформация ва электрон тижорат</i>	Электрон тижорат ва рақамли хизматларнинг юксалиши, айниқса, ҳукуматнинг рақамли инфратузилма ва IT ривожланишини қўллаб-кувватлаши билан катта ўсиш имкониятини тақдим этади.
<i>Сайёҳлик салоҳияти</i>	Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий бойликлари ҳукуматнинг туризмни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан биргаликда, айниқса экотуризм ва саргузашт туризми каби соҳаларда ўсиш учун муҳим имкониятлар яратади.
<i>Минтақавий кучайиши</i>	Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан яқинроқ алоқалар ва йирик бозорлар билан савдо келишувлари трансчегаравий

<i>Молиявий ва хизматларининг ўсиши</i>	<i>Финтеч</i>	хизматлар, хусусан, логистика, молия ва туризм соҳаларида кўламини ошириши мумкин.
		Молиявий инклузивликни кенгайтириш ва рақамли банкинг молиявий хизматларни яхшилаш, кредит олиш имкониятини яхшилаш ва тўлов тизимларини модернизация қилиш имкониятларини тақдим этади.
Таҳдиidlар		Тавсифи
<i>Кўшни давлатлардан рақобат</i>		Қозоғистон ва Озарбайжон каби давлатлар ҳам туризм, ИТ ва логистика каби соҳаларда минтақавий рақобатни юзага келтирган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси марказлари сифатида жойлашмоқда.
<i>Иқтисодий инфляция</i>	<i>беқарорлик ва</i>	Юқори инфляция ёки иқтисодий беқарорлик истеъмолчиларнинг харид қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши, чакана савдо, меҳмондўстлик ва молиявий хизматлар каби талабга асосланган хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсишини чеклаши мумкин.
<i>Хукумат боғлиқлик</i>	<i>ташаббусларига ва</i>	Секторнинг ўсиши ҳукуматнинг кўмаги ва ташаббусларига боғлиқ. Сиёсий устуворликларнинг ўзгариши ёки молиялаштиришнинг қисқариши инфратузилма ва хизматларга йўналтирилган ислоҳотларни секинлаштириши мумкин.
<i>Ташқи зарбаларга заифлик</i>		Хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, туризм ва савдо пандемиялар, минтақавий можаролар ёки иқтисодий таназзул каби глобал зарбаларга сезгир бўлиб, талабга таъсир қилиши ва ўшиш режаларини бузиши мумкин.

Ушбу SWOT таҳлили Ўзбекистондаги хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳозирги ҳолатининг кенг қамровли кўринишини тақдим этиб, унинг салоҳияти ва барқарор ривожланиш учун ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳақида тўлиқ маълумот шакллантиromoқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари ва имкониятлари ҳақида тўхталашибган бўлсақ, бугунги кунда биринчиси рақамлаштиришга глобал силжиш Ўзбекистонга хизмат кўрсатиш соҳасини модернизация қилиш ва кенгайтириш учун муҳим имкониятларни тақдим этади, хусусан:

Ўзбекистонда интернетнинг ўсиб бораётгани ва мобил алоқаси электрон тижорат учун қулай муҳит яратади. Маҳаллий корхоналар тобора кўпроқ онлайн ҳаракат қилмоқда, янги бозорларга чиқиб, чакана савдо ва логистика хизматларини кучайтиromoқда.

Рақамли ҳамёнлар, онлайн банкинг ва тўлов шлюзлари каби финтеч хизматларининг ривожланиши молиявий инклузивликни ошириш потенциалига эга. Ушбу хизматлар, шунингдек, ёш, технологияни яхши биладиган фойдаланувчиларни жалб қилиши ва уларни расмий иқтисодиётга янада интеграция қилиши мумкин.

IT инфратузилмасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш: рақамли инфратузилмани такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат ташабbusлари, масалан, кенг полосали ва мобил тармоқларга инвестициялар, онлайн таълимдан телемедитсинаагача бўлган рақамли хизматларни етказиб беришни яхшилаш.

Иккинчиси туризм ва меҳмондўстликни кенгайтириш орқали, сабаби Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, тарихий жойлари ва манзарали муҳити уни туризмнинг турли шакллари учун истиқболли манзилга айлантиради, яъни Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлар қадимий архитектураси ва Ипак йўли мероси билан жаҳон миқёсида тан олинган бўлиб, маданий туризм учун кучли жозиба беради. Чўллардан то тоғларгача бўлган мамлакатнинг табиий ландшафтлари саргузашт туризми учун имкониятларни тақдим этади, ноёб тажрибаларни излаётган бозорларга хизмат қиласди. Ўзбекистондаги минерал булоқлар ва соғломлаштириш курортлари, айниқса, қўшни мамлакатлардан келган беморлар учун арzon тиббий хизмат кўрсатиш учун тиббий туризм учун салоҳиятга эга.

Учинчиси бу таълим ва профессионал хизматлар. Чунки Ўзбекистон иқтисодиёти диверсификация қилинар экан, таълим, консалтинг ва соғлиқни сақлаш каби профессионал хизматларга талаб ортиб боради. IT, молия ва муҳандислик каби соҳаларда маҳсус таълим ва касбий қўнималарга бўлган эҳтиёж хусусий таълим муассасалари учун имкониятлар яратади. Тил мактаблари, касбхунар таълими марказлари ва онлайн таълим платформалари талабни қондириш учун кенгайтирилиши мумкин.

Ўзбекистонга кўпроқ хорижий компаниилар кириб келиши билан бизнес экотизимини қўллаб-қувватловчи ва хизмат кўрсатиш соҳасига қўшимча қиймат қўшувчи консалтинг, юридик, бухгалтерия ва бошқарув хизматларига талаб ортиши кутилмоқда. Инфратузилма ва технологияларни яхшилаш билан биргаликда соғлиқни сақлаш муассасаларига инвестицияларнинг кўпайиши соғлиқни сақлаш хизматларини кенгайтириши мумкин. Халқаро тиббиёт провайдерлари билан ҳамкорлик хизмат сифатини ошириш ва тиббий туризмни жалб қилиши мумкин.

Тўртинчиси, минтақавий савдо ва логистика маркази салоҳияти, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, логистика ва транспорт минтақавий марказ сифатида салоҳиятга эга. Ўзбекистон логистика инфратузилмаси, жумладан, модернизация қилинган автомобиль, темир йўл ва ҳаво тармоқлари яхшилангани уни Шарқий Осиё, Европа ва Яқин Шарқ ўртасида юк ташиш учун идеал дарвозага айлантиради. Омбор, юк ва юк хизматларига сармоя киритилиши ушбу секторда ўсишни тезлаштириши мумкин.

Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ): Давлатнинг логистика, савдо ва ишлаб чиқариш хизматларини рағбатлантирадиган ЭИЗларни қўллаб-қувватлаши ҳам Ўзбекистон, ҳам қўшни бозорларга чиқишига интилаётган хорижий инвесторларни жалб қилиши мумкин.

Бешинчиси, қайта тикланадиган энергия ва экологик хизматлар, барқарорлик ва қайта тикланадиган энергия учун ҳаракат янги хизмат имкониятларини тақдим этади. Ўзбекистон қайта тикланадиган энергияга ўтаётган бир пайтда қуёш, шамол

ва энергия самарадорлиги бўйича маслаҳат хизматларига талаб катта. Бу жой барқарор ривожланишга қизиққан глобал инвесторларни жалб қилиши мумкин. Ўсиб бораётган экологик хабардорлик чиқиндиларни бошқариш, қайта ишлаш ва ифлосланишни назорат қилиш хизматларига талабни келтириб чиқаради, бу яшил технологияларга ихтисослашган компаниялар учун йўл очади.

Сўнгиси, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсишини тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати хорижий инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик муносабатлари учун қулай сиёсатни жорий қилди. Солиқ имтиёзлари, бизнесни соддалаштирилган рўйхатдан ўтказиш ва чет эллик мулкчиликка нисбатан енгил чекловлар каби сиёсатлар ҳам маҳаллий, ҳам хорижий компанияларни Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасига сармоя киритишга ундейди. ДХШлар орқали ҳукумат шифохоналар ва мактаблардан тортиб транспортгача инфратузилма ва давлат хизматларини ривожлантириш учун хусусий фирмалар билан ҳамкорлик қиласиди. Ушбу ҳамкорлик молиявий таваккалчиликни баҳам қўриш билан бирга хизматлар кўрсатишни яхшилади.

Ўзбекистоннинг чакана савдо, меҳмондўстлик ва таълим соҳасидаги халқаро брендларга очиқлиги глобал ўйинчиларни бозорга киришга, хизмат кўрсатиш стандартларини оширишга ва янги иш жойларини яратишга унгади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан мустаҳкамланган бу истиқболлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини кўп жиҳатдан кенгайтириш учун қулай муҳит яратади. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ўзининг барқарор ва глобал миқёсда рақобатбардош бўлган диверсификацияланган, хизмат кўрсатишга йўналтирилган иқтисодиётiga ўтиш жараёнини тезлаштириши мумкин.

4.Хулоса.

Хулоса қиласиди бўлсак, Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳаси барқарор ва диверсификацияланган иқтисодиётга ҳисса қўшиш учун катта салоҳиятга эга. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва пайдо бўлаётган имкониятлардан фойдаланиш орқали Ўзбекистон хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор иқтисодий ўсиш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардошликни ошириш ва фуқароларнинг умумий ҳаёт сифатини яхшилашнинг асосий таянчига айлантира олади.

Адабиётлар:

Amutha, D., & Juliet, M. (2017). The Role of the Service Sector in the Indian Economy. ERN: Economic Growth & Aggregate Productivity in Developing Economies (Topic). <https://doi.org/10.2139/ssrn.3000398>.

Berg, D. (2006). Analysis of the Service Sector. Int. J. Inf. Technol. Decis. Mak., 5, 699-702. <https://doi.org/10.1142/S0219622006002246>.

Geeta, D., & Sivanand, D. (2021). Service Sector - Role Played in Economic Development. Revista Gestão Inovação e Tecnologias. <https://doi.org/10.47059/REVISTAGEINTEC.V11I4.2307>.

Eswaran, M., & Kotwal, A. (2002). The role of the service sector in the process of industrialization. Journal of Development Economics, 68, 401-420. [https://doi.org/10.1016/S0304-3878\(02\)00019-6](https://doi.org/10.1016/S0304-3878(02)00019-6).

Ma, N., Shum, W., Han, T., & Cheong, T. (2021). Global Inequality in Service Sector Development: Trend and Convergence. Frontiers in Psychology, 12. <https://doi.org/10.3389/fpsyg.2021.792950>.

Noland, M., Park, D., & Estrada, G. (2012). Developing the Service Sector as Engine of Growth for Asia: An Overview. Political Economy - Development: Domestic Development Strategies eJournal. <https://doi.org/10.2139/ssrn.2198159>.

Owusu, S., Szirmai, A., & Foster-McGregor, N. (2020). The Rise of the Service Sector in the Global Economy. <https://doi.org/10.1093/oso/9780198850113.003.0013>.

Redif, M., & Smaail, M. (2018). The economic importance of the services sector at international and local level. Milev Journal of Research and Studies. <https://doi.org/10.58205/mjrs.v4i1.1294>.

Suryavanshi, P. (2020). Trade in Services and Economic Development. SSRN Electronic Journal. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3516194>.

Spohrer, J., Maglio, P., Bailey, J., & Gruhl, D. (2007). Steps toward a science of service systems. Computer, 40. <https://doi.org/10.1109/MC.2007.33>.

Skornichenko, N., Sherstobitova, A., & Shnyakina, Y. (2019). Leading trends in the services sector: peculiarities, trends, and global perspectives. Proceedings of the 4th International Conference on Social, Business, and Academic Leadership (ICSBAL 2019). <https://doi.org/10.2991/icsbal-19.2019.29>.



ОПЕРАЦИОН РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

PhD, доцент **Абдужаборова М.Т.**
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Аннотация. Мазкур мақолада операцион рисклар, уларнинг турлари, вужудга келиш сабаблари, таҳлил этиши методлари, операцион рискларни бошқариш ҳақида баён этилган. шунингдек, илмий тадқиқотларда операцион рисклар бўйича ёндошувлар, муаллифнинг таҳлил этиши методикаси келтирилган. Тадқиқот натижасида операцион рискларни камайтириш бўйича мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: операцион риск, молиявий риск, бозор рисклари, технологик рисклар, ҳуқуқий рисклар, ички рисклар, ташқи рисклар, стратегик режалаштириш, риск таҳлили.

Аннотация. В данной статье описаны операционные риски, их виды, причины возникновения, методы анализа, управления операционными рисками. Также представлены подходы к операционным рискам в научных исследованиях, авторская методика анализа. В результате исследования представлены соображения по снижению операционных рисков.

Ключевые слова: операционный риск, финансовый риск, рыночные риски, технологические риски, правовые риски, внутренние риски, внешние риски, стратегическое планирование, анализ рисков.

Abstract. This article describes operational risks, their types, reasons for their occurrence, methods of analysis, and operational risk management. Also, approaches to operational risks in scientific studies, and the author's analysis methodology are presented. As a result of the study, considerations for reducing operational risks are presented.

Keywords: operational risk, financial risk, market risks, technological risks, legal risks, internal risks, external risks, strategic planning, risk analysis.

1.Кириш.

Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт Стратегиясида “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш” каби устувор мақсадлар қўйилган. Унинг ижросини таъминлаш учун фаолият юритаётган корхоналар фаолиятига оид рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш имкониятларини топиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида риск бизнеснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Корхонанинг муваффақиятли фаолияти бевосита рискларни тўғри баҳолаш ва бошқаришга боғлиқ ҳисобланади. Эҳтимолий рискларни олдиндан тўғри баҳолаш орқали келгуси ўзгаришларга тез мослашиш ва ноаниқлик шароитида тезкор қабул қилиш бўйича кўникма ҳосил қилинади.

Операцион рискларни бошқариш корхона келгуси фаолиятининг барқарорлиги ва узлуклиги таъминланишига асос бўлади. Бу жараён эса, фаолиятни тартиб ва моделлар асосида ташкил этишни тақозо этади.

2.Адабиётлар шарҳи.

О.И.Лаврушин (2007) Базель Қўмитаси томонидан операцион риск бўйича келтирилган таърифни қўйидагича талқин қиласди: операцион риск – бу номақбул ички жараёнлар, ходимлар, тизим ёки ташқи ҳодисалар натижасида юзага келадиган тўғри ё билвосита рисклардир.

Тадқиқотчи Л.Бродвицкий (2000) таъкидлашича, даставвал операцион рискларга молиявий рискларнинг бошқа рисклардан(масалан, бозор ва кредит) ажralиб турадиган бошқа турлари киритилган. Л.Бродвицкий (2000) нуқтаи назарига кўра, операцион рискнинг белгиланиши, унинг вужудга келиш соҳаси, даставвал молиявий операцияларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ.

Тадқиқотчи Л.Бродвицкий (2000) корхона томонидан операцион рисклар назорат қилиниши лозимлигини таъкидлаб ўтган. Операцион риск деганда, корхонада ички назорат тизимининг самарасиз функциялаштирилиши натижасида юзага келадиган рисклар тушунилади.

Операцион риск - бизнес жараёнларнинг нотўғри тузилиши, ички назоратнинг нотўғри жараёнлари, технологик носозликлар, ходимларнинг рухсатсиз ҳаракатлари ва ташқи таъсир натижасида кузатиладиган тўғри ва эгри зарар кўриш рискидир (Р.Р.Хабибуллин, 2013). Миқдор ёки сифат мезонларининг қўлланилиши рискнинг ўлчовга эга эканлиги ёки йўқлигига боғлиқ. Агар операцион рискни миқдоран аниқлаш имкони бўлса, миқдор мезонлари қўлланилади. Акс ҳолатда, хавфни миқдор мезонлари билан ўлчаш имкони бўлмаса, сифат мезонларини қўллаш мақсадга мувофиқдир (Р.Р.Хабибуллин, 2013).

Фикримизча, операцион фаолият таҳлили корхона раҳбарияти, бошқарувчилари, мулк эгалари учун бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. Операцион фаолиятдаги ўзгаришлар таҳлили ўз вақтида мавжуд рискларга таъсир кўрсатиш ва рақобатбардошлиқ даражасини ўрганиш имконини беради (М.Т.Abdujabarova, 2024).

Тадқиқотчи Н.Бобоназарова (2023) фикрича, операцион рисклар деганда, ташкилот фаолияти давомида ўз бизнес функцияларини бажариши жараёнида вужудга келадиган рисклар тушунилади, уларнинг таркибиға фирибгарлик ва ташқи ҳодисалар билан боғлиқ рисклар ҳам киради.

М.Бутабоев (2023) келтиришича, анъанавий иқтисодиётда рискларни математик моделлаштириш, эконометрик баҳолаш усуллари ёрдамида бошқарилар эди. Рақамли иқтисодиёт шароитида рискларни аниқлаш, баҳолаш, юмшатиш, суғурталашда бутунлай янги "риск диагностикаси"ни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Миллий бойликнинг ўсишини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири инвестицион фаолияти бўлиб, бунда лойиҳа кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, шу жумладан инвестиция рискларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Инвестицион рисклар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида фойданинг тўлиқ олинмаслиги ёки йўқотилиши эҳтимоли туфайли юзага келади (М.Ю.Хакимзода, 2024).

Ишлаб чиқариш рисклари ишлаб чиқариш жараёнларининг тўхташи ва узилишлари, операцияларни бажаришдаги технологик хатоликлар, хом ашёning паст сифати ҳамда ходимлар билан боғлиқ заарлар ёки қўшимча харажатлар эҳтимоллиги ҳисобланади (А.А.Иванов ва бошқалар, 2008).

Акциядорлик жамиятларида бизнес жараёнларнинг амалга оширилиши доимо риск билан боғлиқ бўлади. Аслида тадбиркорлик фаолиятининг муҳим хусусиятларидан бири унинг рискка асосланишидир (Н.К.Ризаев ва бошқалар, 2023).

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида корхоналар операцион фаолияти таҳдилининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ қўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, анализ ва синтез усулларидан кенг фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Операцион рисклар ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятида кузатилади. Мавжуд рисклар хўжалик юритувчи субъект томонидан қўйилган стратегик мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишига нисбатан тўсиқларни ҳосил қиласди.

Рисклар бевосита инсон омилга боғлиқ. Ходимларнинг малака даражаси ва қарор қабул қилиш жараёнида йўл қўядиган хатолари корхона учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Операцион риск корхона ўзининг кунлик фаолиятини амалга ошириш даврида юзага келади. Улар корхонанинг тармоқ мансублиги ва ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш) хусусиятлари бўйича фарқланиши мумкин ва қарор қабул қилиш жараёнларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Жумладан, савдо компаниясида паст малакага эга бўлган ходимнинг ишлаши операцион риск ҳисобланади. Бундай риск компания мавқеининг пасайиши ва тушумнинг камайишига олиб келади.

Операцион рискларнинг вужудга келишининг асосий сабаблари қўйидагилардир:

- ташкилий ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги;
- белгиланган режаларнинг бажарилмаслиги;
- ички назоратнинг мукаммал эмаслиги;
- ходимларнинг малака даражаси ва ўз функционал вазифаларига масъулиятсизлиги;
- моддий таъминотнинг тўғри ташкил этилмаганлиги;
- операцион рискларнинг тўғри бошқарилмаслиги ва б.

Одатда операцион рискларнинг қўйидаги турлари кузатилади:

- молиявий рисклар. Унга бозорнинг барқарор эмаслиги, валбта курсларининг ўзгарувчанлиги, ликвидлилик даражаси, молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги киради. Молиявий рисклар корхона молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади.

- операцион фаолият рисклари. Уларга моддий таъминотдаги узилишлар, захираларнинг тўғри ташкил этилмаслиги, ишчиларнинг малакаси каби муаммолар киритилади. Корхона фаолиятининг натижалари операцион фаолиятга оид рискларга боғлиқ.

- бозор рисклари. Бундай рисклар талаб ва таклиф ҳажмининг ўзгариши, рақобат даражаси, меъёрий ҳужжатлардаги ўзгаришлар бўлиши мумкин. Улар фойдалилик кўрсаткичларининг камайишига олиб келади.

- технологик рисклар. Ахборотларнинг хавфсизлиги, техник носозликлар, технологияларнинг эскирганлиги технологик рисклар жумласига киритилади. Улар фаолиятнинг самарадорлиги ва рвқобатбардошлигига таъсир қўрсатадиган муҳим омиллар ҳисобланади.

- ҳуқуқий рисклар. Бундай рисклар меъёрий ҳужжатларга риоя қилмаслик, суд қарорлари ва бошқа ҳуқуқий жиҳатлар бўлиши мумкин. Улар молиявий муаммоларни келтириб чиқаради ва корхона обрўсининг тушишига олиб келади.

- Мавқе(репутация)га оид рисклар. Уларга маҳсулот(иш, хизмат) сифатининг пастлиги, харидорларнинг норозилиги, ижтимоий тармоқлардаги салбий фикрлар каби масалалар киритилади. Корхона мавқеининг тушиши харидорлар ишончининг йўқотилишига олиб келиши ва фаолиятнинг келгуси ривожини хавф остига қўйиши мумкин.

Одатда корхона рискларга таъсир этиш даражасига кўра, уларнинг ички ва ташқи турлари фарқланади.

Ташқи рискларга бизнес эгаси таъсир қўрсатиш имконига эга эмас. Уларга қўйидагилар киради:

- валюта курсидаги тебранишлар. Корхона фаолияти экспорт ва импорт операциялари билан боғлиқ бўлган ҳолларда бундай рисклар жиддий хавф туғдиради.

- фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар. Корхонанинг қарз мажбуриятлари бўйича сарфларининг ошишига олиб келади.

- молиявий инқирозлар. Молиявий бозордаги нобарқарорлик, тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар соҳасидаги муаммолар корхонанинг капитали ва молиялаштириш манбаларига оид муаммоларни юзага келтиради.

Ички рисклар бевосита корхона раҳбарияти қабул қиладиган қарорларга боғлиқ:

- операцион рисклар. Корхона ички хўжалик жараёнида кузатилиши мумкин бўлган хавфлар ҳисобланади. Бундай рисклар маҳсулотнинг паст сифати, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келади.

- ижтимоий рисклар. Улар ҳудуддаги ижтимоий муҳит ва этика меъёрларини инобатта олишни тақозо қилади. Бундай рисклар корхонанинг мавқеига жиддий таъсир қўрсатади ва харидорларнинг норозилигига олиб келиши мумкин.

- молиявий рисклар. Бундай рисклар корхонанинг активлар ва уларнинг молиялаштириш манбалари билан боғлиқ. Корхонанинг барқарор бўлмаган молиявий фаолияти ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ва молиявий натижаларнинг камайишига олиб келади.

Рискларни таҳлил қилишнинг қўйидаги методлари кузатилади (1-жадвал):

1-жадвал

Операцион рискларни таҳлил қилиш методлари

Метод	Изоҳ
Статистик метод	Бу метод корхона фаолиятининг бир неча йиллик қўрсаткичларини солиширишга асосланади. Жумладан, корхона янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни мўлжаллаган. Корхонанинг янги маҳсулот турини тақдим этган даврдаги молиявий қўрсаткичларини ўрганиш орқали, янги маҳсулотнинг корхона келгуси натижаларига таъсирини баҳолаш имкони туғилади.
Харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги методи	Ушбу метод инвестицион қўйилмаларга оид молиявий хавфларни баҳолаш имконини беради. Жумладан, корхона сотиш ҳажмини ошириш мақсадида ходимларни ўқитиш, сотиш жараёнларини такомиллаштиришга оид янги

	воситаларни жорий этишни режалаштиради. Мазкур метод орқали ушбу харажатларнинг асосланганлиги баҳоланади.
Эксперт баҳолаш методи	Корхоналар қийин масалаларни ҳал этиш ва келгуси рискларни баҳолаш мақсадида экспертлар хизматидан фойдаланиш мумкин.
Аналитик метод	Одатда бу метод уйинлар назариясини назарда тутади. У заарсиз ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашга ёрдам беради. Жумладан, кийим-кечак ишлаб чиқариш корхонаси мавсумий шароитларни инобатга олган ҳолда қанча миқдорда плащ ва пальто ишлаб чиқарган ҳолда, қилинган харажатлар тўлиқ қопланади деган саволга жавоб топилади.
Аналоглар методи	Ўхшаш ҳолатларни ўрганиш орқали қабул қилишни назарда тутади. Бунда ўхшаш лойиҳалар ва ҳолатлар таҳлил қилинади.
SWOT таҳлил	Бизнеснинг кучли ва салбий томонлари, имкониятлари ва хавф-хатарлари(рисклар)ни олдиндан баҳолаш имконини беради.

Операцион рискларни бошқаришдан мақсад уларни аниқлаш, баҳолаш, назорат қилишидир.

Рискларни бошқариш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: аниқлаш, баҳолаш, мониторинг, рискларни камайтириш.

Рискларни аниқлаш жараёнида турли усуллар ёрдамида рискларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларни назорат қилиш учун масъул ходим аниқланади.

Рискларни баҳолаш босқичида рискнинг корхонага келтириши мумкин бўлган зарари баҳоланади.

Рискни назорат қилиш орқали унинг операцион жараёнларда юзага келиши мумкин вазиятлари мунтазам кузатиб борилади.

Базель Кўмитаси йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни келтирган:

- Корхона ичидағи фирибгарлик. Мулкка ноқонуний эгалик, қонуний хужжатлар ва қоидаларга амал қилмасликга оид йўқотишлар.

- Ташқи фирибгарлик. Бошқа томоннинг ноқонуний мулкка эгалиги, қонун хужжатларига риоя этмаслик, ўғирлик, хакер хужумларига ўхшаш йўқотишлар.

- Лавозим амалиёти ва меҳнат хавфсизлиги. Қонун хужжатларига риоя этмасликка оид ҳаракатлар ва ходимларнинг меҳнати, соғлиги ва хавфсизлигини таъминламаганлик ҳолатларида компенсация тўловлари.

- Мижозлар, маҳсулотлар ва бизнес амалиёт. Профессионал мажбуриятларни бажариш, маҳсулотлар конструкцияси жараёнидаги хатолар юзасидан йўқотишлар.

- Жисмоний ресурсларга оид заарлар. Табиий оғатлар ёки бошқа ҳодисалар туфайли ресурсларнинг йўқолиши ёки шикастланиши билан боғлиқ йўқотишлар.

- Бизнесдаги носозликлар ва тизимларнинг ишламаслиги. Компьютер ускуналари, дастурий таъминот, тармоқлар, коммунал хизматлар ишидаги носозликларга оид йўқотишлар.

- Жараёнларни амалга ошириш, етказиб бериш ва бошқариш. Транзакцияларни қайта ишлаш ёки жараёнларни бошқаришдаги носозликлар билан боғлиқ йўқотишлар, шунингдек етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар билан муваффақиятсиз муносабатлар натижасида етказилган йўқотишлар.

Рискларни тизимли бошқариш орқали жиддий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва янги имкониятларни ишга солиш йўллари белгиланади.

5.Хулоса.

Тадқиқотларимизга таяниб, операцион рискларни камайтиришнинг қўйидаги йўлларини келтирамиз:

- Рискларни бошқариш тизимини яратиш ва масъул ходимларни аниқлаш;
- Маълум битим ёки молиявий операция бўйича фақат маълум ходимларнинг хабардорлигини сақлаб қолиш;
- Ҳамкорлар билан шартномалар тузишдан олдин мавжуд рискларни олдиндан тўғри баҳолаш;
- Риск даражасини камайтириш учун айрим жараёнларда аутсорсинг хизматидан фойдаланиш;
- Фаолият ёки айрим битимларни суғурталаш;

Шунингдек, Ж.Х.Камбаров фикрича, агар корхонада юқори технологиялардан фойдаланиб ишлаб чиқариш ташкил этилса, ишлаб чиқаришда брак, дефект ва авариялар билан боғлиқ рискларни минимумгacha тушириш мумкин. Қуйи технологияли ишлаб чиқаришда эса юқорида қайд этилган ишлаб чиқариш рисклари максимумгacha ўсиш эҳтимоллиги мавжуд[6].

Хулоса тарзида айтиш мумкини, стратегик режалаштириш ва риск таҳлилининг тўғри амалга оширилмаслиги кўзда тутилмаган қийин вазиятларга олиб келади.

Адабиётлар:

Abdujabarova M.T. (2024) Analysis of Operational Activity of Companies. Web of Semantics: Journal of Interdisciplinary Science, Vol.2, No.6.

Borodovsky L. (2000) (eds.) The professional's handbook of financial risk management. Oxford: Butterworth-Heinemann. P. 377–412.

Бобоназарова Н. (2023) Pivojlanayotgan operatsion risklar va ularni boshqarish masalalari. International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 2 Issue 02,

Бутабоев М. (2023) Рақамли иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида рискларни бошқариш механизmlари. Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnal, 3(03), 40-54.

Иванов А.А., Олейников С.Я., Бочаров С.А. (2008) Риск- менеджмент. Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ, –С. 34.

Лаврушин О. И. (2007) Банковские риски: учеб. пособие / под ред. Лаврушина О. И., Валенцевой Н. И. М.: КноРус. 232 с.

Ризаев Н.К., Абдиева Н., Куватова Д. (2023) Корхоналарда ички аудитнинг зарурияти ва аҳамияти (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мисолида). International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 2 Issue 06.

Хабибуллин Р.Р. (2013) Понятие операционного риска. Финансы и кредит. 39 (567) – 51-56 стр.

Хакимзода М.Ю. (2024) Инвестицион рисклар моҳияти ва турлари. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2024-йил, II-сон. 665-671 б.



ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

PhD, Абдуллаев Д.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Аннотация. Мазкур мақолада давлат улуши мавжуд корхоналар ва уларнинг фойдасини солиққа тортишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаси бўйича хуносалар шакллантирилган ҳолда илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат корхонаси, давлат улуши, фойда, соф фойда, дивиденд, ажратма.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности деятельности государственных предприятий и налогообложения их прибыли. При этом по результатам исследований были разработаны научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: государственное предприятие, государственная доля, прибыль, чистая прибыль, дивиденд, отчисления.

Abstract. This article examines the specifics of the activities of state-owned enterprises and the taxation of their profits. At the same time, based on the results of the research, scientific proposals and practical recommendations were developed.

Keywords: state enterprise, state share, profit, net profit, dividend, allocation.

1. Кириш.

Маълумки, ҳар бир давлат ўзинининг давлатчилигини сақлаб туриш, тинчлигини таъминлаш ва белгиланган функцияларини самарали амалга ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ахолининг доимий равишда сифатли ижтимоий яъни таълим, тиббиёт каби хизматлардан фойдаланишини ташкил этиш маълум миқдорда харажатларни талаб қиласди. Мазкур харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш учун молиявий ресурслар манбалари мавжуд бўлиши лозим. Дунё амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу харажатларни маблағ билан таъминлаш мақсадида давлат бюджети ташкил этилган. Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан шакллантирилади. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам давлат бюджети ташкил этилган бўлиб, ундаги йиғилган маблағлар ижтимоий соҳага, иқтисодиётни ривожлантириш, давлат органларини сақлаб туриш ва бошқа бир қатор соҳаларга йўналтирилади. Бу эса аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ҳамда тинчлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шу боис, ҳозирда халқаро майдонда содир

бўлаётган мураккаб шароитда бюджетга тушумлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда миқдорини ошириш долзарб ҳисобланади. Бу борада, мамлакатимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, келгуси даврларда ҳам иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва халқаро саноатнинг муҳим таркибий қисмига айланган рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш мақсадида «Ўзбекистон — 2030» стратегияси қабул қилинди (Фармон, 2023). Мазкур стратегия билан фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Мазкур вазифанинг ижросини самарали ташкил этиш ҳамда бюджет даромадлари бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун давлат иштирокидаги бизнес субъектлари фойдасини солиқча тортиш тартибини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Мазкур тоифадаги юридик шахсларнинг соф фойдасидан ундириладиган дивиденд ва ажратмалар давлат бюджети даромадлари шакллантиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Фойда бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг ижобий молиявий натижаси ҳисобланади. Ҳозирги даврда фойда бизнес субъектлар фаолиятининг натижасини белгилаб бериши билан бирга бюджет даромадларини шакллантирадиган муҳим манба ҳисобланади. Шу боис, тадбиркор субъектлари фойдасини қўпайтириш ва бюджетга тушумларни миқдорини ошириш борасида корхоналар фойдасига солиқ солиш тартибини такомиллаштириш юзасидан иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ва турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Жумладан, Профессор Ш.Тошматов (2008) ўзининг тадқиқот ишида корхоналар фойдасини солиқча тортиш механизмини соддалаштиришга эътибор қаратган. Хусусан, фойда солигини ундиришда асоссиз пенялар ҳисобланишидаги муаммолар таҳлил этилиб, ушбу солиқни ундиришдаги бўнак тўловларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиққан. Профессор Н.Ҳайдаров (2003) томонидан стратегик чет эл инвесторларини кириб келишини рағбатлантириш мақсадида хорижий инвестицияли корхоналарни фойда солигига тортишнинг янги, ноанъянавий механизми ишлаб чиқилган. Россиялик олим С.Быкованинг (2006) фикрига кўра, фойдага солиқ солишнинг назарий базаси негизида фойданинг иқтисодий мазмуни ётади. Солиқ сиёсати фойданинг ўсиш суръатларига давлат таъсирининг энг самарали усулларидан бири бўлиб, мазкур сиёсатни амалга оширишнинг инструментларидан бири фойдани солиқча тортиш механизми ҳисобланади. Одатда, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига энг фаол таъсир воситалари фойда солигининг солиқ ставкаси ва солиқ имтиёзлари каби элементлари ҳисобланади. A.Auerbach (2002) қайд этишича, ҳукуматлар корхонанинг фойдасидан солиқ ундириш орқали бойликни қайта тақсимлашга, даромадлар тенгсизлигини бартараф этишга ва ижтимоий фаровонликни оширишга ҳаракат қиласи. Бундан ташқари, корхонани солиқча тортиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, чунки сиёсатчилар инфляцияни бошқариш, ялпи талабни рағбатлантириш ва иқтисодий пасайишга қарши курашиш учун солиқ имтиёзлари ва ставкаларини ўзгартиради. Хорижлик тадқиқотчилар S.Gupta ва бошқаларнинг (2009) таъкидлашича, корхоналар фойдасини солиқча тортиш давлатлар учун муҳим даромад манбаи бўлиб, уларга жамоат товарларини, ижтимоий дастурларни ва инфратузилмани ривожлантиришни молиялаштириш имконини беради.

Х.Зарипов (2021) эса худудларнинг иқтисодий салоҳияти ўсишидан манфаатдорликларини рағбатлантириш ҳамда маҳаллий бюджетни қўллаб-қувватлаш мақсадида фойда солиги суммасини маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириш таклиф қилинган. Ш.Жумаев (2023) ўзининг илмий тадқиқот ишида давлат улуши мавжуд корхоналарнинг соф фойдасини ажратиш тартибини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, давлат улуши мавжуд барча юридик шахсларнинг ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар муассислигига тузилган юридик шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда мазкур платформадан ҳамкорликда фойдаланиш орқали дивидендер ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш юзасидан ўзаро ахборот алмашиш тизимини жорий этиши лозимлигини таъкидлаган.

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот иши доирасида статистик гуруҳлаш аналитик таққослаш, мантиқий ва қиёсий таҳлил каби анъанавий усуллардан фойдаланилди. Корхоналар фойдасини солиққа тортиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан чет эллик ва мамлакатимиз олимларининг илмий-амалий қарашлари тадқиқ қиласланган ҳолда хуносалар шакллантирилди.

4. Таҳлил ва натижа.

Мамлакатимизда давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарнинг фойдасига солиқ солишнинг алоҳида тартиби амал қиласди. Хусусан, мазкур гуруҳдаги корхоналарнинг солиқ солинадиган фойдасидан фойда солиги ундирилгандан кейин ихтиёрида қоладиган соф тушумидан бюджетга тўловлар ундирилади. Молия-бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва бюджет ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилдан бошлаб давлат корхоналари ҳамда устав капиталида унинг улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг соф фойдасидан Давлат бюджетига тўловларни ҳисоблаш амалиёти жорий қиласланди (Фармон, 2018). Мазкур корхоналарнинг соф фойдасидан мажбурий тўловлар 2 хил кўринишда яъни дивиденд ва ажратма шаклида ундирилади.

Дивиденд давлат улуши мавжуд акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларидан ҳисобланади. Акциядорлик жамияти устав капитали акциядорларнинг ушбу жамиятга нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилотидир. Масъулияти чекланган жамият эса бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав капитали таъсис хужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамиятидир. Давлат органлари хўжалик жамиятининг муассислари бўлиши мумкин эмас. Бироқ, давлат ташкилоти хўжалиги жамияти шаклига ўзгартирилганда давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли орган жамиятнинг таъсисчиси бўлади. Бундан хуноса қиласланган бўлсақ, дивиденд тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналаридир.

Давлат корхоналарининг соф фойдасидан давлат улуши бўйича ажратмалар ундирилади. Давлат корхонаси давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган тижорат ташкилотидир. Давлат корхонаси давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади. Давлат фирмасининг номида «давлат корхонаси» сўзлари бўлади.

Шу ўринда давлат ҳамда унинг улуши мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар сони ва унинг таркибига тўхталадиган бўлсақ, мазкур корхоналари сони 2023 йилда

2 134 тани ташкил этган. Мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг сони ва таркиби ўзгаришини қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал


Давлат иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг таркиби ўзгариши таҳлили¹

№	Йиллар	Жами	Шундан					
			Акциядорлик жамияти		Масъулияти чекланган жамият		Давлат унитар корхонаси	
			сони	улуши, %	сони	улуши, %	сони	улуши, %
1	2019	2 890	258	8,9	983	34,0	1 649	57,1
2	2020	2 420	242	10,0	1 077	44,5	1 101	45,5
3	2021	2 144	226	10,5	1 021	47,6	902	42,1
4	2022	2 340	224	9,6	1 219	52,1	897	38,3
5	2023	2 134	238	11,2	1 255	58,8	641	30,0
Фарқи		-756	-20	2,2	272	24,8	-1 008	-27,0

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда 2019-2023 йиллар давомида давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 890 тадан 2 134 тага яъни 756 тага камайган. Фикримизча, бунинг асосий омили давлат корхоналарининг хусусийлаштирилганлиги ҳисобланади. Шунингдек, ушбу корхоналарнинг таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур даврда давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари сони камайиш, аксинча масъулияти чекланган жамиятлар сони кўпайиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, акциядорлик жамиятлари сони 20 тага ва давлат унитар корхоналари сони эса 1 008 тага камайган бўлса, масъулияти чекланган жамиятлар сони 272 тага кўпайган. Ўз навбатида, давлат иштирокидаги корхоналар таркибида акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар улуши мос равишда 2,2 ҳамда 24,8 фоизга ортган, бироқ давлат унитар корхоналарнинг улуши 57,1 фоиздан 30 фоизгача пасайган.

Амалдаги қонунчилик меъёrlарига мувофиқ, дивиденд тўловчиси фақатгина устав фондида давлатнинг иштироки 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятлар бўлади. Хўжалик жамиятлари таркибига давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўп акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар киради. Шунингдек, давлат унитар корхоналарнинг таъсисчиси тўлиқ давлат бўлганлиги сабабли ажратма тўловчиси ҳисобланади. Дивиденд(ажратма)ларни тўловчилар сони ва уларнинг давлат улуши мавжуд корхоналардаги салмоғи бўйича ўзгаришлар қуидаги расмда келтирилган.

¹ <http://www.davaktiv.uz/> - Давлат активларини бошқариш агентлиги расмий сайти



1-расм. Дивиденд(ажратма)ларни тўловчилар сони ҳамда уларнинг давлат иштирокидаги корхоналардаги салмоғининг ўзгариши динамикаси²

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, дивиденд(ажратмалар)ни тўловчилар сони 2023 йилда 1 833 тани ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 760 тага камайган. Шу билан бирга, дивиденд ва ажратмаларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахсларнинг давлат иштирокидаги корхоналардаги салмоғи 2019-2023 йиллар мобайнида 4 фоизга яъни 90 фоиздан 86 фоизга камайган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бир йилда ўртача 13,6 фоиз давлат иштирокидаги корхоналардан давлат улуши бўйича дивидендлар ундирилмайди.

Давлат улуши бўлган жамиятлардан дивидендлар ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни Давлат бюджетига ундириш вазифаси солиқ хизмати органларига юклатилган. Ушбу тўловлар миқдори, ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари тегишли йил учун қабул қилинадиган Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун (2023) билан тартибга солинади. Жумладан, жорий йил учун қабул қилинган мазкур хужжатга мувофиқ, ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар миқдори соф фойданинг 50 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2019 йилда соф фойданинг 30 фоизни ташкил этган ва 2020 йилдан 50 фоизга оширилган ҳамда бугунги кунгача сақланиб қолинган. Дивиденд(ажратмалар) тегишли йил учун ўтган йил якунлари бўйича шаклланган соф фойдадан ундирилади. Мазкур тўловларни ҳисоблаш муддати 1 июлгача, тўлаш муддати 1 сентябргача ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ажратма ва дивидендларни ундириш тартибида бир қатор ўзgartiriшлар киритилган. Хусусан, 2023 йилдан давлат ва устав капиталида унинг иштироки 50 фоиз ва ундан кўп бўлган юридик шахсларнинг таркибида кирувчи корхоналардан ҳам ажратма ва дивидендлар ундирилиши белгиланди. Шунингдек устав фондида давлатнинг улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналарга давлат улуши бўйича

² <http://www.davaktiv.uz/> - Давлат активларини бошқариш агентлиги расмий сайти

соф фойдасининг 100 фоизи миқдорида дивидендларни тўлаш тартиби тадбиқ этилди (Қонун, 2022). Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ушбу тоифадаги юридик шахслар учун дивидендлар тўлаш миқдори ва даврийлиги белгиланиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда тўланган ажратма ва дивидендлар миқдорини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Мазкур тўловларни амалга оширган корхоналар сони ва унинг миқдорининг ўзгариши қўйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Давлат улуши бўйича соф фойдадан бюджетга ундирилган дивиденд(ажратма)лар таҳлили³, млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	2019 й		2020 й		2021 й		2022 й		2023 й		Фарқи	
		Корхона сони	Суммаси										
	Жами	712	350,0	1 265	1 617,2	1 285	1 756,8	1 290	3 585,7	1 142	5 971,3	430	5 621,3
1	Дивидендлар	154	217,0	577	1 233,9	771	1 594,4	741	3 311,5	741	4 190,5	587	3 973,5
1.1	Акциядорлик жамияти	55	181,6	122	1 062,7	145	1 098,0	131	3 044,9	124	3 971,0	69	3 789,4
1.2	Масъулияти чекланган жамият	99	35,4	455	171,2	626	496,4	610	266,6	617	219,5	518	184,1
2	Ажратмалар	558	133,0	688	383,3	514	162,4	549	274,2	401	1 780,8	-157	1 647,8
2.1	Давлат унитар корхонаси	558	133,0	688	383,3	514	162,4	549	274,2	401	1 780,8	-157	1 647,8

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қилиб айтадиган бўлсақ, 2019-2023 йилларда бюджетга дивиденд ва ажратмалар тўлаган корхоналар сони 712 тадан 1 142 тага яъни 430 тага ошган. Шундан, дивиденд тўлаган жамиятлар 587 тага ошган бўлса, ажратмалар тўлаган корхоналар сони 157 тага камайган. Шу билан бирга, мазкур йилларда жами дивиденд ва ажратмалар суммаси 350,0 млрд.сўмдан 5 971,3 млрд.сўмга ошган. Дивидендлар суммаси жами 3 756,6 млрд.сўмга қўпайган бўлиб, унинг 3 608,7 млрд.сўми акциядорлик жамиятлари ва 148,8 млрд.сўми масъулияти чекланган жамиялари ҳиссасига тўғри келади. Давлат унитар корхоналари томонидан тўланган ажратмалар миқдори 2019 йилда 133 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2023 йилда 1 780,8 млрд.сўмга етган. Ажратмалар суммасида кескин ўзгариш 2023 йилда кузатилган. Бу “Навоийуранд” давлат корхонаси томонидан тўланган ажратмалар билан боғлиқ. Умуман олганда, дивиденд ва ажратмаларни ундиришда ижобий ўзгаришлар кузатилиб, бюджетга тўланган ушбу йиғимлар суммаси сезиларли равишда ошган. Фикримизча, дивиденд ва ажратмалар суммасининг ошишига соф фойдадан ундириладиган миқдорнинг оширилиши, тўловчилар сонининг кўпайиши, давлат

³ <http://www.soliq.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси расмий сайти

корхоналари фойдасининг ортиши ҳамда давлат ва унинг иштироки 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахсларнинг таркибидағи корхоналардан ҳам мазкур тўловлар ундирилиши ижобий таъсир қилган.

Маълумки, солиқлар ўз вақтида тўланмаганда мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати, пенялар, банқдаги ҳисобвараклар бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ва солиқ тўловчининг мол-мулкини хатлаш каби ушбу мажбуриятни таъминлаш чоралари кўрилади. Дивиденд ва ажратмаларни тўлаш муддати келтирилган, бироқ вақтида тўланмаганлик учун кўриладиган чоралар белгиланмаган. Бу мазкур тўловларни ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлашда муаммоларни юзага келтиради. Чунки, муддатида тўламаган корхоналарга мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди.

5. Хулоса.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат иштирокидаги корхоналарнинг фойдасидан ундириладиган дивиденд ва ажратмалар бюджет даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда ушбу йиғимнинг миқдори доимий равишда ошиб борган. Қолаверса, дивиденд (ажратма)лар тўловчиларнинг иштирокидаги корхоналардан ҳам, шунингдек олтин ва мис қазиб оловчи юридик шахслардан давлат улуши бўйича тўлиқ ундирилиши бюджет тушумларининг ошишига ижобий таъсир қилади. Бу эса, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Чунки, бюджетта йиғилган ушбу маблағлар аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун белгиланган харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади. Шу билан бирга, давлат иштирокидаги корхоналарнинг соф фойдасидан дивиденд ва ажратмаларни тўлиқ ҳамда муддатида ундириш билан боғлиқ айrim муаммоли ҳолатлар мавжуд. Шунга асосан, юртимиизда давлат иштирокидаги корхоналарнинг соф фойдасидан ҳисобланадиган ажратмалар ва давлат улушлари бўйича дивидендернан ундириш амалиётини такомиллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш мақсадида қуидагиларни таклиф этамиш:

1. Давлат корхоналари ва уставида давлат улуши мавжуд юридик шахсларнинг соф фойдасидан олинадиган ажратмалар ҳамда дивидендер солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилиб, ушбу тўловлар бўйича ҳам мажбуриятни таъминлаш чоралари кўрилиши, дивиденд ва ажратмаларни ҳисоблаш ҳамда ундириш юзасидан алоҳида тартиб ишлаб чиқилиши лозим.

2. Соф фойдадан давлат улусидан келиб чиқиб бюджетта тўланадиган дивидендер фақатгина унинг улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслардан эмас, балки давлат иштирокидаги барча юридик шахслардан ундирилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ҳозирда олтин ва мис қазиб оловчи корхоналарнинг соф фойдасидан давлат улуши бўйича тўлиқ дивидендер ундирилади. Бироқ, бошқа тоифадаги корхоналардан дивиденд ва ажратмалар давлатга тегишли қисми бўйича тўлиқ ундирилмайди. Шу боис, давлат корхоналари ва унинг улуши мавжуд юридик шахсларнинг соф фойдасидан ажратма ҳамда дивидендер давлат улуши бўйича бюджетта тўлиқ тўланиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

Auerbach, Alan. 2002. Taxation and corporate financial policy. In Handbook of Public Economics. Amsterdam: Elsevier, vol. 3, pp. 1251–92.

Gupta, Sanjay, Jared Moore, Jeffrey Gramlich, and Mary Ann Hofmann. 2009. Empirical evidence on the revenue effects of state corporate income tax policies. *National Tax Journal* 62: 237–67. [CrossRef]

Зарипов Х.Б. (2021) Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари: Монография – Т.: “Iqtisod - Moliya”, – 148 б.

Жумаев Ш. (2023) Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари. Дисс. автореферати. – Т..

Быкова С.Н. (2006) Налогообложение прибыли организаций и предпринимательская активность. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Москва.

Тошматов Ш.А. (2008) Корхоналар иқтисодий фаолигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент.

Қонун (2023) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-886-сон

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-813-сон Қонуни

Ҳайдаров Н.Х. (2003) Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон



СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА ТАННАРХНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ

Абдуразақов А.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Аннотация. Мақолада танланган мавзу доирасидаги мавжуд илмий мактаблар вакилларининг тадқиқот натижалари танқидий таҳлил қилингандай, умумлаштирилган ҳамда натижаларига асосланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) танархини ҳисоблаш, танархни ҳисоблаш усусларининг ривожланиши босқичлари таҳлил қилингандай, харажатларнинг миқдори ва дараҷасига таъсир қиласидаган омиллар тизимлаштирилган. Шунингдек, мақолада хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарувини ҳисоби самарадорлигини оширишини бюджетларни шакллантириши орқали амалга ошириш асолангандай, бюджет кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиши, шунингдек вужудга келадигандай четланишларини таҳлил қилиш механизми кўрсатиб берилгандай.

Калит сўзлар: харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби, танархни ҳисоблаш усуслари, омиллар, бюджетлаштириши.

Аннотация. В статье по результатам исследований критически анализированы, обобщены и систематизированы существующие подходы научных школ по методикам расчета себестоимость продукции (работ, услуг), определены затраты и факторы, влияющие на уровне себестоимости производимой продукции. Также в статье приведены основы повышения эффективности стратегического управлеченческого учета затрат в хозяйствующих субъектах за счет формирования бюджетов, механизма контроля за выполнением бюджетных показателей, а также анализа возникающих отклонений.

Ключевые слова: стратегический учет затрат, методы калькуляции, факторы, бюджетирование.

Abstract. Based on the research results, the article critically analyzes, generalizes, and systematizes the existing approaches of scientific schools according to the methods of calculating the cost of production. The article also provides the basics for improving the efficiency of strategic management cost accounting in economic entities through the formation of budgets, a mechanism for monitoring the implementation of budget indicators, as well as an analysis of emerging deviations.

Keywords: strategic cost accounting, calculation methods, factors, budgeting.

1. Кириш.

Бугунги кунда жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни хўжалик субъектларидан узоқ муддат учун мўлжалланган стратегик ривожланиш йўналиши ҳамда кўрсаткичларини аниқлаб олишни талаб қилади. Зеро, ривожланган мамлакатларда ушбу тадбир "...компаниялар мувафақиятининг асосий омили бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган тезкор ва ишончли маълумотларни олиш ҳамда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб келмоқда" (К.Друри, 2003).

Бутун дунё бўйлаб компанияларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили саналган стратегик бошқарув ҳисоби усусларини оптималлаштириш бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу соҳада амалга оширилган илмий изланишлар хўжалик субъектларида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини амалий тарафдан етарлича ёритиб бера олмайди. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобининг баъзи жиҳатлари бўйича назарий ҳамда амалий ишланмаларнинг этишмаслиги, стратегик менежментнинг аҳамияти ошиб бораётган даврда халқаро компанияларнинг ушбу ҳисоб шаклига бўлган қизиқишнинг ортиши хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Ҳозирда "қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усусларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш" устувор йўналиш сифатида эътироф этилган (Фармон, 2017).

2. Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини, хусусан компанияларда бошқарув ҳисобини масъулият марказлари бўйича ташкил қилиш, четланишлар таҳлилини олиб бориш амалиётини ҳамда "харажатлар-ишлиб чиқариш-фойда" кўрсаткичлари базасида бошқарув ҳисобини юритиш масалалари илмий ишларда батафсил талқин қилинган. Лекин, хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини яхлит бир тизим сифатида амалий жиҳатдан ташкил қилиш бўйича илмий тадқиқот натижалари деярлик йўқ.

Россиялик олим В.Е.Керимов (2005) таъкидлаганидек: "Миллий ўқув ва илмий адабиётларимизда стратегик бошқарув ҳисоби бўйича чоп этилган ишлар деярли йўқ ҳисоб".

Корхоналар амалиётида стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш масалалари энди кун тартибига чиқаётганлиги, шу муносабат билан амалиётда унинг моҳиятига етарлича эътибор берилмаётганлиги, аксарият ҳолатларда эса уни анъанавий тарзда бошқарув ҳисобининг бир қисми сифатида қаралаётганлигини кўрсатиб беради (И.И.Хахонова, Н.Н.Хахонова, 2013).

Маҳаллий олимлардан А.Х.Пардаев (2019) таъкидлаганидек: "...ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда, стратегик бошқарув ҳисоби- стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот таъминоти шаклланадиган бошқарув ҳисобининг бир йўналиши сифатида эътироф этилади. Стратегик бошқарув ҳисоби доирасида хўжалик юритувчи субъектнинг барча фаолият йўналишларининг батафсил таҳлили амалга оширилади.

М.ДеФонд ҳамда Ж.Ху (2020) стратегик бошқарув жараёнида ишлаб чиқариш жараёнидан олинган даромадларни, унинг таннахри ва сотишдан олинган пул оқимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг таҳлили натижасида бошқариш механизмларини такомиллаштиришни таклиф қилган.

Б.А.Хасанов (2004) ва А.А.Абдуғаниевлар (2004) бошқарув ҳисобининг методологик масалаларини такомиллаштириш бўйича докторлик диссертацияларини ёқлаган. А.Х.Пардаев (2019) стратегик бошқарув ҳисобининг кўрсаткичларини танлаб олиш, кўрсаткичларни истиқболда прогнозлаш методикаси ҳамда стратегик бошқарув ҳисобининг умумметодологик масалалари кўриб чиқилган. Бироқ стратегик бошқарув ҳисоби бўйича яхлит тизимли қамровга эга бўлган йирик илмий ишлар кўп эмас. Ушбу ҳолат стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш учун қатор тавсияларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Мавзу доирасидаги ривожланган хорижий давлатлар, МДҲ мамлакатлари, шунингдек мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳамда турли илмий мактаблар вакилларининг қарашлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг амалиётини ўрганиш натижалари уларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича ягона методологик ёndoшув ва услубий таъминот шаклланмаганлигини кўрсатади. Бу эса мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигидан далолат беради.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий тадқиқот жараёнида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби борасидаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, жараённи кузатиш, харажатларнинг миқдори ва даражасига таъсир қиладиган омилларни тизимлаштириш, харажатларнинг стратегик бошқаруви ҳисоби самарадорлигини оширишни бюджетларни шакллантириш орқали амалга ошириш, бюджет кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек вужудга келадиган четланишларини таҳлил қилиш, муаллиф тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил олиб бориш орқали тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Харажатларни стратегик бошқариш жуда долзарб йўналиш бўлиб бормоқда. Бу йўналиш молиявий инқироз шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Харажатларни стратегик бошқариш учун ишлатиладиган асосий дастур бюджетлаш технологиясидир. Шунинг учун ҳам бюджетлаштиришнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг концептуал асосларини ҳамда ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш, шунингдек унинг харажатларни аниқлаш ва режалаштириш борасидаги замонавий усул эканлиги, биринчи навбатда, маъсулият марказлари томонидан харажатлар ҳисобини ташкил қилишдаги амалий аҳамиятини таҳлил қилиш масалаларини, муҳим деб ҳисблаймиз.

1887 йилда инглиз иқтисодчилари Ж. М. Фелс ва Э. Гаркларнинг назарий "Ишлаб чиқариш счётлари: тамойиллар ва амалиёт, уларнинг юритилиши» номли тадқиқот ишлари нашр этилди. Бу тадқиқот ишида муаллифлар харажатларни бошқаришнинг мобил тизимини яратишга илк бор уриниб қўришган ва бунинг учун харажатларни шартли доимий, шартли ўзгарувчан ҳамда яrim ўзгарувчан қисмларга бўлишган. Мана шу олимларнинг тадқиқотлари шартли доимий харажатлар миқдорининг ўзгариши тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмаслигини, ўзгарувчан харажатлар эса тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ҳажмига мутаносиб равища кўпайиши ёки камайишини аниқлашга имкон берди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ёки камайиши, бу бир вақтнинг ўзида амалга

оширилди: илгари ўйлангандан кўра ресурсларни камроқ истеъмол қилган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин, чунки ярим ўзгарувчан харажатлар нотекис равища ошади.

А.Г. Черч эса ўзининг "Ишлаб чиқариш харажатларини адекват тақсимлаш" асарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган шартли доимий харажатларни устама (қўшимча) харажатлар гуруҳида ҳисобга олиш ҳамда уларни икки қисмга ажратишни - меҳнат ҳақи харажатлари ва умумхўжалик харажатларига ажратишни таклиф этди. XX аср бошларида шартли доимий харажатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига қандай пропорцияда қўшиш мумкинлиги ҳақида қўплаб илмий мунозара ҳамда муҳокамалар бошланди ва бу жараён ҳозиргача ўзининг ягона ижобий ечимини топгани йўқ.

Собиқ иттифоқ республикаларидан Россияда 1920-1930 йилларда харажатларни бошқариш назарияси Н.А.Блатов, Р.Я.Вейцман, А.П.Рудановский, А.М.Галаган каби таниқли иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилган.

Бироқ, саноат корхоналари учун тармоқлараро рақобат қучайиб бораётганлиги сабабли, таннархни аниқ ва тўғри миқдорида аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз харажатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш усувларидан бири сифатида XX аср бошларида АҚШ ва Европада пайдо бўлган, моҳиятан ҳақиқий харажатлар миқдорини олдиндан белгиланган меъёрлар (стандартлар) билан таққослаш ва харажатларни офишлар бўйича бошқаришга асосланган Standard Costing тизимиdir. Бу усулининг амалиётга жорий этилиши кераксиз харажатларнинг олдини олиш имконини берди. Шуни таъкидлаш керакки, меъёрий харажатларни аниқлаш усули Ф. Тейлор томонидан "Илмий бошқарув тамойиллари" асарида таклиф қилинган. Ишлаб чиқаришни бошқариш тарафдорлари меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг ягона энг яхши усулини аниқлаш учун стандартлардан фойдаланганлар, лекин уларни харажатларни назорат қилиш воситаси сифатида кўришмаган. Тахминан ана шу вақтнинг ўзида илмий бошқарувнинг стандартларни белгилаш усувлари такомиллашгани сабабли, харажатларни назорат қилиш стандартларидан фойдаланиш бўйича қатор мақолалар нашр этилди (Лонгмур, 1902; Керри, 1903; Витмур, 1908). 1911-йилда Ж.Харрисон биринчи бўлиб харажатларнинг меъёрларини (стандартларини) белгилаш ва вужудга келадиган офишларни (четланишларни) бошқаришнинг тўлиқ тизимини ишлаб чиқди ва амалиётга жорий қилди. Х.Эмерсон кўрсатдики, стандартлар тўғрисидаги маълумотлар менежерларга офишларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиганларга бўлиш имкониятини беради. Бу тизимдан АҚШ ва Фарбий Европанинг саноат корхоналари кенг фойдалана бошлиди.

1936 йилда Ж.Харрисон таннархни ҳисобга олишни бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кесимида ҳисоблаш конепциясини илгари сурди (Direct Costing усули) ҳамда амалиётда шу усулининг ишлаш механизмини кўрсатиб берди. Бу эса устама (бильвосита ёки эгри ва ш.к.) харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш заруриятини бартараф этди. Direct Costing усули 1960-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётда ўзининг кучли ўрнига эга бўлди. Ж.Харрисон ҳар хил турдаги харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан турлича боғлиқлигини ва шунинг учун асосий кўрсаткичлар бўлган фойда ва маҳсулот рентабеллигига улар турли хилда таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг бу мушоҳадаси натижасида харажатларни бошқаришда бу бир қанча калькуляция тизимларининг яратилди. Улардан бири – Absorbtion Costing усули.

Absorbtion Costing усули барча харажатларни сотилган маҳсулот ва омбордаги қолдиқ ўртасида тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашни

назарда тутади. Бу усулда, тўғри (бевосита) харажатлар маҳсулотнинг маълум турларига, эгри (бильвосита, устама ва ш.к.) харажатлар эса маҳсулот турлари ёки харажатлар марказлари бўйича ягона анъанавий тарзда қабул қилинган қўшимча харажатлар ставкалари бўйича тақсимланади. Бильвосита харажатларни тақсимлашнинг бундай соддалаштирилган тизими 20-асрнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти - қўллашнинг қулайлиги, лекин шу билан бир қаторда аниқлигининг паст даражада бўлиши, хатоларнинг юқори даражада вужудга келиши билан ифодаланади. Ушбу тизим умумий харажатлар миқдорида бильвосита харажатлар улуши унча катта бўлмаган ҳолатларда самарали ҳисобланади.

Direct Costing хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш асосида амалга оширилади. Фақат охиргиси, яъни ўзгарувчан харажатлар миқдори ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Доимий харажатлар миқдори эса бевосита молиявий натижалар миқдоридан чегириш орқали ҳисобдан чиқарилади. Харажатларни бошқаришда Direct Costing усулидан фойдаланиш - бу маржинал даромадни (сотишдан тушган тушум миқдоридан, яъни даромад ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган миқдор) бошқариш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, маржинал даромад - бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес рентабеллигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир. Direct Costingнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг ёрдамида харажатлар (харажат), ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликни ўрганиш, тезкор ва жараёнли таҳлилни қилиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт, узлуксиз тарзда, харажатларни ҳисобга олиш усуllibарининг замонга ҳамоханг тарзда такомиллашиб бориш заруриятни қўйиб келоқда.

Шунга мувофиқ тарзда яна бир усул - Функционал калькуляция тизими (ABC - Aktivity Based Costing - Фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисоблаш) вужудга келди. Бу усул харажатларни улар вужудга келадиган жойлар бўйича ҳисобга олишга асосланади. Бу усулни амалиётда одатда, масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисоблаш усули деб ҳам аташади. Бу усулдан амалиётда фойдаланиш жуда қимматга тушади, лекин юқори аниқлик даражасига эга ва харажатларни ҳисоблаш хатолари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Ушбу тизим бильвосита харажатларнинг улуши юқори бўлган саноат корхоналари учун қўлланилади, уларнинг маҳсулотлари турли нисбатларда ташкилий ресурсларни талаб қиласди. Бундай ҳолда, қўпинча икки босқичли жараён қўлланилади: биринчи босқичда бильвосита харажатлар харажатлар марказларига тақсимланади; иккинчидан, масъулият марказларида тўпланган харажатлар тегишли асослар (мезонлар, тақсимлаш асослари ва ш.к.) бўйича маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Standard Costing ҳамда ABC - Aktivity Based Costing усуllibарини қўллаш натижасида, баҳони белгилаш ва солиқقا тортиш учун базавий кўрсаткич ҳисобланадиган, тўлиқ таннарх миқдори аниқланади.

Кейинчалик, ана шу иккита усул Р. Д. Mc-Илхаттан, Р. А. Хауэлл ва С. Р. Соуслар таклифи ва илмий хуносалари натижалари асосида бирлаштирилган ҳолда "Sistem in time (SIT)" усули деб, ишлатилиб бошланди. Ушбу олимларнинг таклифлари моҳияти, харажатларни бошқариш бевосита ишлаб чиқарishnинг яқуний маҳсулотига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига қаратилган бўлади.

Йигирманчи аср ўрталарида харажатларни бошқаришда принципиал янги йўналиш яратилди. Хусусан, 1963 йилда С. Девидсон томонидан стратегиянинг роли ортиши муносабати объектив заруриятга айланган харажатларни стратегик

бошқаришга асос солган мақола ёзилди [13]. Замонавий бизнес жуда динамик бўлиб, бу фан ва амалиётдан харажатларни бошқариш усуллари ва усулларини доимий равища тақомиллаштиришни талаб қиласи, чунки кеча доимо муваффақият ва барқарор фойда келтирган нарса бугундан шубҳаланиши мумкин, эртага эса рақобатдош устунликнинг йўқолишига олиб келади. Бу тушунча К. Друри (Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби, 2002) ҳамда Д. К. Шанг ва В. Говинда Ражан (Харажатларни стратегик бошқариш, 1999) асарларида тўлиқ ифодаланган. Айнан Д. К. Шанг ва В. Говинда Ражан асарларида харажатларнинг бошқариш ҳисобини ташкил қилишда қўйидаги 3 та усулдан фойдаланиш таклиф этилган:

- қиймат занжирини таҳлил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳлил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатадики, деярлик барча иқтисодчи олимлар харажатларни стратегик бошқаришнинг асосий мақсади сифатида - хўжалик юритувчи субъект томонидан замонавий бизнесда барқарор рақобатдош устунликка эришишни, эътироф этишади [5, 11, 14, 16].

Харажатларни жорий бошқариш ва харажатларни стратегик бошқариш ўртасидаги фарқ хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш қобилиятидадир. Вазиятни баҳолайдиган ва қарор қабул қиласиган раҳбар буларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ҳисобга оладиган маълумотларга эга бўлиши керак. Шу мақсадда харажатларни жорий бошқаришда қўшимча счёtlар ва субсчёtlар кенг қўлланилади. Харажатларни жорий бошқаришнинг ўзига хос хусусияти нафақат иқтисодий фаолиятнинг амалга содир этилган кўрсаткич ҳамда омилларини, балки кутилганларини ҳам акс эттириш қобилиятидир. Бу давр бошланишидан олдин натижаларни ҳисоблаш ва маълум прогнозлар рўёбга чиққан тақдирда чора-тадбирларни белгилаш ва давр охирида прогнозни ҳақиқат билан таққослаш имконини беради, бюджет ижросини таҳлил қилиш, четланиш сабабларини аниқлаш, жойини аниқлаш, вужудга келган бўлган оғишларни ҳисобга олиш ва вазиятни яхшилаш чораларини кўриш имконини беради.

Стратегия концепция, яъни хўжалик юритувчи субъект ўз мақсадига қандай эришиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар тизими (молиявий ва нафақат) бўлиб, у узоқ муддатли ҳаракатлар режасига айлантирилиши керак. Бу эса табиий равища узоқ муддатли бюджетларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Узоқ муддатли бюджет жуда батафсил бўлиши мумкин эмас, лекин асосий кўрсаткичлар – ишлаб чиқариш ҳажмлари, фойда, инвестициялар бўйича йўл-йўриқ бериши ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиялаштирилиши бўйича стратегиясини аниқлашга имкон бериши керак (ўз маблағлари ҳисобидан, банк кредити, инвесторлар иштирокида ва бошқалар).

Амалиётда, шунингдек иқтисодчи олимлар қарашларида ҳам узоқ муддатли ва қисқа муддатли (жорий) бюджетлар мавжудлиги эътироф этилади (Ш.А.Пардаева, 2022).

Хўжалик юритувчи субъектни бошқариш қисқа муддатли бюджет орқали амалга оширилади, чунки айнан шундай бюджетлар жорий қарорларни қабул қилиш мезонларини белгилайди ва унинг бажарилишини таҳлил қилиш асосида узоқ муддатли бюджетларни ёки ҳатто мақсадларни тузатиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти қарорлар қабул қилишларига имкон берадиган таҳлилий маълумотларни шакллантириб беради. Шунинг учун бюджетлар асосида (бюджетлаштириш) бошқариш деганда хўжалик юритувчи субъектни қисқа муддатли бюджетлар орқали бошқариш тушунилади.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг умумий тизимида бюджетлаштириш асосида бошқаришнинг ўрнини ва унинг бошқа элементлар

билан алоқасини тўғри баҳолаш керак. Бюджетлаштиришнинг бошланиш нуқтаси, бу хўжалик юритувчи субъектнинг вазифаси, яъни хўжалик юритувчи субъект нимани хоҳлашини ва қандай қилишини акс эттиришидир. Миссия ўзгаради, лекин жуда секин. Унга яқин бўлган бизнес ғояси эса нисбатан вазиятга қараб тезроқ ўзгариши мумкин, яъни хўжалик юритувчи субъект қандай қилиб янада кўпроқ даромад топиши ҳақидаги асосий ғояси ўзгаришидир. Бизнес ғоясини ўзгартириш учун бозорни ўзгартириш керак, бу аввалги даромад манбасидан фойдаланишни имконсиз қиласди. Миссия эса иккала ҳолатда ҳам, аввалгидек, ўзгаришсиз қолаверади.

Ташқи ва ички таҳлиллар асосида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқий молиявий мақсади белгиланади, сўнгра ушбу мақсадга эришиш учун хўжалик юритувчи субъект стратегияси ишлаб чиқиласди. Бунда стратегия деганда хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли истиқболдаги мақсадларига эришиш тушунчаси тушунилади. Бу вақтда харажатларни стратегик бошқариш тугайди ва биз харажатларни жорий бошқариш тизимиға ўтамиш: аниқроғи, бу ҳолатда узоқ муддатли режа жорий бюджетга айланади ва амалга оширила бошлади. Бюджетнинг бажарилиши тартибга солиш ва назоратни талаб қиласдан хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятидир.

Бундан ташқари, узоқ муддатли бюджет параметрларидан ҳақиқий амалда эришилган кўрсаткичлар миқдорининг сезиларли оғиши ташқи ҳамда ички омилларни такроран кўриб чиқиши талаб қиласди, бу ҳам пировард натижада, албатта, стратегиянинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Ва охирги қадам - мақсадни тўғрилаш, агар стратегиядаги ўзгаришларни таҳлил қилас эканмиз, биз ҳақиқатан ҳам амалга оширилган стратегияларнинг бирортаси билан ҳозирги мақсадга эришиш мумкин эмаслигини тушунган бўлсак. миссияни ўзгартириш ҳам мумкин, аммо бу ўз моҳиятига кўра янги бизнесни бошлашни англатади. Шундай қилиб, ушбу тизимда жорий харажатларни бошқариш асосий ўринни эгаллади - у стратегияни амалга ошириш, жорий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг самарадорлиги ва бошқарув тизимидағи фикр-мулоҳазалар учун жавобгардир. Ва бу ҳолатда унинг аҳамиятини жуда ошириб юбормаслик керак, яъни стратегияни эътибордан четда қолдирмаслик керак, деб ҳисоблаймиз.

Харажатлар даражасини белгилаш, ҳисобга олиш ҳамда уни бошқариш учун уни белгиловчи, унга таъсир этувчи омилларни тўғри ҳисобга олиш, тақсимлаш ва тизимлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар, шунингдек амалиётчилар ҳам харажатларни жорий бошқариш мақсадида омилларни етарлича тўлиқ ва тўғри гуруҳларга бўла олганлар (Ш.А.Пардаева, 2022).

Ана шундай қарашларни умумлаштириб, қайд этиш мумкинки - харажатларни жорий бошқариш битта ҳал қилувчи омил - ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади ва шундан келиб чиқиб:

- харажатларни доимий ва ўзгарувчан, ўртача ва маржиналларга гуруҳланади;
- ўртача харажатларни маржинал билан даражаларини аниқлашда таққослаш усулидан фойдаланилади:
- харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда кўрсаткичлари нисбатлари таҳлил қилинади:
 - ишлаб чиқаришнинг критик (зараарсиз) нуқтаси аниқланади;
 - режалаштирилган харажатларни ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига мослаштириш учун эгилувчан бюджетлар шакллантирилади:
 - маржинал фойда таҳлили амалга оширилади.

Ушбу харажатлар таснифи асосий микроиктисодий моделларга асосланади.

Харажатларга турли омиллар таъсир кўрсатади, уларни икки гурухга бўлиш мумкин:

- ташқи, яъни мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожланиш даражасини акс эттирувчи ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятига боғлиқ бўлмаган омиллар. Ушбу гурух омилларининг таъсири хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, энергия ташувчилар нархлари даражасида намоён бўлади: сув, транспорт ва бошқа моддий хизматлар учун таърифларда: давлат ижтимоий суғуртаси учун амортизатсия ажратмалари меъёрларида, ижара ставкаларида, тиббий суғурта миқдорида; хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш тизимида;

- ички, хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни унинг тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар. Буларга қўйидагилар киради: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, фаолият кўлами ва иш ҳақи тизими, асосий фондларни янгилаш, айланма маблағларни кўпайтириш, янги технологияларни жорий этиш, моддий ресурсларидан фойдаланиш даражалари ва ш.к.

Иқтисодий адабиётлар таҳлиллари (К. Друри, 2002; Ж. К. Шим. Ж. Г. Сигел, 1996) кўрсатадики, харажатларни стратегик бошқариш мақсадида харажатларга таъсир қилувчи барча омилланини икки тоифага бўлиш мумкин:

- таркибий омиллар: хўжалик юритувчи субъектнинг кўлами, диапазони, тажрибаси, технология ва мураккаблик даражаси;

- функционал омиллар: хўжалик юритувчи субъектнинг муваффақиятли фаолият олиб бориш қобилиятини ифодалайдиган харажатларни бошқариш имконияти: иш натижалари учун жавобгарлик ва мотивация даражаси; маҳсулот сифати билан боғлиқ ютуқларни рағбатлантириш имконияти; ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал фойдаланиш даражаси, самарали режалаштириш, конфигурация омили, етказиб берувчилар ва мижозлар билан муносабатлар даражаси.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун таркибий омиллар нуқтаи назаридан ҳар қандай маҳсулот гурухи учун харажатлар таркиби билан боғлиқ бешта стратегик алтернатива мавжуд:

1. Масштаб (кўлам) омили – ўрганилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик, маркетинг ва бошқа ресурсларга киритилиши керак бўлган сармоя миқдори билан боғлиқ горизонтал интеграция.

2. Диапазон омили - вертикал интеграция.

3. Тажриба омили - хўжалик юритувчи субъект ҳозирда нима қилаётганини ўтмишда неча марта бажарганлигини кўрсатади.

4. Технология омили - хўжалик юритувчи субъект харажатларининг ҳар бир босқичида қўлланиладиган технологик жараёнларни акс эттиради.

5. Мураккаблик омили - маҳсулот ассортиментини тавсифлайди.

Ҳар бир таркибий омил харажатларни бошқариш борасида хўжалик юритувчи субъект танлаган танловни назарда тутади. Шу борада эътироф этиш керакки, ривожланган бозор муносабатларига эга мамлакатлар илмий мактаблари қарашлари ва амалиёти интеграция (масштаб ва диапазон омиллари) ва тажриба каби иккита омилга алоҳида эътиборни қаратишади.

Хўжалик юритувчи субъект самарадорлиги билан мутаносиб боғлиқ бўлмаган таркибий омиллардан фарқли ўлароқ функционал омиллар бу натижаларга бевосита таъсир қиласи. Таркибий омилларнинг ҳар бири учун катта бўлиши яхшироқ дегани эмас, функционал омиллар учун эса аксинча. Функционал омилларнинг иқтисодий мазмуни қўйидагилар билан белгиланади:

- Меҳнат натижалари учун мотивация ва жавобгарлик ходимларни рағбатлантириш контсепциясини ишлаб чиқиши, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини доимий равишда такомиллаштиришга интилишини назарда тутади:
 - маҳсулот сифати билан боғлиқ ютуқларни рағбатлантириш жараёни сифатни яхлит бошқариш тизимини яратишни англатади;
 - ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал фойдаланиш технологик хусусиятларга асосланган муқобил вариантларни танлашни назарда тутади;
 - саноат корхонаси фаолиятини самарали режалаштириш, тизимнинг режали кўрсаткичларини меъёрлар билан таққослаш, функционал тузилманинг энг муҳим элементи ҳисобланади:
 - конфигурация омили аниқ лойиҳа (бизнес-режа) самарадорлигини акс эттиради;
 - саноат корхонасининг таннарх занжирида маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан алоқалари ҳамда муносабатлари харажатларнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Харажатларни бошқариш ҳар қандай муайян вазиятда харажатларни ҳисобга олиш омиллари мажмуасининг мураккаб ўзаро таъсирини англатади. Ҳар бир омил саноат корхонаси учун танлов имкониятини назарда тутади ва бу харажатлар даражаси ва динамикасини белгилайди. Энг мақбул вариантни амалга ошириш учун ҳар бир омил учун харажатларни тўғри ҳисоблаш керак.

5. Хуносат.

Харажатларни стратегик бошқариш жуда долзарб йўналиш бўлиб бормоқда. Бу йўналиш молиявий инқироз шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шунга мовофиқ тарзда, ривожланган давлатлар амалиётида компанияларнинг стратегик бошқарув ҳисоби ҳам стратегик менежмент ҳамда ҳисоб-таҳлил амалиёти давомида шаклланиб ривожланиб бормоқда.

Шу муносабат билан ана шундай ривожланган бозор муносабатлари шаклланган демократик давлатларда шаклланган ва амалиётда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатган тажрибаларини ўрганиш ва самаралиларини миллий амалиётимизда қўллаш имкониятларини баҳолаш, муҳим деб ҳисоблаймиз. Мавзу доирасида шу борада муҳим йўналиш харажатларни ҳисобга олиш усуслариридир, деган илмий хуносага келинди. Харажатларни ҳисобга олиш усуслари моҳиятан замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бориш заруриятини қўйиб келокда. Хусусан, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишида, қуйидаги 3 та усулдан интеграллашган ҳолда фойдаланиш таклиф этилди:

- қиймат занжирини таҳлил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳлил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш.

Харажатларни стратегик бошқариш учун ишлатиладиган асосий дастур бюджетлаш технологиясидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти билан боғлиқ барча режалар бюджетлаштирилиши, бюджетнинг бажарилиши тартибга солиниши ва назорати олиб борилиши, мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект доирасида бюджет параметрларининг оғишини назоратга олиш, оғишлар стратегиянинг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда эса менежерларни узлуксиз хабардор қилиб бориш механизми жорий этилиши керак.

Харажатлар даражасини белгилаш, ҳисобга олиш ҳамда уни бошқариш учун уни белгиловчи, унга таъсир этувчи омилларни тўғри ҳисобга олиш, тақсимлаш ва тизимлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ишда берилган харажатларга таъсир этувчи омиллар классификацияси, хўжалик юритувчи субъектларда

харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш имкониятини яратади.

Адабиётлар:

Abdinabi Kh. Pardaev, Umidjon U. Kostaev. (2020) The improvement of organizing strategic management accounting, Journal of Critical Reviews, 7(18), c. 718-721, ISSN-2394-5125 vol. 7, ISSUE 18,

Pardaev Abdunabi Halikovich, Kostaev Umidjon Umirzakovich, Pardaeva Shahnoza Abdinabievna. IMPROVING STRATEGIC COST MANAGEMENT ACCOUNTING, Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7), p. 4842-4847, E-ISSN: 1309-6591, vol. 12., No 7, (2021).

Mark DeFond, Jinshuai Hu (2020) The effect of fair value accounting on the performance evaluation role of earnings/ Jounal of accounting and Economics. Volume 70, issues-2-3, November-December, 101341

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0165410120300434?via%3Dihub>

Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. (2019) Boshgaruv hisobi: Darslik /A.X. Pardayev, Z.A. Pardayeva. - T.: "Iqtisod-Moliya", -556 b;

Pardaev Abdunabi Halikovich, Kostaev Umidjon Umirzakovich, Pardaeva Shahnoza Abdinabievna, DIRECTIONS FOR IMPROVING INFORMATION SUPPORT FOR STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING, [Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry](#), 12(7), p. 4668-4677, E-ISSN: 1309-6591, vol. 12., No 7, (2021).

Tashnazarov S. The main ways of the improvement of financial reports in the Republic of Uzbekistan (about balance sheet and the report of financial results). //Journal of Management Value & Ethica. ISSN: 2249-9512, Vol. 6, Oct-Dec. 16, - №4. P.109-119. GIFO.565

Абдуғаниев А.А. (2004) Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг назарий ва амалий асослари. И.ф.н. диссертацияси. Банк-Молия академияси.

Друри К. (2003) Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, -665 с. – (Серия «Зарубежник учебник»). Стр. 567-569.

Керимов В.Э. (2005) Стратегический учет. Учебное пособие / В.Э. Керимов – М.: Омега-Л, 168 с

Костаев У.У. (2020) Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография / У.У.Костаев; - Т.: "Iqtisod-Moliya", - 180 б.

Пардаева Ш.А. (2022) Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. /Монография – Т.: "Lesson Press" нашриёти, - 124 б.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли .

Хахонова И.И., Хахонова Н.Н. (2013) Система стратегического учета: формирование и развитие // Фундаментальные исследования. – № 6-3. – С. 720-724;

Ҳасанов Б.А. (2004) Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. диссертацияси. –Тошкент, Банк-Молия академияси.



ХҮЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Абдуразақов А.А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар учун бошқарув ҳисобининг аҳамияти ёритилган. Бошқарув ҳисобининг бошқа ҳисоб турларидан фарқи кўрсатиб берилган. Бошқарув ҳисобининг мақсади, функциялари, предмети ва методи моҳияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: бошқарув ҳисоби; бошқарув ҳисоби предмети, методи, функциялари, тамойиллари.

Аннотация. В статье рассмотрены сущность и роль управляемого учета для хозяйствующих субъектов. Раскрыто отличие управляемого учета от других видов бухгалтерского учета. Подробно описаны цель, функции, предмет и метод управляемого учета.

Ключевые слова: управляемый учет; предмет, метод, функции, принципы управляемого учета.

Abstract. The article discusses the essence and role of management accounting for business entities. The difference between management accounting and other types of accounting is revealed. The purpose, functions, subject and method of management accounting are described in detail.

Keywords: management accounting; subject, method, functions, principles of management accounting.

1. Кириш.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш корхона раҳбарлари талабларига жавоб бера олмаяпти. Сабаби – нафақат бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, холбуки унинг бир қатор муҳим назарий ва методологик масалалари ҳам ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топгани йўқ. Хусусан, иқтисодчи олимлар ўртасида бошқарув ҳисобининг моҳиятини аниқлаш, унинг функцияларини талқин қилиш, объекти ва предмети, метод ва тамойиллари мазмунини белгилаб бериш бўйича ҳам мунозара ва тортишувлар ханузгача давом этмоқда.

Такидлаш лозимки, бошқарув ҳисоби молия ҳисоби каби кўп асрлик ривожланиш тарихига эга. Шу йўналиш бўйича манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бошқарув ҳисобининг энг муҳим қисми харажатлар ҳисоби ва

таннархни калькуляция қилиш бўлган ва ҳозирги кунда ҳам шундайлигича қолмоқда.

Айниқса, иқтисодий илмий тадқиқотлар йўналиши ва амалиётида, шунга мувофиқ бошқарув хисоби амалиёти ва назариясида харажатларни доимий ва ўзгарувчанларга бўлинишига асосланадиган маржинал ёндашув кенг оммалашди ва у ўзининг катта самарасини бера бошлади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ана шу ижобий натижаларга қарамасдан “Бошқарув хисоби”нинг моҳиятини аниқлаш борасида нафақат амалиётчилар, балки иқтисодчи олимларнинг қатор муҳим масалалар бўйича изланишлари ҳамон ниҳоясига етмаган ва бунинг оқибатида бир қатор муҳим назарий ва методологик масалалар ҳозирги вақтгача ўзининг ижобий ечимини топгани йўқ. Бунинг яққол тарздаги мисоли сифатида қўйидаги жадвалда ушбу савол юзасидан қатор илмий мактаблар ва таниқли иқтисодчи олимларининг қарашлари келтирилган.

Илмий мактаблар ва олимларнинг И.Ф.Ш.	Фикр- мулоҳазаларини нг моҳияти	Ана шу фикр-мулоҳазалар уз ифодасини топган манбаълар
Ивашкевич В.Б. Зайцев С.Н. (2000)	Икки тушунча- нинг моҳиятини бирлаштириб юборган	«бошқарув хисоби – бу ишлаб чиқариш хисобидир».
Друри К., Стуков С.А. (1988)	Фақатгина бошқарув ва ишлаб чиқариш хисобларини ажратиб кўрсатадилар	“... ишлаб чиқариш ҳисоби корхоналар фаолиятини бошқариш тизимининг муҳим қисми хисоблансада, унга “бошқарув” номини бериш нотўғри бўлади. Чунки молиявий бухгалтерияга мансуб бўлган қатор хисоб маълумотлари ҳам бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотлар сифатида муҳим саналади ва улардан албатта фойдаланилади”
Хорнгрен Ч. Т., Фостер Дж. (2000)	Ишлаб чиқариш ва бошқарув хисоблари ўртасида фарқни аниқ белгилаб бера олмаган	«...ишлаб чиқариш ҳисоби – бу бошқарув ҳисоби плюс молиявий хисоботларнинг бир қисмидир».
Соколов Я.В. (2006)	Харажатлар хисобини бошқарув ҳисобига	«умумий жиҳатдан кузатиладиган бўлса харажатлар ҳисоби бошқарув ҳисобининг ажралмас қисми сифатида қараладиган бўлди».

	тенглаштиради	
Эриашвили Н.Д., Скоун Т. (1997)	Я.В.Соколов фикрлари билин деярлик бир хил	«...бошқарув ҳисоби деб, бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини акс эттириш ва назорат қилиш билан боғлиқ қисмини таъкидлаш мумкин”
Манн Р. Майер Э. (2004)	Бошқарув ҳисоби бўйича мутахассислар- нинг Дипломли институти фикр- мулоҳазалари билин деярлик бир хил	“Барча харажат турлари шундай гурухлаштириладики, қабул қилинадиган қарорлар ёки қилинадиган харакатларнинг харажатлар миқдори ўзгаришига таъсири аниқ кўрсатилиши ва шунга мувофиқ харажатларни бошқариш бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш имконияти яратилиши керак”
Бобожанов О. Жуманиязов К.К. (2005)	Бошқа олимлар қарашларига нисбатан бошқарув ҳисоби моҳиятини очиб беришга тўлиқ тарздаги таъриф берилган, лекин унинг моҳиятини менежмент фани функциялари билин ҳамоҳанг тарзда талқин қилинган	«...Бошқарув ҳисоби фақатгина ҳисобни (бухгалтерия ва тезкор ҳисобни) эмас, балки ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш ва уларнинг таҳлилини ҳам ўз ичига олади. Бошқарув ҳисоби истиқболни белгилашга, қарор қабул қилишга ва бошқарувга зарур бўлган маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши устидан назорат қилишга алоҳида эътиборни қаратади. Бошқарув ҳисоби ҳисоб ва таҳлил вазифаларидан ташқари, харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш, алоҳида турдаги маҳсулотларнинг рентабеллиги ва қарор қабул қилиш устидан бошқариш функциясини ҳам бажаради.
Хасанов Б.А. Хашимов А.А. (2012)	Бошқарув ҳисобини ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисоблар ҳамда хўжалик фаолиятининг таҳлили тизимида талқин этишади	<p>Бошқарув ҳисоби:</p> <ul style="list-style-type: none">- бу бозор муносабатлари зарурияти билан пайдо бўлган, корхона ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларининг фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этувчи;- корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ юритиладиган, таркибига корхона молиявий хўжалик фаолиятини бюджетлаштириш, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини калқуляция қилишнинг илғор усулларини қўллаш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоб тузиш, ички хўжалик бўлинмалари ўртасидаги муомалаларда

Пардаев А.Х.,
Пардаева З.А.
(2014)

Бошқарув
ҳисобини фақат
ишлаб чиқариш
ёки молиявий
ҳисоблар
тизимида эмас,
бошқарув
қарорларини
қабул қилишга
асос бўладиган
барча
маълумотлар
қамровида
талқин этиши
таклиф
қилишади.

фойдаланиладиган трансферт баҳоларни шакллантириш;
- эволюцион йўл билан ривожланиб борувчи ички хўжалик ҳисобининг синтетик тизими, бир нечта иқтисодий фанлар мажмуасида туғилган комплекс фандир.

“Бошқарув ҳисоби – хўжалик юритувчи субъектнинг муаммоларини хал этиш ва истиқболдаги ривожланишини таъминлашга қаратилган тезкор (оператив) бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар ҳисоби, меъёrlаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлил тизимини ифодаловчи маълумотларни бир тизимга солади”

Шуни таъкидлаш лозимки, XX аср охирида МДҲ давлатларида бозор муносабатларига ўтиш ва унинг ривожланиши ҳамда рақобатнинг кучайиши шароитида бухгалтерия ҳисобида ҳам муҳим ва принципиал ўзгаришлар юз берди. Даставвал, бухгалтерия ҳисобининг функциялари ўзгарди – энди у нафақат иқтисодий ахборотларни йиғиш ва гуруҳлаштириш билангина шуғулланиб қолмасдан, балким хўжалик юритувчи субъект бошқарув сиёсатининг ажралмас функционал бўғинига айланди. Аниқроғи, унинг хўжалик юритувчи субъект раҳбарларига бюджетларни тузиш, назорат қилиш, истиқбол кўrsatkiчларини белгилаш ва режалаштириш мақсадида ахборотларни йиғиш ва умумлаштириш каби қўшимча тарздаги функциялари пайдо бўлди. Оддийроқ қилиб ифодалайдиган бўлса, бошқарув тизимини ахборот билан таъминлаш функциясиини бажарувчи мустақил бухгалтерия тизимости, яъни бошқарув ҳисоби вужудга келди. Бошқача айтганда - бошқарув ҳисоби ананавий тарзда юритилиб келинган бухгалтерия ҳисобининг камчиликлари натижасида юзага келди.

Шу борада ривожланган бозор муносабатлари шаклланган қатор демократик давлатларнинг иқтисодчи-олимлари фикрлари эътиборга моликдир. Масалан, С.Маркнинг фикрича, хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда амалдаги бухгалтерия ҳисоби энди фойдали эмас, чунки унинг маълумотлари тез эскирятни оперативлик кучига эга эмас.

Бизнинг фикримизча бошқарув ҳисоби моҳияти айнан ана шу С.Маркнинг: “бошқарув учун маълумотларни шакллантириш” каби мулоҳазаларида тўлиқроқ ўз ифодасини топган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўrsatadiки, бошқарув ҳисобининг моҳиятини белгилашда қуйидаги иқтисодчи-олимларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари этиборга моликдир:

**Илмий
мактабларнинг
номи ва
олимларнинг
И.Ф.Ш.**

Марк С.,
Энтони А.,
Раджив Ж.,
Роберт С.
(2005)

Глушков И.Е.
(2003)

Вахрушина М.А.
(2007)

Бошқарув
бухгалтерларинин
г Халқаро
институти (IMA)

**Олимлар ва илмий мактабларнинг қараашлари моҳияти ва
уларнинг манбалари**

Рекомендация увеличить количество отелей и агротуристических объектов, улучшить их качество и разнообразие, а также предоставить туристам более комфортабельные условия для их проживания.

Обоснование. Развитие инфраструктуры размещения повысит комфорт туристов и сделает регион более привлекательным для долгосрочных поездок.

7. Активизация маркетинговых усилий.

Рекомендация. Разработка крупномасштабных маркетинговых кампаний по продвижению агротуризма в Самарканде на международном уровне с упором на уникальность культурного и агротуристического опыта.

Обоснование. Эффективная реклама региона на международных рынках привлечет больше иностранных туристов, что увеличит доходы от туризма.

8. Разработка программ устойчивого агротуризма.

Рекомендация. Реализация программ устойчивого туризма с упором на экологическую устойчивость, охрану природы и культуру региона.

Обоснование. Экологически чистые методы и устойчивое развитие помогут сохранить природные и культурные ресурсы региона, что привлечет туристов, интересующихся природой.

9. Повышение квалификации сотрудников сектора агротуризма.

Рекомендация. Организация образовательных программ для фермеров и работников сферы туризма по управлению агротуристическими проектами, логистике и обслуживанию клиентов.

Обоснование. Обучение персонала повысит уровень обслуживания и улучшит координацию в цепочках поставок и управлении туристическими объектами.

10. Создание механизмов для мониторинга и оценки логистики.

Рекомендация ввести регулярный мониторинг и оценку эффективности логистических процессов в агротуризме для своевременной корректировки и улучшения.

Обоснование систематический анализ позволяет быстро реагировать на проблемы и повышать эффективность логистических операций, тем самым улучшая качество услуг, предоставляемых туристам и фермерам.

5. Заключение.

Развитие агротуризма в Самаркандской области является важным направлением экономического роста региона, особенно в связи с возрождением Шелкового пути. Анализ показывает, что улучшение логистики, транспортной инфраструктуры и туристических услуг является ключевым фактором успеха в этой области.

На сегодняшний день уже наметилась положительная тенденция: дороги активно развиваются, улучшается транспортная доступность агротуристических объектов, увеличивается количество туристических маршрутов. Однако, чтобы конкурировать с ведущими агротуристическими регионами мира, Самарканду необходимо продолжать активно инвестировать в развитие логистической инфраструктуры, увеличивать количество и качество объектов размещения,

внедрять современные технологии для оптимизации цепочек поставок и управления туристическими потоками.

Кроме того, важную роль играют маркетинговые кампании, направленные на продвижение региона на международном уровне, а также экологически устойчивые методы, которые могут стать основой для привлечения экологически ориентированных туристов.

Выполнение предложенных рекомендаций поможет Самарканду занять достойное место на мировой карте агротуризма, обеспечит устойчивое развитие экономики региона, улучшит качество жизни местного населения, сохранит природное и культурное наследие.

Литературы:

Алиева М. К. (2020). Развитие агротуризма в Узбекистане: Влияние на экономику и сельские территории. Ташкент. Издательство Университета туризма и экономики.

Бобоев А. А. (2019). Логистические аспекты туризма: Теория и практика. Самарканд: Издательство Самаркандинского государственного университета.

Глушакова О. В. (2021). Инфраструктура туризма в Центральной Азии: Развитие и перспективы. Москва. Научное издательство.

Всемирная туристская организация (UNWTO). (2019). Доклад о развитии агротуризма и устойчивого туризма в мире. Мадрид: UNWTO.

Мирзоев К. С. (2020). Инновации и логистика в агротуризме: Зарубежный опыт и применение в Центральной Азии. Вестник экономических исследований, 35(2), 55-68.

Организация Объединённых Наций по вопросам продовольствия и сельского хозяйства (FAO). (2021). Агрологистика в контексте устойчивого развития сельских регионов. Рим: FAO.

Петрова И. В. (2022). Устойчивое развитие агротуризма: Практики и перспективы для Центральной Азии. Туризм и развитие регионов, 28(4), 90-104.

Самаркандинский государственный университет. (2023). Отчет по развитию транспортной инфраструктуры и агротуризма в Самаркандинской области за 2018-2023 годы. Самарканд. Статистическое управление.

Федоров В. Н. (2021). Логистика и транспортное обеспечение в туризме. Опыт мировых лидеров и перспективы для Узбекистана. Ташкент: Экономический журнал.

Анваров Н.А. (2024). Современные и международные принципы развития агротуризма в Самарканде. Доклад на Международной конференции по Инновационные подходы в исследовании языка, литературы, перевода, туризма и культурного наследия на Шелковом пути. Самарканд: 654-661.

Шелковый путь и туризм в Узбекистане. (2020). Доклад на Международной конференции по возрождению Шелкового пути. Самарканд: Министерство туризма Узбекистана.



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Йўлдошева М.Б.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда кенг қўламли ислоҳотлар ва хорижий инвестициялар учун очиқликни ошириш орқали мамлакатнинг инвестицион муҳитини яхшилаш бўйича ҳамда инвестиция муҳит жозибадорлигини оширишига ёрдам берадиган бир нечта асосий чора-тадбирлар амалга оширилётганлиги баён этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий инвестиция, маҳаллий инвестиция, инвестиция муҳити, инвестор, инвестиция муҳит жозибадорлиги, бюджет тушумлари, капитал, сармоя.

Аннотация. В статье говорится, что в Узбекистане реализуется ряд ключевых мер по улучшению инвестиционной среды страны и повышению привлекательности инвестиционной среды посредством масштабных реформ и повышения открытости для иностранных инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, местные инвестиции, инвестиционная среда, инвестор, привлекательность инвестиционной среды, доходы бюджета, капитал, инвестиции.

Abstract. The article states that several key measures are being implemented in Uzbekistan to improve the country's investment environment and increase the attractiveness of the investment environment through large-scale reforms and increased openness to foreign investment.

Keywords: investment, foreign investment, local investment, investment environment, investor, the attractiveness of investment environment, budget revenues, capital, investment.

1. Кириш.

Мамлакатга хориж сармоясини жалб қилмай, айниқса, устувор соҳаларда хорижий инвестициялари оқимини жадал йўналтиrmай туриб, иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш ҳамда рақобатбардош ва замон талабларига тўла жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш асло мумкин эмас. Зоро, юртбошимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биз фақат инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш

имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт” (Мурожаатнома, 2019)

Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакат иқтисодиёти учун ишлаб чиқаришнинг ривожи ва бюджет тушумларининг ўсишига, шу билан бирга, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи инвестициялар жуда муҳимдир. Хорижий инвестициялар нафақат ривожланадиган ва ўтиш даври мамлакатлари, балки ривожланган давлатлар иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2. Адабиётлар шарҳи.

“Инвестиция муҳити” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун ушбу атаманинг турли иқтисодчи-олимлар томонидан берилган таърифларини кўриб ўтамиз. Хорижий иқтисодчи олимларидан Н.Л.Маренковнинг (2017) берган таърифига кўра, “Инвестиция муҳити – бу сармоя киритишнинг тавакклачилик даражасини ва ундан самарали фойдаланиш имкониятини белгиловчи сиёсий, иқтисодий, юридик, ижтимоий ва бошқа омиллар тўпламидир” деб таъриф берганлар.

Иқтисодчи рус олими Н.В.Игошин (2018) бу тушунчани қўйидагича изоҳлаган: “Инвестиция муҳити – бу инвестиция жараёнига максимал қулайлик туғдирувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва юридик шарт-шароитлар йиғиндиси; маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бир хилда тенг бўлган имкониятлар; миллий иқтисодиётга сармоя киритиш учун жозибадорлиги бўйича бир хил бўлган шарт-шароитлардир”.

А.Шаститко ва бошқаларнинг (2007) фикрича “Инвестиция муҳити” – бу иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий, шу жумладан табиий ресурслар, ишчи кучи, қонунчилик ва бошқа шу каби компонентларни қамраб оловчи инвестиция киритишнинг обьектив шартлари комплексидир. Бу омилларнинг баъзилари маълум даражада ҳукумат фаолияти билан боғлиқ бўлса, бошқалари боғлиқ эмас, масалан, географик жойлашув, аҳоли талаби, ташқи бозорлардаги конъюктура каби омиллар инвестиция муҳитини белгилаб берувчи элементлар сифатида кўрсатилган қарашлар ҳам мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан А.Вахабов ва бошқаларнинг (2007) фикрига кўра: “Инвестиция муҳити” – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, қўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқизоз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга, деб таъриф берганлар.

Б.Маматов., С.Якубовалар (2015) “Инвестиция муҳити” деганда мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва белгилайдиган шарт-шароитлар мавжуд ижобий ва салбий томонларини англаади, деб таърифлаганлар.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар ва таърифларни умумлаштирган ҳолда, “инвестиция муҳити” тушунчасига қўйидагича муаллифлик таърифини бериш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча “Инвестиция муҳити – бу мамлакат

инвестиция оқимини белгиловчи барча омиллар (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, демографик, географик, маданий, экологик, табиий, ҳудудий, илмий-техник ва бошқа омиллар шулар жумласига киради) йиғиндисидир".

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув, умумлаштириш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил, таҳлил ва синтез каби усувлардан кен фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Хорижий инвесторлар ўзлари инвестиция киритган ёки киритмоқчи бўлган мамлакатдаги инвестиция сиёсати ҳамда инвестиция муҳитига бефарқ бўлмайдилар. Хорижий инвесторлар асосан иқтисодий барқарор, шу билан бирга, инвестиция сиёсати яхши олиб борилаётган мамлакатларга ўз эътиборларини қаратишади. Инвестиция сиёсати иқтисодиёт самарадорлигининг ошиши, маҳсулот ва миллий даромад ўсишининг таъминланиши билан боғлиқ бўлган сармоя оқимининг энг устувор йўналишларини белгилайди ва олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар жамланмасини қуйидаги 1-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитига таъсир этувчи муҳим омиллар қуйидагилар:

- Мамлакатдаги сиёсий барқарорлик;
- Иқтисодиётнинг очиқлиги;
- Инвестиция жараёнининг институционал ва инфраструктура муҳитининг ҳолати ва ривожланганлиги;
- Молия-кредит тизимининг ҳолати;
- Инвестиция кафолатлари ва суғурталаш (Ф.М.Рахматуллаева, 2009).

1-жадвал

Мамлакат инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминловчи омиллар(Ф.М.Рахматуллаева, 2009).


Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сифимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари.
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, ўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хом-ашё ресурлари	Минерал, хом-ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хом-ашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари.
Мехнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси, хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларнинг эскириши даражаси.

Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестиациялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ИТКИ соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимдорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона ҳўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиатсион фон, заарли чиқиндилар.

Инвестиция муҳитини яхшилаш бевосита хорижий капитал оқимини жадаллаштиришнинг зарурий шартларидан бири эканлигини нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатлар тажрибасидан кўришимиз мумкин. Бу вазифа хорижий инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ва мамлакатнинг хорижий сармоядорлар учун инвестицион жозибадорлигини оширишга ва хорижий инвесторларнинг эътиборини мамлакатдаги истиқболли лойиҳаларга жалб қилишга қаратилган маҳсус рағбатлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини талаб этади. Бу эса, мамлакат инвестицион жозибадорлигининг яхшиланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида мутахассислар фикрича, мамлакат инвестицион муҳити, аввало, давлатнинг иқтисодий ҳамда молиявий ҳолати билан боғлиқ. Иқтисодий ҳолати барқарор бўлган давлатлар хорижий инвесторларни жалб қилиш хусусиятига эга бўлади.

Жаҳон банкининг 2022 йилги “Жаҳон тарақиёти ҳисботи”да инвестиция муҳитига салбий таъсир этувчи омиллар қўйидаги 1-расмда тавсифланган.



1-расм. Инвестиция мухитига салбий таъсир этувчи омиллар¹ (%ларда).

¹ Инвестиционный климат и частный сектор // Экономическое обозрение. –Ташкент. №5, 2023. –с.46.

Бундан ташқари Б. Маматов ва С. Якубоваларнинг “Қулай инвестиция муҳити – иқтисодиёт тараққиётининг гарови” номли илмий мақоласида келтирилишича мамлакатимиздаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар, асосан, 4 гурухга бўлиниб, улар хуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Инвестиция муҳити ҳолатини белгиловчи омиллар

Таъсир этувчи омиллар гуруҳи	Кўринишлари
Сиёсий омиллар	<p>Давлатнинг инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар бўйича сиёсати</p> <p>Давлатнинг иқтисодиётга аралашиш даражаси</p> <p>Мамлакатнинг халқаро шартномаларга қўшилганлик даражаси</p> <p>Мамлакатнинг халқаро битимларга риоя қилиши</p> <p>Сиёсий аҳволнинг барқарорлиги (сиёсий ҳаракатлар, тўқнашувлар, кўшни давлатларнинг осойишталиги)</p> <p>Сиёсий ҳокимиётнинг мақсадли ҳаракати</p> <p>Давлат аппаратининг самарали иш юритиши</p> <p>Кўп партиявийлик ва сиёсий гуруҳларнинг мавқеи</p> <p>Солиқ, валюта, нарх пул-кредит сиёсатининг инвестиция сиёсатига уйғунлиги</p> <p>Мамлакатдаги экологик вазият ва хуқуматнинг экологик соғломлаштириш бўйича сиёсати кўлами</p>
Иқтисодий омиллар	<p>Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи</p> <p>Инфляция даражаси</p> <p>Солиқ имтиёзлари</p> <p>Божхона тартиби</p> <p>Мамлакатнинг табиий ва хом-ашё ресурслари ҳолати</p> <p>Ишчи кучи ҳолати ва қиймати</p> <p>Ишчи кучидан фойдаланиш тартиби</p> <p>Муайян товарлар учун талаб ва таклиф</p> <p>Рақобат ва баҳонинг эркинлиги</p> <p>Валюта конвертацияси ва миллий валюта курсининг барқарорлиги</p> <p>Банк фоиз ставкалари</p> <p>Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари</p> <p>Мамлакатнинг географик-худудий жиҳатдан жойлашуви (табиий оғатлар, денгиз ва қуруқлик йўллари, иқлим шароити)</p>
Ижтимоий омиллар	<p>Хусусий мулк ҳамда хорижий инвестицияларга нисбатан маҳаллий аҳоли муносабати</p> <p>Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи</p> <p>Аҳолининг мағкуравий қараплари ва уларнинг турли-туманлиги</p> <p>Мамлакатда турли миллатликка нисбатан мавжуд муносабат</p> <p>Аҳолининг саводхонлик даражаси</p> <p>Ишчи-мутахассислар малакаси, кўнникмалари ва тажрибаларининг ўсиб бориши</p> <p>Янгиликлар ва турли хил ихтиrolарга аҳолининг муносабати ва уларни қабул қилиш даражаси</p>
Хуқуқий омиллар	<p>Инвестиция фаолияти хуқуқий асосларининг мустаҳкамлик даражаси</p> <p>Инвестиция фаолиятини бевосита таъминловчи хуқуқий асоснинг мустаҳкамлик даражаси</p> <p>Инвестиция фаолиятининг меъёрий асослари (фармонлар, қарорлар, қонунлар, низомлар, йўриқномалар ва ҳ.к.)</p>

Шу билан бирга, инвестицион мұхити билан бир қаторда инвестиция таваккалчилиги ҳам инвесторлар учун мұхим ҳисобланади. Инвестиция фаолиятида таваккалчилик – бу инвестицияларни қысман ёки түлиқ йүқотиши, кутилган даромаддан камроқ ёки күпроқ фойда олиш, лойиҳада күзланған мақсадларга эриша олмаслик әхтимолидир. Лойиҳадан қанчалик күп миқдорда даромад кутилса, унда таваккалчилик даражаси шунчалик юқори бўлади [6]

Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатлар ривожланиш даражасидан қатъий назар инвестицияларни жалб қилишда турли хил иқтисодий имтиёз ва рағбатлардан, яъни фискал имтиёзлар, молиявий рағбатлар ва бошқалардан кенг миқёсда фойдаланадилар. Рақобатларнинг бундай шаклларидан фойдаланиш бир қатор хорижий мамлакатлар томонидан қўлланилиб, инвестициялар бозоридаги рақобатнинг зарурий шарти бўлиб ҳисобланади.

Халқаро капитални жалб қилиш имкониятлари инвестиция мұхити билан объектив ҳолда боғлиқ бўлса, инвестиция имиджи билан субъектив ҳолда боғлиқдир.

Инвестиция имиджи мамлакат ичida ва (ёки) халқаро майдонда ўтказиладиган хорижий капитал оқимини рағбатлантирувчи (ёки чекловчи) мақсадли ҳаракатлар таъсирида шаклланади.

Инвестиция имиджи – бу инвестиция мұхитининг амалдаги ҳолатидир. Инвестиция имиджи орқали мамлакат халқаро инвестиция ҳамжамиятияга қабул қилинади ҳамда инвестиция имиджи инвесторларда мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа бир қатор омиллари ҳақида маълумотларни гавдалантиради.

Инвестиция имиджини учта асосий омиллар шакллантиради. [9]:

1. Инвестиция мұхитининг амалдаги ҳолати;
2. Инвесторларнинг мамлакат тўғрисидаги фикрлари;
3. Мамлакатнинг, айниқса, унинг иқтисодий ҳолати ҳақидаги маълумотлар.

Мамлакат ижобий инвестиция имиджига эга бўлиши учун ўзининг жозибадор инвестиция мұхити, реал секторида мавжуд инвестицион имкониятлари, эътиборталаб лойиҳалари, кўплаб потенсиал инвесторлари ва шу каби кўплаб инвестицион кўрсаткичлари тўғрисида халқаро инвестиция бозори иштирокчиларига маълумот берса олиши лозим.

Мамлакатнинг муваффақиятли инвестиция оқимига эга бўлиши учун қулай инвестиция мұхитига эга бўлиш билан бир қаторда ижобий инвестиция имиджига эга бўлиши зарур бўлади. Шу нуқтаи-назардан, мамлакатимиз иқтисодиётiga хорижий инвестициялар оқимини йўналтириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда.

Мамлакатга инвестиция киритишнинг имконият ва самарадорлигини инвестиция мұхити, инвестиция киритиш устунлигини инвестиция жозибадорлиги белгилаб берса, инвестиция имиджи инвестиция мұхити ва инвестиция жозибадорлигининг биргаликдаги кўринишидир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги иқтисодий ривожланиш қайсиdir маънода кечаги кун инвестиция мұхитининг самараси ҳисобланса, бугунги инвестицион мұхит жозибадорлиги, ўз навбатида, эртанги иқтисодий фаровонлик калитидир.

Жозибадор инвестиция мұхитини таъминлаш инвестицияларни жалб этиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг асосий омилидир.

3-жадвал

Инвестицион мұхит жозибадорлигини таъминлашнинг асосий чоратадбирлари


Рағбатлантириш воситалари	Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий афзаликлари
Сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги	Инвесторлар ишончли сиёсий тизим ва барқарор иқтисодиётта эга, Ўйин қоидалари аниқ ва тез-тез ўзгармайдиган мамлакатларни қидирмоқда.
Инвесторлар мулки ва хуқуқлари муҳофазаси	Мамлакатда мулк ва инвесторлар хуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг мустаҳкам хуқуқий ва институционал механизмлари мавжуддиги мұхим аҳамиятта эга.
Бозорнинг очиқлиги ва шаффоғлиги	Инвесторлар бозор, унинг шартлари ва имкониятлари ҳақида маълумотларнинг мавжуддигини қадрлашади. Шаффоғлик хавфни камайтиришга ва ишончни оширишга ёрдам беради.
Тартибга солишининг самарадорлиги ва прогнозилигі	Тез ва самарали бизнесни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари ва оддий, аммо самарали тартибга солишин инвестиция жараёнини соддалаштиришга ёрдам беради.
Инфратузилма сифати ва ресурслардан фойдаланиш	Инвесторлар сифатли инфратузилма (транспорт, энергетика, алоқа) ва энергия ва сув каби асосий ресурслардан фойдаланиш имкониятини баҳолайдилар.
Малакали меҳнат салохияти	Инвестиция лойиҳаларини мұваффақиятли амалга оширишда малакали ва билимли кадрлар мавжуддиги мұхим аҳамиятта эга.
Инвестицияларни рағбатлантирувчи чоратадбирлар ва имтиёзлар	Давлат имтиёzlари, солиқ имтиёzlари, эркин савдо зоналари ва бошқа воситалар инвесторларни жалб қилиши мүмкін.
Коррупция даражаси	Коррупсияга қарши кураш, шаффоғ назорат механизмларининг мавжуддиги сармоя жалб этишда ҳам мұхим аҳамиятта касб этади.
Бозорга кириш ва экспортни рағбатлантириш	Инвестицион мұхит катта бозорларга чиқиш ва экспорт учун имтиёзли шарт-шароитларни таъминласа, жозибадор бўлиши мүмкін.
Инновацион экотизим	Ривожланган инновацион экотизим, илмий ва тадқиқот марказларининг мавжуддиги, стартапларни кўллаб-куватлаш ва технологик кластерларни ривожлантириш ҳам янги технологиялар ва ишланмаларга қизиқувчи инвесторларни жалб қилиши мүмкін.

Қулай инвестиция мұхитини яратиш бўйича умумий саъй-ҳаракатлар барқарор иқтисодий ўсиш ва фаровонликни таъминлаш учун ҳукумат, бизнес ҳамжамият ва умуман жамият ўртасидаги ҳамкорликни талаб қиласди. Хорижий сармояни жалб қилиш кўплаб мамлакатлар учун мұхим стратегия бўлиб, у иқтисодий ривожланишга, янги иш ўринлари яратишга ва технологиялар трансферига ёрдам беради.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион мұхит

жозибадорлигини аниқлаш услубиёти юзасидан хорижий амалиётнинг ижобий намуналари Гарвард бизнес мактаби вакиллари – Гейн-Хейзлер ишларида, «The Economist», «Fortune» каби жаҳон иқтисодий журналлари фаолиятида, «Moody's», «Standard&Poor» каби эксперт агентликлари фаолиятида кенг учрайди.

Мазкур тушунчаларни тизимлаштириш мақсадида хорижлик иқтисодчилар – Гарвард бизнес мактаби вакиллари Гейн-Хейзлерларнинг «инвестицион муҳит жозибадорлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси»дан фойдаланиш ўринли бўлади (2-расм).



2-расм. Гейн-Хейзлернинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси. [10]

Мазкур терминологик пирамида асосида базавий тушунча сифатида «инвестиция» тушунчаси ётади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигининг намоён бўлиши кўпроқ мазкур тушунчанинг иқтисодий мазмунини илмий изоҳлашни талаб этади ва Ўзбекистон Республикасида инвестицион маконнинг юқори даражадаги номутаносиб тақсимотидан келиб чиқади

5. Хулоса.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича берилган таклиф ва мулоҳазаларимиз қуидагиларни ҳал этишга имкон бериши лозим:

– Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга янгича ёндошиш

зарурлигини белгиловчи омилларни илмий таҳлил қилиш ва уларни самарали бошқариш механизмларини асослаш;

– табиий-иктисодий, молиявий, меҳнат, корпоратив бошқарув ва маҳаллий ҳукумат органлари самарали фаолияти каби омиллар билан белгиланувчи имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ҳолатини омилли ва натижавий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

– иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити, давлатнинг эркин ва маҳсус иқтисодий зоналар ташкил этиш сиёсати ва иқтисодиётнинг очиқлигини комплекс ҳисобга олуви чоғи коэффициентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқариш истиқболларини прогноз қилиш бўйича услубий тавсиялар бериш;

– инвестицион муҳит жозибадорлиги ва инновацион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, уни самарали бошқаришнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва унинг инвестицион салоҳиятга таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

– инвестицион муҳит фаоллигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболларини илмий асослаш;

– турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида давлат томонидан инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали инвестицион-молиявий жараёнларни самарали бошқаришга қаратилган услубий тавсиялар ва илмий таклифлар мамлакатда барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлайди, хорижлик инвесторлар қизиқишини ҳамда давлатнинг инвестицион фаоллигини оширади.

Адабиётлар:

Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: “Молия”, 153-бет.

Маматов Б., Якубова С. (2015) Қулай инвестиция муҳити – иқтисодиёт тараққиётининг гарови // Бозор, пул ва кредит. 8(219)-сон. 46-бет.

Игошин Н.В. (2018) Инвестиции: организация, управление, финансирование. Уч.пос.4-изд.-М.: Юнити-Дана, -с.60.

Мурожаатнома (2019) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Ўзбекистон” НМИУ.

Маренков Н.Л. (2017) Основы управления инвестициями. Уч.-5-изд.-М.: Проспект, – с.64.

Рахматуллаева Ф.М. (2009) Хорижий инвестициялар таваккалчилигини пасайтиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш. Дисс.: иқтисод фан номзоди. –Т.: 15-16-бетлар.

Шаститко А., Плаксин С., Яковлева Е. (2007) Инвестиционный имидж России. // Стратегия России, №4, апрель. Официальный сайт журнала: <http://sr.fondedin.ru>



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маткаримов А.М.

Маъмун университети НТМ

Аннотация. Мазкур мақолада давлат-хусусий лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш механизмининг ташкилий-хуқуқий асослари тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича йўналишлар кесимида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: давлат, давлат-хусусий шерикчилиги, бошқарув, шерикчилик шартномаси, хуқуқий.

Аннотация. В данной статье исследованы организационно-правовые основы механизма реализации и финансирования государственно-частных проектов. Кроме того, проведен анализ нормативно-правовых документов, принятых в разрезе направлений по проектам государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: государство, государственно-частное партнерство, управление, партнерское соглашение, правовой.

Annotation. This article studies the organizational and legal foundations of the mechanism of implementation and financing of public-private projects. In addition, it analyses the regulatory legal documents adopted in the context of public-private partnership projects.

Keywords: public, public-private partnership, management, partnership agreement, legal.

1. Кириш.

Давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ)дан ижтимоий неъматларни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва бизнеснинг алоҳида муносабатлари тизими сифатида инфратузилмани модернизациялаш ва иқтисодиёт ўсишининг янги манбаларини яратиш бўйича давлат сиёсати доирасида фаол фойдаланилади. ДХШ қўллаш орқали давлат бюджетига юкламани қисқартириш, ДХШ обьектларини таъминлашга давлат харажатларининг шаффофлигини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш, банк сектори ва фонд бозори ривожини рағбатлантириш ва бошқа вазифаларни амалга оширишда самарали натижага эришиш имконини беради (1).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ДХШни жадал ривожлантириш учун шароитлар яратиш бўйича йўл бошидадир. ДХШни ривожлантириш хусусий сектор

салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва қуидаги инфратузилма соҳалари: йўл қурилиши, уй-жой қурилиш, УЖКХ, электр энергетикаси, сув таъминоти, ҳаво ва темир йўл транспорти, таълим ва соғлиқни сақлашда оммавий неъматларни тақдим этишни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини беради.

2. Адабиётлар шарҳи.

ДҲШ лойиҳалари орқали хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-куватлаш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини шакллантириш, ДҲШ механизми орқали инвестиция лойиҳаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган. Хусусан, америкалик профессор П.Росенау (2000) тадқиқотлари бўйича ДҲШ иккала бозор ва давлат муваффақиятсизликлар олдини олиш ва синергетик ижобий таъсир олиш, ҳар икки томон энг яхши фазилатларни бирлаштириш мумкин ҳамкорлик хуқуқий шакли сифатида пайдо эканлигига асосланган .

Хорижий тадқиқотчилар давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг мақсадини аниқлаш бўйича бошқа нуқтаи назарга риоя қилишади. Шундай қилиб, уларнинг фикрига кўра, бу бошқарув ислоҳоти, яъни, давлат функцияларини амалга ошириш усулини ўзгартирадиган инновацион восита (Н.Д.Холодная, 2009).

МДҲ тадқиқотчилари орасида бу концепцияни А.Белицкаяни (2009) энг мазмунли тарзда очиб беради. Унинг фикрига кўра, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги-давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита давлат манбаатлари ва назорати соҳасидаги объектларга нисбатан ўзаро манбаатли ҳамкорлиги, муҳим давлат ва жамоат аҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни самарали амалга ошириш мақсадида ҳамкорлар ўртасидаги хавфларни тақсимлашни назарда тутади.

И.А.Губанов (2009) ДҲШни кенг маънода давлат ва жамоат хуқуқи нормалари тизими сифатида белгилайди, бу давлатнинг ваколатли органлар шахсидаги юридик шахслар (шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар) билан ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи мустақил тармоқлараро институтни ташкил этади, қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинади ва жисмоний шахслар ижтимоий муҳим ва фойдали мақсадларга эришиш ва давлат функцияларини амалга оширишни қўллаб-куватлаш мақсадида амалга оширилишини, таъкидлайди.

Н.Д. Холоднаянинг (2009) таъкидлашича, энг кенг тарқалган нарса, ДҲШнинг моҳиятига, давлат агенти ва хусусий сектор ўртасида шартнома шартномаси бўлиб, у давлат молларини беришда иштирок этишга имкон беради. Шундай қилиб, ДҲШ давлат ва бизнеснинг давлат томонидан белгиланган вазифаларга эришиш учун хусусий секторнинг техник, молиявий ва бошқарув ресурсларидан фойдаланишни назарда тутадиган ўзаро таъсирнинг бир шакли ҳисобланади.

Л.С. Демидованинг (2006) сўзларига кўра, ҳамкорлик "муайян мақсадга эришиш учун яратилган ва Қонунчилик базасига ёки ҳамкорлик ёки қўшма фаолият бўйича норасмий келишувларга таянадиган бир қатор тузилмаларнинг расмийлаштирилган ҳамкорлик тизими"dir".

У.И. Джуманиязов (2017) давлат-хусусий шерикчилигига қўйидагича таъриф беради. Унинг фикрига кўра, давлат-хусусий шерикчилиги - амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий,

керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик обьектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни қўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том мъянодаги ўзаро манфаатли алоқалариdir.

С.Э Элмирзаев ва Н.Ш. Шавкатовлар (2018) замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат хусусий шериклиги (ДХШ) мамлакат ва ҳудудий миқёсдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг самарали воситаси бўлиб, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан назоратни ушлаб турish ва хусусий сектор билан самарали иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга маблағлар жалб қилиш ва амалга ошириш воситаси ҳисобланади. ДХШ асосидаги инвестицион лойиҳаларда хусусий сектор давлат томонидан белгиланган шартлар ва талаблар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқариш вазифаларини амалга оширилашини таъкидлайдилар.

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш таҳлили, мавжуд тенденцияларини статистик қузатувчи усууларининг натижалари асосида кўриб чиқилади.

4. Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистонда давлат давлат-хусусий лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-хуқуқий асослари, айтиш керакки, тизимли асосларга эга. Бу борада, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш, ушбу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришни давлат томонидан рағбатлантириш, хусусий соҳага оид муносабатларни хуқуқий тарафдан тартибга солиш, хуқуқий асослар орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш каби чора-тадбирлар 2018 йилдан кейин жадал суръатлар билан ривожланиб келаётганлигини давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-хуқуқий асосларини тадқиқ этиш натижалари орқали гувоҳи бўлдик.

1-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-хуқуқий асослари¹

№	Кўрсаткичлар	йиллар					
		2018	2019	2020	2021	2022	2023
1	Қабул қилинган жами қонун хужжатлари сони	8	8	3	9	8	5
<i>шундан:</i>							
1.1.	Ўзбекистон Республикаси қонунлари	-	1	-	1	-	-
1.2.	Президент фармон ва қарорлари	3	1	2	3	2	5
1.3.	Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	5	6	1	5	6	-


Юқоридаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган давлат-хусусий шериклик

¹ Мазкур хуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-хуқуқий асослар орқали тузилган.

лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-хуқуқий асослари сонининг таҳлили қўйидагиларни кўрсатмоқда:

- 2018-2023 йиллар давомида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 40 дан ортиқ хуқуқий хужжатлар қабул қилинган. Жумладан: 2 та Ўзбекистон Республикаси қонуни, 16 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, 23 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

- давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришга оид бўлган 2018 ва 2019 йилларда 8 дан, 2020 йилда 3 та, 2021 йилда 9 та, 2022 йилда 8 та, 2023 йилнинг ҳозирги даврига қадар 5 та хуқуқий хужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу хужжатлар қўйидаги йўналишдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир:



1-расм. 2018-2023 йилларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича йўналишлар кесимида қабул қилинган хуқуқий асослар²

2018-2023 йилларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича йўналишлар кесимида қабул қилинган хуқуқий асослар қўйидагини кўрсатмоқда:

1) ўтган давр мобайнида қабул қилинган хуқуқий асосларга кўра давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга оширилган ва амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларнинг асосий қисми ижтимоий ривожланиш соҳаларига, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим тизими (мактаб ва мактабгача, олий таълим), маданият, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳаларга қаратилганлигини кўрамиз. Яъни ушбу йўналишдаги соҳаларда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш механизмига оид бўйича хуқуқий хужжатларнинг салкам 50 фоизи ушбу соҳаларга тааллуқли эканлигини кўришимиз мумкин:

² Давлат-хусусий шериклик лойиҳалар сайти маълумотлари

2-жадвал

Давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда доир қабул қилинган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар³

№	Хуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№3892, қабул қилинган сана 01.08.2018, кучга кириш санаси 02.08.2018
2	Давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида,	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№681, қабул қилинган сана 24.08.2018, кучга кириш санаси 25.08.2018
3	Давлат-хусусий шериклик асосида марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№674, қабул қилинган сана 17.08.2018, кучга кириш санаси 20.08.2018
4	Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№475, қабул қилинган сана 25.06.2018, кучга кириш санаси 27.06.2018
5	Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№417, қабул қилинган сана 18.05.2019, Кучга кириш санаси 21.05.2019
6	Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№4290, қабул қилинган сана 16.04.2019, кучга кириш санаси 17.04.2019
7	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№184, қабул қилинган сана 01.03.2019, кучга кириш санаси 02.03.2019
8	Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№4581, қабул қилинган сана 30.01.2020, кучга кириш санаси 31.01.2020
9	Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№416, қабул қилинган сана 03.07.2021, кучга кириш санаси 04.07.2021
10	Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№30, қабул қилинган сана 20.01.2021, кучга кириш санаси 21.01.2021
11	Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№426, қабул қилинган сана 02.08.2022, кучга кириш санаси 03.08.2022
12	Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№239, қабул қилинган сана 06.05.2022, кучга кириш санаси 07.05.2022
13	Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш тўғрисида	Президент қарори	№163, қабул қилинган сана 25.05.2023, кучга кириш санаси 25.05.2023
14	Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида	Президент қарори	№118, қабул қилинган сана 10.04.2023, кучга кириш санаси 11.04.2023

³ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

2) соҳа фаолиятига доир қабул қилинган ҳуқуқий асослар орасида давлат-хусусий шериклик фаолиятидаги муносабатларни тартибга солиш, соҳасини илғор технологиялар ва замонавий воситалар асосида ривожлантириш мақсадида тасдиқланган меъёрий хужжатларнинг 20% маъмурий бошқарув, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига оид:

3-жадвал

Давлат-хусусий шерикликда маъмурий бошқарув ва давлат хизматлари соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар⁴

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№1009, қабул қилинган сана 13.12.2018, кучга кириш санаси 14.12.2018
2	Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида	Президент қарори	№3980, қабул қилинган сана 20.10.2018, кучга кириш санаси 22.10.2018
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шахар)лардаги Халқ қабулхоналари хузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида	Президент қарори	№3701, қабул қилинган сана 08.05.2018, кучга кириш санаси 14.05.2018
4	Давлат-хусусий шериклик тўғрисида	Қонун	№537, қабул қилинган сана 10.05.2019, кучга кириш санаси 12.06.2019
5	Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Президент қарори	№4913, қабул қилинган сана 07.12.2020, кучга кириш санаси 07.12.2020
6	Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№259, қабул қилинган сана 26.04.2020, кучга кириш санаси 27.04.2020
7	Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиши жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№307, қабул қилинган сана 14.09.2023, кучга кириш санаси 18.09.2023

3) Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш жараёнида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг 13% уй-жой ва коммунал соҳаларига доир эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосийлари қуидагилардир:

⁴ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

4-жадвал

Давлат-хусусий шерикликда амалга ошириладиган уй-жой ва коммунал соҳасига оид қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар⁵

№	Хуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиши молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№169, Қабул қилинган сана 26.02.2019, Кучга кириш санаси 26.02.2019
2	Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№594, Қабул қилинган сана 22.09.2021, Кучга кириш санаси 22.09.2021
3	Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№241, Қабул қилинган сана 07.05.2022, Кучга кириш санаси 07.05.2022
4	Давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент шаҳар иссиқлик марказларини когенерацион технологияларини жорий этиш орқали модернизация қилиш чоратадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№214, Қабул қилинган сана 26.04.2022, Кучга кириш санаси 26.04.2022
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги «Ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида»ги ПҚ-118-сон қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	Президент қарори	№185, Қабул қилинган сана 12.06.2023, Кучга кириш санаси 13.06.2023

Мазкур соҳага доир бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқаришда доир қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларининг асосий мазмуни иситиш тизимларини янада ривожлантиришга хусусий сектор вакилларини жалб қилишни рағбатлантириш, шу орқали мазкур йўналишда давлат-хусусий шериклик асосида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишdir.

4) Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш мақсадида ўтган давр мобайнида қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганигининг гувоҳи бўлган. Мазкур соҳага доир қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар жами 2018-2023 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш механизмига доир бўлган хуқуқий асосларнинг 12%ни ташкил этганлиги билан аҳамиятлиdir:

⁵ Мазкур хуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-хуқуқий асослар орқали тузилган.

5-жадвал**Давлат-хусусий шерикликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасига оид қабул қилинган асосий норматив-хуқуқий ҳужжатлар⁶**

№	Хуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№105, Қабул қилинган сана 07.02.2019, Кучга кириш санаси 08.02.2019
2	Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№199, Қабул қилинган сана 10.04.2021, Кучга кириш санаси 12.04.2021

5) Яшил иқтисодиёт ва энергетика соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар орасида қуидагиларни алоҳида кўрсатишимиш мумкин:

6-жадвал**Давлат-хусусий шерикликда яшил иқтисодиёт ва энергетика соҳасига оид қабул қилинган асосий норматив-хуқуқий ҳужжатлар⁷**

№	Хуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	«Навоийазот» АЖ негизида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№240, қабул қилинган сана 07.05.2022, кучга кириш санаси 07.05.2022

Айтиш керакки, дастлабки босқичга ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган давлат-хусусий шерик асосидаги лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида кўплаб норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлган, 2022 йилда «Навоийазот» АЖ негизида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Қарор, 2022) Вазирлар Маҳкамасининг қарори яшил иқтисодиёт, бунда энергетика соҳасида ҳам давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини пайдо қилди. Мазкур хуқуқий ҳужжатларга кўра, «Навоийазот» АЖ негизида ташкил топган давлат-хусусий шерикка асосланган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш лойиҳасини «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Electricite de France S.A.» (Франция), «Stone city InSolar B.V» (Нидерландия) ва «Siemens energy global GmbH&Co.KG» (Германия) компаниялари томонидан амалга оширилиши баён этилган.

6) Шунингдек, транспорт соҳаси бўйича давлат-хусусий шерикликка асосланган лойиҳаларни амалга оширишга доир бўлган норматив-хуқуқий

⁶ Мазкур хуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-хуқуқий асослар орқали тузилган.

⁷ Мазкур хуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-хуқуқий асослар орқали тузилган.

хужжатлар 2018-2023 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш муносабатларини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган жами норматив-хуқуқий асосларнинг 10%ни ташкил этади. Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган хуқуқий асосларда автомобиль транспортини ривожлантиришга давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш, ҳаво транспорти тизимларини илфор замонавий технологиялар ҳисобига ривожлантириш учун давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу хуқуқий асослар жумласига қуидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

7-жадвал

Давлат-хусусий шериклиқда транспорт соҳасига оид қабул қилинган асосий норматив-хуқуқий хужжатлар⁸

№	Хуқуқий хужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Республика аэропортларини бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклики ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№5042, Қабул қилинган сана 29.03.2021, Кучга кириш санаси 29.03.2021
2	Автомобиль транспорти соҳасида давлат иштирокидаги корхоналарга хусусий секторни жалб қилиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№2, Қабул қилинган сана 02.01.2022, Кучга кириш санаси 03.01.2022
3	«Самарқанд» халқаро аэропортини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№238, Қабул қилинган сана 07.05.2022, Кучга кириш санаси 07.05.2022

Юқорида кўриб ўтилган асосида айтиш мумкинки, давлат-хусусий шерик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг асосий бош хуқуқий асоси – Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун ҳисобланади (Қонун, 2019).

Қуидаги мазкур қонун ва бошқа хуқуқий асосларда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича меъёрий талаблар кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунида давлат-хусусий шериклик асосида қўлланиловчи асосий термин, тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Ушбу Қонунга мувофиқ, фан, техника ва инновациялар, тиббиёт, таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар, телекоммуникация, транспорт хизматлари, йўл сектори, уй-жой ва коммунал хизматлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, энергиянинг қайта тикланувчи манбалари, механик муҳандислик, металлургия, қишлоқ ва сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш йўналишларида давлат-хусусий шериклиги амалга ошириладиган бўлди. Қуидаги расмда ушбу қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида қўлланувчи асосий тушунчалар ва уларнинг хуқуқий жиҳатдан мазмун-моҳиятини англаш мумкин бўлади:

⁸ Мазкур хуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-хуқуқий асослар орқали тузилган.

Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришда қўлланиладиган асосий тушунчалар

<p>давлат-хусусий шериклик</p>	<p>давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;</p>
<p>давлат-хусусий шериклик лойиҳаси</p>	<p>иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишига қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиши асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;</p>
<p>давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси</p>	<p>давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун танловни асослаб берадиган, лойиҳанинг қийматини, лойиҳани молиялаштириш манбанин ҳамда рентабеллигини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарбони ўз ичига олган ҳужжат;</p>
<p>давлат-хусусий шериклик объекти</p>	<p>войиҳалаштирилиши, курилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, эксплуатация қилиниши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкий комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар</p>
<p>хусусий шерик</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси</p>
<p>давлат шериги</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари;</p>
<p>концессия</p>	<p>давлат-хусусий шерикликнинг шаклларидан бири бўлиб, бунда давлат хусусий шерикка концессия шартномасида назарда тутилган хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун рухсатнома берган ҳолда мол-мulkни ва ер участкаларини тақдим этади.</p>

2-расм. Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришда қўлланиладиган асосий тушунчалар (Қонун, 2019)

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни билан давлат-хусусий шерикликка асосланган лойиҳаларнинг иккинчи муҳим томони – “хусусий шерик”нинг қатор ҳуқуқлари кафолатланганлигини кўрамиз. Бу мазкур лойиҳаларга инвестицияларни жалб этишда муҳим жиҳатдир. Шу маънода, юқорида номи келтирилган қонун билан хусусий шерикнинг ҳуқуқлари қўйидагича кафолатланган.

“Агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари ошишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик, амалга оширилаётган лойиҳадан келиб чиқсан ҳолда, давлат-хусусий шериклик обьектидан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатларни қўллашга доир тартиб, шартлар, чекловлар ва истиснолар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланади. Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилганидан кейин солиқлар ва йиғимлар ўзгартирилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда қўлланилмайди, бундан муайян бир давлат-хусусий шериклик лойиҳасига (loyiҳalariга) нисбатан камситувчи ўзгаришлар мустасно” (Қарор, 2020).

Юқорида қайд этилган натижалар билан тўхтаб қолмасдан, ДХШ бўйича ислоҳотларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони қабул қилинди (Фармон, 2023). Ушбу стратегияда устувор вазифалардан бири сифатида давлат-хусусий шериклигини кенгайтиришга алоҳида урғу берилган.

5. Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, давлат-хусусий шерикликка асосланган лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни самарали бошқарувида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий асослар муҳим ўринга эга. Ўзбекистонда мазкур фаолиятни ривожланиши, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши айни қабул қилинган хуқуқий асосларга ўз аксини топган.

Адабиётлар:

International Monetary Fund. (2014) World economic outlook: recovery strengthens, remains uneven.

Rosenau P. (2000) Public-Private policy partnerships / P. Rosenau // Cambridge, MA: MIT press.

Белицкая А.В. (2009) Правовые формы государственно-частного партнерства в России и зарубежных странах / А.В. Белицкая // Предпринимательское право. N2. – С. 21-27.

Губанов, И.А. (2009) Государственно-частное партнерство в России : предмет, методы, принципы правового регулирования / И.А. Губанов // Юридическая мысль. – 2009. – № 2. – С. 27-28

Холодная Н.Д. (2009) Государственно-частное партнерство – новый тип отношений в российской экономике / Н.Д. Холодная // Вопросы государственного и муниципального управления. № 2. – С. 45-51.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалар сайти маълумотлари <https://www.pppda.uz>

Демидова Л.С. (2006) Система партнерских отношений: новые тенденции и эффективность / Л.С. Демидова // Государство и бизнес: институциональные аспекты. С. 40-48.

Джуманиёзов У.И. (2017) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айrim назарий-услубий асослари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3. 9 б.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.. <https://lex.uz/ru/docs/66004132>

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. www.lex.uz

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 майдаги ““Навоийазот” АЖ негизида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5996848>

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” ЎРҚ-537-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4798603>

Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. (2019) Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3.



ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ ТҮҒРИДАН-ТҮҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Хайдаров Х.Л.

*ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази*

Аннотация. Мақолада инвестиция ва инвестицион жозибадорлик тушунчасини назарий асослари ўрганилган. Шунингдек, инвестицион жозибадорликнинг түғридан-түғри хорижий инвестициаларни жалб қилиш билан ўзаро боғлиқлиги назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тадқиқот яқунида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион жозибадорлик, капитал, рақобат, сармоқ, инновация, солиқ имтиёзлари, инсон капитали.

Аннотация. В статье исследованы теоретические основы понятия инвестиций и инвестиционной привлекательности. Также теоретически проанализирована взаимосвязь инвестиционной привлекательности с привлечением прямых иностранных инвестиций и по итогам исследования сформирован вывод.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная привлекательность, капитал, конкуренция, промышленность, инновации, налоговые льготы, человеческий капитал.

Abstract. The theoretical foundations of the concept of investment and investment attractiveness are studied in the article. Also, the interrelationship of investment attractiveness with the attraction of foreign direct investment was theoretically analyzed and a conclusion was formed at the end of the research.

Keywords: investment, investment attractiveness, capital, competition, industry, innovation, tax benefits, human capital.

1. Кириш.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви тобора кучайиб бораётган шароитда түғридан-түғри хорижий инвестициялар иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий омилига айланди. Түғридан-түғри инвестициялар нафақат сармоя, технология ва тажрибани чегаралар бўйлаб ўтказишни осонлаштиради, балки қабул қилувчи иқтисодларда рақобат ва инновацияларни рағбатлантиради. Бутун дунё мамлакатлари хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун рақобатлашмоқда, чунки бу саноатни модернизация қилиш, иш ўринларини яратиш ва халқаро бозорларга чиқиш йўлини таклиф қиласиди.

Инвестицион жозибадорлик концепцияси ушбу рақобат муҳитида ҳал қилувчи омил сифатида пайдо бўлди. Инвестицион жозибадорлик мамлакатнинг хорижий инвестицияларни рағбатлантирадиган ва қўллаб-куватловчи қулай муҳитни

яратиш қобилиятыни акс эттиради. Бу инвесторнинг маълум бир бозордаги хавф ва фойда ҳақидаги тасаввурини шакллантирадиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва институционал омилларни ўз ичига олади.

Кўпгина давлатлар тўғридан-тўғри инвестициялар учун курашаётган бўлсада, улар ўз иқтисодиётларини халқаро инвесторлар учун етарлича жозибадор қилишда кўпинча қийинчиликларга дуч келишади. Шу сабабли, инвестиция жозибадорлигининг назарий асосларини ва унинг тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқлигини иқтисодчилар ва халқаро инвесторлар учун жуда муҳимдир.

Иқтисодий ривожланиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларнинг аҳамияти эътироф этилганига қарамай, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига ҳисса қўшадиган ўзига хос омиллар ва бу омилларнинг тўғридан-тўғри инвестиция оқимиға қандай таъсир қилишини тушунишда бўшлиқ мавжуд. Мамлакатлар бўйича инвестиция жозибадорлигининг ўзгарувчанлиги муҳим саволларни туғдиради: Нега баъзи давлатлар чет эл капиталини жалб қилиш бўйича доимий равишда бошқалардан устун туради? Иқтисодиётни инвесторлар учун жозибадор қиласидиган асосий омиллар нима ва улар кенгроқ глобал иқтисодий тенденциялар билан қандай ўзаро таъсир қиласиди?

2. Адабиётлар шарҳи.

Ушбу тадқиқот ўз ўзидан “инвестиция” ва “инвестицион жозибадорлик” каби иқтисодий категорияларни илмий жиҳатдан ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти иқтисодий ривожланиш ва ўсишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган тушунча. Инвестициялар шунчаки молиявий операциялар эмас, улар турли соҳаларда самарадорлик ва рақобатбардошликни ошириш учун муҳим бўлган ижтимоий капитални тўплаш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини ифодалайди. Р.Лукас ва Э.Прескотт (1971) “келажакдаги мукофотларни кутиш билан инвестиция қандай зудлик билан харажатларни ўз ичига олиши, жумладан заводлар қуриш ёки касбий таълим каби мисолларни муҳокама қиласиди. Шунингдек, улар заарар кўрадиган заводни ёпиш келажакдаги йўқотишларни камайтириш учун инвестиция сифатида қаралиши мумкинлигини таъкидлайдилар”.

А.Фаройиби (2017) “инвестициянинг макроиқтисодий истиқболига батафсил тўхталиб, реал инвестиция акциялар ёки облигациялар каби мавжуд молиявий активларни шунчаки ўтказиш эмас, балки янги активларни яратишни назарда тутади” деб тушунтирган.

Инвестициялар рентабелликни кутиш билан ресурсларни тақсимлаш сифатида аниқланади, уларни реал ва портфель инвестицияларига ажратиш мумкин. Ҳақиқий инвестициялар жисмоний активлар ва корхонани ривожлантиришга қаратилган бўлса, портфель инвестициялари эса акциялар ва облигациялар каби молиявий активларни ўз ичига олади (В.Артиух, 2024).

Инвестициялар назарияларининг эволюцияси инвестициялар ва инновациялар ўртасидаги яқин боғлиқликни очиб беради, уларнинг иқтисодий ўсиш ва технологик тараққиётдаги ролини таъкидлайди. Инвестициялар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, айниқса барқарор ривожланиш ва билимга асосланган иқтисодиётга ўтиш шароитида муҳим аҳамиятга эга (Р.П.Сандулский, 2024). Умуман олганда, инвестициялар бўйича анъанавий нуқтаи назар молиявий даромадларга қаратилган бўлсада, кенгроқ нуқтаи назар уларнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни оширишдаги ролини, айниқса инқизор даврида эътироф этади. Ушбу иккилик инвестицияларни ҳар томонлама тушуниш зарурлигини таъкидлайди, бу шунчаки молиявий кўрсаткичлардан ташқарида.

Адабиётларда инвестиция жозибадорлигини тушуниш учун турли хил таърифлар ва асослар мавжуд бўлиб, уларни бир нечта асосий жиҳатларга бўлиш мумкин. О.А.Чистиакова (2024) фикрича, “инвестиция жозибадорлиги рақобатбардошликтининг ажралмас кўрсаткичи сифатида қаралади, айниқса стратегик бошқарув ва давлат бошқаруви учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида” “Дивиденд сиёсати ва молиявий менежмент каби омиллар корхоналарнинг, айниқса иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицион жозибадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади” (М.Е.Коновалова, 2024).

А.П.Цоколов, (2024) фикрича эса, “Минтақавий даражада инвестиция жозибадорлигини баҳолаш барқарор иқтисодий ривожланишдаги ролини таъкидлаб, инвестицион салоҳият ва рискларни таҳлил қилиш муҳимлигини таъкидлайди”.

И.Глотова ва бошқаларнинг (2019) фикрича, “Инвестицион жозибадорлик компаниянинг рақобатдош устунликларини акс эттирувчи ажралмас хусусият сифатида қаралади ва инвестицияларни жалб қилишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назар инвесторнинг профилини, компания турини ва инвестиция мақсадларини ҳисобга оладиган нозик таъриф зарурлигини таъкидлайди. Таъриф ушбу омилларга қараб ўзгаради”.

И.Доценко ва Л.Матвийчук (2021) фикрича эса, “Инвестицион жозибадорликни потенциал инвесторларга инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини берувчи компаниянинг молиявий ва иқтисодий ресурслари самарадорлиги даражаси сифатида ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу истиқбол муҳим кўрсаткичлар сифатида корхонанинг рентабеллиги, ликвидлиги ва тўлов қобилиятига қаратилган”.

Й.Бушинский (2021) талқинича, “Инвестицион жозибадорлик, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тартибга солиш муҳити ва инфратузилма каби омиллар роль ўйнайдиган минтақавий тушунча сифатида тавсифланади. Ушбу кенгроқ таъриф инвестицион жозибадорликни минтақавий рақобатбардошлик контекстида кўриб чиқади”. Хулоса қилиб айтганда, инвестицион жозибадорлик иқтисодий, молиявий ва контекстуал омилларни ўз ичига олган кўп қиррали тушунчадир. Бу корхонанинг ички жиҳатларига (масалан, рентабеллик) ва ташқи омилларга (саноат ва минтақа каби) боғлиқ.

Бир қанча назариялар ва ёндашувлар инвестицион жозибадорлик тушунчасини тушунтиришга ёрдам беради. Масалан, Инвестицион жозибадорликнинг тизим назарияси инвестиция жозибадорлигини синергетик ва очиқ чизиқли бўлмаган тизимлар объективи орқали кўриб чиқади. У инвестиция жозибадорлигини ижтимоий-иқтисодий ва экологик омилларни бирлаштирган мураккаб, ривожланаётган тизим сифатида тушуниш мумкинлигини кўрсатади (В.Степанов ва С.Рассаднийкова, 2014).

Молиявий ва иқтисодий ёндашувни оладиган бўлсак, инвестицион жозибадорлик кўпинча корхонанинг молиявий ва иқтисодий самарадорлиги билан боғлиқ. Ушбу ёндашувга мувофиқ, асосий компонентлар рентабеллик, ликвидлик, тўлов қобилияти ва тадбиркорлик фаолиятини ўз ичига олади. Интеграциялашган кўрсаткичлар каби турли баҳолаш моделлари корхонанинг инвестиция ҳаётийлигини тезкор баҳолаш имконини беради (И.Доценко ва Л.Матвийчук, 2021).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инвестицион жозибадорлик назариялари тизимли ва стратегик асослардан тортиб кўп омилли ва молиявий-иқтисодий моделларгача бўлиб, уларнинг барчаси инвестицияларни жалб қилиш шартларини тушуниш ва оптималлаштиришга қаратилган. Инвестицион жозибадорликнинг таърифлари ва асослари яхши йўлга қўйилган бўлсада, иқтисодий шароитларнинг

динамик табиати ушбу тушунчаларни инвестицияларни жалб қилишда долзарбилиги ва самарали бўлишини таъминлаш учун доимий тадқиқот ва мослаштиришни талаб қиласди.

3. Таҳлил ва натижалар.

Тўғридан-тўғри инвестициялар ривожланаётган мамлакатлар учун айниқса муҳимдир, чунки у саноат ўсиши, модернизация ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви учун муҳим дастак бўлиб хизмат қиласди. Шуни унутмаслик керакки, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг афзалликлари автоматик эмас ва улар қабул қилувчи мамлакат ичидаги сиёсат ва шартларга боғлиқ. Хукуматлар хорижий инвестициялар узоқ муддатли барқарор ривожланишга ҳисса қўшишини таъминлайдиган инвестицион жозибадорликни таъминловчи қулай муҳит яратиши керак.

Асосий сиёсат масалалари сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, инфратузилмани яхшилаш, шаффоф ҳуқуқий тизимларни таъминлаш ва малакали ишчи кучини қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Хорижий инвесторларнинг эҳтиёжларини ички ривожланиш мақсадлари билан муваффақиятли мувозанатлаштирган мезбон мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларнинг фойдасини максимал даражада ошириши ва уларнинг умумий инвестицион жозибадорлигини ошириши мумкин.

Тадқиқотимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, унинг иқтисодий ривожланишдаги роли ва унинг пайдо бўлишини тушунтирувчи назарияларни тушуниш учун асос яратилади. Шунингдек, у инвестицион жозибадорликнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими билан қандай боғлиқлиги ҳақида кейинги муҳокамани ўрнатади.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсақ, инвестицион жозибадорлик деганда мамлакат ёки минтақани тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун жозибадор манзилга айлантирувчи омиллар ва шартлар тўплами тушунилади. Бу омиллар иқтисодий, сиёсий, институционал ёки ижтимоий характерга эга бўлиши мумкин ва улар биргалиқда инвесторнинг қарор қабул қилиш жараёнини шакллантиради. Ушбу шартлар қанчалик қулай бўлса, мамлакатнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини жалб қилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Бир қатор эмпирик тадқиқотлар инвестицион жозибадорлик ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими ўртасида кучли ижобий боғлиқликин кўрсатди. Барқарор сиёсий муҳит, шаффоф меъёрий-ҳуқуқий база, самарали ҳуқуқий тизимлар ва тўғри макроиқтисодий сиёсатни таъминловчи мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларнинг юқори даражасини олиш тенденциясига эга. Аксинча, коррупциядан, сиёсий беқарорликдан, ҳаддан ташқари бюрократиядан ёки заиф инфратузилмадан азият чекаётган мамлакатлар кўпинча барқарор хорижий инвестицияларни жалб қилишда қийинчиликларга дуч келишади.

Глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, Жаҳон банкининг бизнес юритиш қулайлиги индекси ёки Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлиқ индекси каби халқаро индексларда юқори ўринга эга бўлган мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларни қўпроқ жалб қиласди. Ушбу индекслар бизнесни тартибга солиш самарадорлиги, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инфратузилма сифати ва бозорга кириш каби омилларни ўлчайди — инвестиция жозибадорлигининг асосий компонентлари ҳисобланади.

Мамлакатнинг тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш қобилиятига бир нечта асосий омиллар таъсир қиласди. Ушбу омилларнинг инвестиция

жозибадорлиги билан қандай боғлиқлигини тушуниш сиёсатчиларга хорижий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш учун стратегияларни яратишга ёрдам беради. Энг муҳим омилларга қуидагилар киради (1-жадвал):

1-жадвал

Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш қобилиятига таъсир этувчи асосий омиллар

Омиллар	Мазмуни
Сиёсий ва институционал барқарорлик	Хукуматдаги барқарорлик, шаффоф ҳуқуқий тизимлар ва башорат қилинадиган сиёсатлар тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун жуда муҳимdir. Инвесторлар қонун устуворлиги қўллаб-қувватланадиган, шартномалар бажариладиган ва меъёрий-хуқуқий базалар изчил бўлган муҳитни қидиради.
Норматив сифат ва бизнес юритишининг қулайлиги	Инвесторлар қулай тартибга солиш муҳити, жумладан, соддалаштирилган бизнес тартиб-қоидалари, паст даражадаги қоғозбозлик ва мулкни рўйхатга олиш ва лицензиялаш жараёнлари самарали бўлган мамлакатларга устувор аҳамият беришади.
Бозор ҳажми ва ўсиш потенциали	Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг энг муҳим омилларидан бири бу йирик ва ўсиб бораётган истеъмол бозорларига кириш имкониятидир. Аҳолиси қўп бўлган ва даромад даражаси ўсиб бораётган мамлакатлар хорижий фирмаларга ўз истеъмол базасини кенгайтириш имкониятларини тақдим этади. Тез ўсиб бораётган иқтисодиётлар, айниқса ривожланаётган бозорлар, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш эҳтимоли кўпроқ, чунки улар сармоядан юқори даромад келтиради.
Инфратузилма сифати	Яхши ривожланган инфратузилма, жумладан транспорт тармоқлари, алоқа тизимлари ва энергия таъминоти тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарурдир. Инфратузилма нафақат хорижий фирмаларнинг операцион харажатларини камайтиради, балки ҳосилдорликни ҳам оширади.
Ишчи кучи компетенцияси	Малакали, маълумотли ва рақобатбардош ишчи кучининг мавжудлиги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг яна бир муҳим омилидир. Инвесторлар юқори малакали мутахассисларга ва тежамкор меҳнатга киришлари мумкин бўлган жойларни излайдилар.
Солиқ ва рағбатлантириш	Солиқ сиёсати хорижий инвесторлар учун мақсад жозибадорлигини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Рақобатбардош корпоратив солиқ ставкалари, солиқ таътиллари ва маҳсус иқтисодий зоналар тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун кенг тарқалган стратегиялардир.
Савдо ва инвестициялар учун очиқлик	Либерал савдо сиёсатини қабул қиласидиган ва халқаро шартномаларда иштирок этувчи мамлакатлар кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қиласиди. Савдо тўсиқлари камроқ бўлган очиқ иқтисодиётлар трансмиллий компанияларга эркин импорт ва экспорт қилиш имконини беради, бу эса операцион харажатларни камайтиради.

Юқоридаги жадвалга асосланадиган бўлсак, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги энг муҳим тўсиқлардан бири бу сиёсий бекарорликдир. Хукуматдаги тез-тез ўзгаришлар, фуқаролар тартибсизликлари ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган сиёсалар катта миқдордаги капитални амалга оширишда барқарорлик ва башоратлиликни биринчи ўринга қўядиган инвесторларни тўхтатиб қўйиши мумкин. Шунингдек, пораҳўрлик ва тарафдорлик тез-тез учраб турадиган ноаниқ бюрократик тизимлардан фойдаланиш зарурати сармоядорларни тушқунликка солиши мумкин. Коррупция рақобатни бузади, операцион харажатларни оширади ва инвесторларнинг мамлакатнинг ҳуқуқий ва институционал асосларига ишончини пасайтиради.

Инвестицион жозибадорликни оширишнинг энг самарали усусларидан бири бу сиёсий барқарорликни яхшилаш ва коррупцияни камайтиришдир. Бошқарувни кучайтириш ва шаффофликни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни жорий этаётган мамлакатлар инвесторлар ишончини ошириши мумкин. Бу ислоҳотлар коррупцияга қарши кураш институтларини мустаҳкамлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, ҳокимиятнинг барқарор алмашинувини таъминловчи демократик жараёнларни рағбатлантиришни ўз ичига олади.

Кўпгина ривожланаётган бозорларда башорат қилинадиган тартибга солиш муҳитини яратишга қаратилган ташабbuslar инвестиция жозибадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Аниқ, изчил ва қўлланилиши мумкин бўлган қоидаларни ўз зиммасига олган ҳукуматлар инвесторлар ўзларининг узоқ муддатли инвестицияларини хавфсиз ҳис қилишлари учун шароит яратадилар.

Инвестицион жозибадорликни ошириш сиёсий, иқтисодий ва институционал муаммоларни ҳал қилувчи мувофиқлаштирилган ёндашувни талаб қиласди. Жараён мураккаб ва қийинчиликларга тўла бўлиши мумкин бўлсада, мақсадли ислоҳотларни амалга оширувчи мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш орқали ўсиш ва ривожланиш учун муҳим имкониятларни очиши мумкин. Сиёсий барқарорлик, тартибга солиш сифати, инфратузилмани ривожлантириш, инсон капиталига инвестициялар ва савдони либераллаштиришга эътибор қаратиш орқали мамлакатлар хорижий сармоядорлар учун жозибадорлигини ошириши, иқтисодий ривожланиш ва инвестицияларнинг фойдали циклини яратиши мумкин.

4. Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, давлатлар ўз иқтисодиётларини модернизация қилиш ва халқаро бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун хорижий сармояларни жалб қилишга қаратилган стратегик қарорлар қабул қилиши керак. Инвестицион жозибадорлик тушунчасини тўғри тушуниш ва унинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими билан боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали мамлакатлар ўз иқтисодий ўсиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшишлари мумкин. Инвестицион жозибадорликни таъминлаш учун ҳукуматлар сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқий тизимни яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ва инсон капиталига сармоя киритиш каби долзарб чораларни кўришлари лозим.

Адабиётлар:

Alexey, P., Sokolov. (2024). 3. Formation and assessment of the investment attractiveness of the region at the heart of the economic development of the state. Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий, doi: 10.31442/0235-2494-2024-0-1-18-23

Bushynsky, Y. (2021). Analysis of investment attractiveness impact on the increase of the region competitiveness level. Ukrainian Journal of Applied Economics. <https://doi.org/10.36887/2415-8453-2021-4-7>.

Dotsenko, I., & Matviichuk, L. (2021). Model of evaluation of investment attractiveness of the enterprise. modeling the development of the economic systems. <https://doi.org/10.31891/mdes/2021-2-1>.

Glotova, I., Tomilina, E., Doronin, B., Klishina, Y., & Uglitskikh, O. (2019). Investment Attractiveness of the Company: Definition Approaches and Assessment Methods. Proceedings of the Internation Conference on "Humanities and Social Sciences: Novations, Problems, Prospects" (HSSNPP 2019). <https://doi.org/10.2991/HSSNPP-19.2019.162>.

Lucas, R., & Prescott, E. (1971). Investment Under Uncertainty. *Econometrica*, 39, 659-681. <https://doi.org/10.2307/1909571>.

Farayibi, A. (2017). Macroeconomic Perspective and Fundamentals of Investment Behaviours. Corporate Finance: Valuation. <https://doi.org/10.2139/ssrn.2993201>.

Olga, Aleksandrovna, Chistiakova. (2024). 1. Investment attractiveness as a generalized indicator of the competitiveness of a service sector organization. *Финансы и кредит*, doi: 10.24891/fc.30.6.1403

Stepanov, V., & Rassadnykova, S. (2014). Methodological Problems of Investment Attractiveness: Context of Economic and Environmental Research. Ukrainian Journal Ekonomist, 56-60.

Vadym, Artiukh. (2024). 1. Economic essence of "investments" and their classification. *Ekonomika, finansi, pravo*, doi: 10.37634/efp.2024.3.7

Сандулський Р.П., (2024). 2. Theoretical basis of investments and investment activity research. *Економіка та управління АПК*, doi: 10.33245/2310-9262-2024-189-1-95-109

Коновалова, М.Е., Коновалова, М.Е. (2024). The investment attractiveness of the enterprise and its determining factors. *Экономика и предпринимательство*, doi: 10.34925/eip.2024.163.2.165



БОШҚАРУВ ҲИСОБИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ

Худойназаров И.У.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

и.ф.д., профессор Пардаев А.Х.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Бюджетлаштиришнинг моҳияти бўйича олимлар ва амалиётчиларнинг иқтисодий талқинлари таҳлил қилинган, унинг режалаштиришдан фарқи, объекти ҳамда субъекти қўрсатиб берилган. Бошқарув ҳисобида бюджетлар турлари, уларни тузиш, параметрларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва назоратини амалга ошириш механизми қўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш; бюджет объекти ва субъекти; ишлаб чиқариш бюджети, реализация бюджети, харид бюджети, тижорат харажатлари бюджети, пул оқимлари бюджети, бош бюджет.

Аннотация. В статье рассмотрены роль и место бюджетирования в системе управленического учета. Проанализированы научные подходы учёных различных экономических школ по данному вопросу, указаны объекты и субъекты бюджетирования, а также отличие бюджетирования от планирования. Определены виды бюджетов в управленическом учете, разработаны механизмы их составления, а также учет, анализ и контроль выполнения его параметров.

Ключевые слова: бюджетирование в системе управленического учета; объекты и субъекты бюджетирования; бюджет производства, бюджет реализации, бюджет покупки, бюджет коммерческих расходов, бюджет денежных потоков, главный бюджет.

Abstract. The article deals with the role and place of budgeting in management accounting systems. Scientific approaches on this issue of different economic schools scientists are reviewed, objects and subjects of budgeting, also the difference between budgeting and planning are specified. Different types of budgets in management accounting are identified, mechanisms of their drafting are developed as well as accounting, analysis, and control of its parameters.

Keywords: budgeting in the management accounting system; objects and subjects of budgeting; production budget, budget implementation, budget shopping, budget commercial expenses, cash flow budget, the main budget.

1. Кириш.

Одатда, бюджет ҳақида гап кетганда жуда кўпчилик хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари ўзларини ғайри табиий сезишади. Сабаби, бюджет атамаси одатда давлат молиясига, давлат бюджети тушунчалари билан боғлиқ деб қарашади, ҳамда уни харажатлар сметаси кўринишида тасаввур қилишади. Хўжалик юритувчи субъект миқёсида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш жараёнида эса бу тушунчанинг асл моҳиятига тегишли даражада эътибор қаратишмайди. Замонавий хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари келажакда фаолиятлари самарали бўлишини, тобора кескинлашиб борадиган рақобат чидамининг ортиб боришини астойдил исташса - бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадида бюджетни хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар миқёсида тушуниш – бутунлай бошқа маънони англатишини эътироф эта билишлари лозим (1).

Бошқарув ҳисоби тизимини самарали ташкил қилиш ва юритиш воситалари орасида бюджетлаштириш марказий ўринни эгаллайди. Бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштиришнинг функционал аҳамияти: хўжалик юритувчи субъектлар учун самарадорлик ва рентабелликнинг янги истиқбол даражаларини иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама асослаш ва белгилаб бериш; хўжалик юритувчи субъект капитали миқдорини сақлаш ва кўпайтириш; хўжалик юритувчи субъект айланма капитали барча элементларининг (фақат пул маблағларининг эмас) самарали ишлашини таъминлаш; хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион жозибадорлигини оширишда намоён бўлади.

Бюджет менежерларнинг малакасини ошириш борасида самарали ҳамда қулай восита ҳисобланади. Бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида раҳбар ўз бўлими фаолияти ва унинг бошқа бўлимлар билан биргаликда олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади. Бу айниқса янги тайинланган раҳбар ходимлар учун зарурдир. Йиллик бюджетни ишлаб чиқиш тажрибасига эга ҳар бир ходим бу жараённинг ижобий ва фойдали томонларини яхши билади. Бюджет менежерларнинг иқтисодий билимлар базасини кенгайтириб боришини талаб қиласди, таҳлил қилиш, бунинг учун ўрганиш, гурухлаш, баҳолаш ва хулосалар чиқариш каби қарорлар ва ҳаракатлар қилишга ундейди (1).

2. Адабиётлар шарҳи.

Бошқарув ҳисобидаги бюджетлаштиришнинг моҳияти бўйича нафақат иқтисодчи-амалиётчилар, балким назариячи-олимлар ўртасида ҳам ягона ёndoшув шу пайтгача шаклланмаган. Уларни қуйидаги гурухлаштириш мумкин:

1. Келажакдаги аниқ бир давр оралиғида бажарилиши кўзда тутилаётган аниқ чора-тадбирлар ва ҳаракатлар Дастурининг молиявий хужжати, яъни сметасидир (2);

2. Корхона молиявий ҳамда иқтисодий қўрсаткичларининг келгусидаги аниқ бир давр оралиғида эришилиши кўзда тутилаётган режасининг сонда (натурал шаклда) ифодаланишидир (3);

3. Корхона келгуси фаолиятининг барча йўналишлари бўйича молиявий жараёнларини ўзида мужассамлаштирган молиявий режадир (4).

Кўриниб турибдики, барча фикр-мулҳазалар бир-бирига тўла мос келаётгани йўқ, худди шунингдек ана шу борада тадқиқот олиб боришган олимлар ва турли илмий мактаблар қарашлари бир-бирига қарши ҳам эмас.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий изланиш давомида аниқ фактларга асосланган ҳолда маълумотларни гурухларга ажратиш, шунингдек индекс ва норматив усуслни

инобатга олиб, унинг структурасини ўрганиш асосида ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш, таҳлил ва синтез қилиш, статистик маълумотларни таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Лекин, шу ўринда қайд қилиш керакки, аксарият холларда бошқарув ҳисоби тизимидағи бюджетлаштиришга режалаштириш каби ёндашув эътиборни тортади. Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисоби тизимидағи бюджетлаштиришга, уни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва назоратдан ажратилган холда фақатгина режалаштириш каби ёндашиб бўлмайди. Режалаштириш – бу бюджетлаштиришнинг бир қисми, холос.


Шунга мувофиқ, бизнинг фикримизча, бюджетлаштириш – бу хўжалик юритувчи субъектнинг масъулият марказлари бўйича харажатлар ва даромадларини режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат ва таҳлил қилиш жараёнларининг интеграллашган тизимиdir.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг фойдаланиб келинаётган бошқарув ҳисоби тизимидағи бюджет бевосита қўйида тасвирланган бир қатор муҳим функцияларни бажаради (1-расм).


Эътироф этиш керакки, бошқарув ҳисоби тизимидағи бюджет бажарадиган функциялар моҳияти бир қатор олимларимизнинг илмий тадқиқот натижалари бўйича чоп этган ишларида батафсил ёритилган (5).

Бюджетлаштиришдаги бошқарув обьекти - жараён технологияси, бошқарув субъекти – жараён эгаси, натижа эса - бюджет ҳисобланади.

Бюджетлаштириш жараёнининг эгаси сифатида бюджет ишлаб чиқиладиган тегишли таркибий бўлим бошлиғи тушунилади. Ўша киши иш фаолиятининг натижаси - бу унинг ўз бўлими доирасида шакллантирган ҳамда хўжалик юритувчи субъект раҳбарига тақдим этиладиган бюджет лойиҳасидир. Барча бўлим ва таркибий қисмларда шакллантириладиган (тузуладиган) бюджетлар лойиҳалари хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланган муддат ва кўринишда таркибий бўлимлар томонидан тақдим этиладиган режалаштирилган иқтисодий маълумотлар асосида тузилади.



1-расм. Бошқарув ҳисобида бюджетнинг функциялари.



2-расм. Бюджетлаштириш жараёнини бошқариш алгоритми.

Таркибий бўлимлар зарур маълумотларни йиғади, уларнинг ўрнатилган талабларга мослигини текширади, олинган барча маълумотларни атрофлича таҳлил қиласди, жамлайди ҳамда улар асосида бюджет лойиҳасини ишлаб чиқади. Кейинчалик бюджетлар бошқа таркибий бўлинмалар, яъни бир хўжалик юритувчи субъект ичидағи ўзаро алоқа вужудга келадиган бошқа таркибий бўлинмалар билан келишув жараёнидан ўтади. Ундан кейинги босқичда бюджетлар белгиланган тартибда тасдиқланади ва амалга оширилади. Амалга ошириш жараёнида таркибий бўлинмалар ҳақиқий ахборотларни йиғадилар, режа-факт таҳлилини ва назоратини амалга оширадилар, бюджетларни амалга ошириш ҳисботларини тайёрлайди ва тасдиқлайдилар ҳамда уни жараён эгаси, яъни таркибий бўлинма раҳбарига тақдим этади.

Ана шу тартибда шакллантириладиган, келишиладиган, ўратилган тартибда тасдиқланадиган ҳамда амалга оширилиши таҳлил қилиниб, назоратга олинадиган бюджетлаштириш жараёни технологияси қайси бир хўжалик юритувчи субъектни олиб қараманг, уларнинг мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар, нисбатан ўхшаш ва доимий ҳисобланади. Унинг амалга ошириш алгоритмини чизма шаклида қуидагича ифодалаш мумкин (2-расм).

Натижада бюджетлаштириш жараёни муайян тартибда амалга ошириладиган функция(иш)лар, ижрочилар ва чиқиш ҳужжатлари кетма-кетлигининг тасаввурини намоён қиласди. Юқорида қайд қилинганлар бизга қуидаги бюджетлаштиришнинг асосий субжараёнларини кўрсатиб беради (1-жадвал).

1-жадвал

Бюджетлаштириш жараёнининг кўриниши

Бюджетлаштириш жараёни функцияси	Жараён ости	Фаолият тури	Ижрочилар	Натижа
1. Режалаштириш	1. Бюджетларни шакллантириш	1.1. Мақсадлар қўйилиши 1.2. Меъерий база ва технологияни шакллантириш 1.3. Дастраси маълумотларни тўплаш 1.4. Бюджет лойиҳасини тайёрлаш 1.5. Келишув 1.6. Бюджетга ўзгартиришлар киритиш 1.7. Бюджетни тасдиқлаш	Таркибий тузилмалар	Бюджет
2. Ҳисоб ва назорат	2. Бюджетларни амалга ошириш	2.1. Бюджетни ижросини таъминлаш 2.2. Режанинг бажарилиши таҳлили ва назорат 2.3. Ўзгартиришлар 2.4. Ҳисботлар тайёрлаш 2.5. Ҳисботларни тасдиқлаш	Таркибий тузилмалар – бюджет ижрочилари	Бюджет ижроси бўйича ҳисбот

Бинобарин, хўжалик юритувчи субъектнинг амалий фаолиятида ўзининг режалаштириш, келишилиши ва тасдиқланиши босқичларида қўлланилиши мумкин бўлган бюджетни тузишга бўлган учта асосий ёндашув шаклланди. Булар “пастдан юқорига”, “юқоридан пастга” ҳамда интегратив ёндашувлардир.

“Пастдан юқорига” ёндашуви қўлланилганда - бутун хўжалик юритувчи субъектнинг умумлаштирувчи натижавий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида шакллантирилаётган бюджет, юқорига бериладиган алоҳида бўлимлар фаолиятини акс эттирувчи лойиҳаларидан келиб чиқсан ҳолда тузилади. “Юқоридан пастга” ёндашуви қўлланилганда бюджет хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан қўйилган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда бўлимлар кесимида мос бюджет тузилади. Мақсад қилиб белгиланаётган кўрсаткичлар иқтисодий прогноз ҳамда корхона стратегияси асосида аниқланади. Интегратив ёндашувда бюджетлаштириш жараёни бир қатор шартли босқичларни ўз ичига олади. Маълумот олдин юқори раҳбариятдан бошқарувнинг қуи бўлинмалари тарқалади, кейин ҳолатларга қараб бир неча бор бошварувнинг иерархик таркиби бўйлаб пастдан юқорига қараб умумлаштирилади.

“Пастдан юқорига” услуби бўйича бюджет тузилаётганда, ундаги маълумотларнинг шакллантирилиши қуи поғона раҳбариятидан хўжалик юритувчи субъектнинг юқори раҳбариятига қараб тақдим этилади. Бюджет кўрсаткичларини бажаришга масъул раҳбарлар ўзлари масъул бўлган фаолият йўналишлари учун бюджет тузадилар. Ўз бюджетларини тайёрлашдаги иштирокини инобатга олган ҳолда, бундай ёндашув раҳбарларга орттирилган тажриба, ўз йўналишлари моҳияти ва муаммолари билимларини тадбиқ қилиш имкониятини беради. Шу тариқа уларнинг бюджет қабул қилиши ва режалаштирилган мақсадга эришишга ҳаракатлари эҳтимоли ошади. Аммо ушбу ёндашувда, қоидага асосан, кўплаб куч ва вақт алоҳида таркиб бирликлари бюджетларини келишишга сарф бўлади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда “паст”дан тақдим этилган кўрсаткичлар бюджетнинг тасдиқланиши жараёнида раҳбарият томонидан қаттиқ ўзгаришларга дуч келади ва бу ўз навбатида қарорнинг асосланмаганлик ёки етарлича далил келтирилмаганлик ҳолларида бўйсинувчилар орасида салбий реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Кейинчалик бундай ҳолат пастки поғона менежерларининг бюджет жараёнига бўлган ишонч ва диққатнинг пасайишига олиб келади. Бу эса бюджетнинг бирламчи кўринишида эътиборсизлик билан тайёрланган маълумотлар ёки атайлаб баланд кўрсатилган сонларда ўз аксини топади. Бюджетлаштиришнинг бу кўриниши бозор ҳолатининг ноаниқлиги ва раҳбариятнинг режалаштириш билан шуғулланиш ҳоҳиши йўқлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектларимиз амалиётида кенг тарқалган.

“Юқоридан пастга” услуби ёрдамида тузиладиган бюджет хўжалик юритувчи субъект раҳбариятидан қуийдаги бўлимларнинг асосий хусусиятларини тушуниш ва ҳеч бўлмаганде кўрилаётган давр учун реал прогноз тузиш қобилиятини талаб қиласи. Бундай ёндашув алоҳида бўлимларнинг бюджетлари келишувини таъминлайди ва масъулият марказлари ишининг самарадорлигини баҳолаш учун материаллар ва хом ашё хариди, махсулотларни сотиш, реализация харажатлари ва бошқа бир қатор бюджетлар бўйича аниқ кўрсаткичларни шакллантириб бериш имконини яратади.

Амалий фаолиятда кўпроқ маъқул келадиган ва кенг тарқалган ёндашув – бу интеграциялашган тарзда тузиладиган бюджетлаштириш ҳисобланади. Одатда унда юқоридан қуи бўлимларга қараб аввал мақсад қилиб белгиланаётган кўрсаткичлар туширилади, “пастдан юқорига” йўналиши бўйича корхонанинг хамма, хатто сўнгги

бюджетлари – даромад ва харжатлар бюджети, пул маблағлари ҳаракати бюджети ва балансгача, бюджетлар тизими шаклланишидан сўнг, раҳбарият томонидан қўйилган мақсад кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқлиги таҳлил қилинади. Агар, мақсад қилиб белгиланаётган кўрсаткичлар бажарилиши таъминланадиган бўлса, бюджет раҳбариятга тасдиқлаш учун киритилади. Бюджет тасдиқдан ўтгандан кейин эса, у барча бўғинлар учун бажарилиши зарур бўлган директив хужжатга айланади. Мабода, бюджет кўрсаткичлари ўртасида мақсад қилиб белгиланган кўрсаткичларга нисбатан номутаносибликлар келиб чиқса, у холда янги бюджет лойиҳаси тайёрланади ва келишиувга киритилади, то ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтгунга қадар.

5. Хулоса.

Юқорида қайд қилинган фикр-мулоҳазалар ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, корхона миёсида бир неча бюджет тузилиб, шунга мувофиқ уларнинг якуний умумлаштирувчи сифатида бош бюджет ҳам тузилади.

Қайд этиш керакки, чэт эллик ва малакатимиз иқтисодчи олимларининг айнан шу борадаги фикр-мулоҳазалари бир-бирига яқин. Уларнинг асарларида хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисоби тизимида тузиладиган бош бюджет ҳамда бошқа бюджет турларининг моҳияти, уларнинг кўрсаткичлари, элементлари таркиби, яъни таркибий тузилишлари, вақт оралиғи ва ишлаш механизмлари батафсил кўрсатиб берилган (5).


Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиқиб, бюджетлаштириш жарёнини янада такомиллаштириш бўйича, бизнинг фикримизча қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- бюджет турларини аниқ ажратса олиш ва тавсифлаш;
- бюджетларнинг тузилиш жараёнини босқичларга бўлиш ва бир босқич доирасида шакллантирилаётган бюджет турлари ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш, уларда шаклланадиган кўрсаткичлар ўртасида тўлиқ мутаносиблика эришиш;
- ҳар бир бюджет доирасида шакллантирилаётган кўрсаткичларнинг бош бюджет параметрлари билан мос тушишига эришиш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизнинг амалий жиҳатдан моҳияти самарасини ошириш мақсадида уни қуидаги чизма шаклида таклиф қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик (1-чизма).

Бюджетлаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича биз томонимиздан бериләётган таклиф-хулосалар, қуидагиларда ўз самарасини беради, деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик юритувчи субъектлар учун самарадорлик ва рентабелликнинг янги истиқбол даражаларини иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳолда белгилаш имконини яратади;
- хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд капитали миқдорини сақлаш ва кўпайтириш ҳамда корхона айланма капитали барча элементларининг самарали ишлаш механизмини яратади;
- хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион жозибадорлигини оширади.



3-расм. Бош бюджет чизмаси

Адабиётлар:

- (1) Pardayev A.X, Pardayeva Z.A., Pardayeva Sh.A. Operativ va strategik boshqaruvin hisobi /Darslik.- Т.: ООО “DIADEMA NUR SERVIS”, 2023. - 420 bet., 207 – бетда.
- (2) Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. -М.: Финстатинформ, 2000; Друри К. Введение в управленческий и производственный учет. - М.: Аудит: ЮНИТИ, 1998; Яругова А. Управленческий учет; опыт экономически развитых стран. - М.: Финансы и статистика, 1991.
- (3) Волкова О.Н. Бюджетирование и финансовый контроль в коммерческих организациях. - М.: Финансы и статистика, 2005; Ананькина Е.А., Данилочкин С.В. Данилочкина Н.Г. Контроллинг как инструмент управления предприятием /Под ред. Н.Г. Данилочкиной. - М.: Аудит: ЮНИТИ, 1999; Контроллинг в бизнесе. Методологические и практические основы построения контроллинга в организациях /А.М. Карминский, Н.И. Оленев, А.Г. Примак, С.Г. Фалько, - М.: Финансы и статистика, 1998; Карпова Т.П. Управленческий учет. - М.: Аудит. ЮНИТИ, 1998; Финансовый менеджмент: теория и практика /Е.С.Стоянова, И.Т.Балабанов, И.А.Бланк и др.; Под ред. Е.С.Стояновой. - М.: Изд-во «Перспектива», 2000; Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. - М.: Финансы и статистика, 1995; Щиборщ К.В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. - М.: Изд-во «Дело и сервис», 2004; Anthony R.N., Reece J.S. Accounting: Text and Cases. 8th ed. Illinois: Homewood, 1989.
- (4) Бланк.И.А. Управление прибылью. - Киев: Ника-Центр, 1998; Шим Дж.К., Сигел Дж.Г. Основы коммерческого бюджетирования. - СПб.: Пергамент, 1998; Хруцкий В.Е., Сизова Т.В., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование: Настольная книга по постановке финансового планирования. - М.: Финансы и статистика, 2005; Управленческий учет / Под ред. А.Д.Шеремета. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС,2001.
- (5) Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Башқарув ҳисоби. – Т., Ғафур Ғулом номидаги наширёт-матбаа ижодий уий, 2008. – 252 б., 107-111 бетлар ҳамда 112-131 бетларда.



БЕВОСИТА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

и.ф.ф.д., доц. Янгибоев Ҳ.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада бевосита солиқлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги ПҚ-4611-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикрлар юритилган. Молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига ўтиш шароитида бевосита солиқлар бўйича солиқ мажбуриятлари ҳисобини такомиллаштириш масалалари ҳамда илмий ҳуносалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, солиқ ҳисоботи, соф тушум, ялпи даромад, солиққа тортиладиган фойда/зарар, соф фойда/зарар.

Аннотация. В статье рассматривается работа, проводимая по обеспечению реализации задач, определенных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 февраля 2020 года «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности» № 4611. В условиях перехода на международные стандарты финансовой отчетности сформировались вопросы совершенствования расчета налоговых обязательств по прямым налогам и научные выводы.

Ключевые слова: Международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты финансовой отчетности, бухгалтерский учет, финансовая отчетность, налоговая отчетность, чистая прибыль, валовой доход, налогооблагаемая прибыль/убыток, чистая прибыль/убыток.

Annotation. The article discusses the work carried out to ensure the implementation of the tasks defined in the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2020 "On additional measures for the transition to international financial reporting standards" No. 4611. In the context of the transition to international financial reporting standards, issues of improving the calculation of tax liabilities for direct taxes and scientific conclusions have been formed.

Keywords: International financial reporting standards, national financial reporting standards, accounting, financial reporting, tax reporting, net profit, gross income, taxable profit/loss, net profit/loss.

1. Кириш.

Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари шак-шубҳасиз бу масаланинг ечимиға олиб келади. Янги Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шарт-шароит яратиш учун халқаро иқтисодий алоқада бизнеснинг бутун дунёга тушунарли бўлган умумжаҳон тилини, молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантириш турли тармоқлардаги корхоналарда бошқарув тизимини янги талабларга мослаштириш - ушбу субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тартиб қоидаларига бевосита боғлиқдир. “Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, хужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотларини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисбботларни тузишдан иборат”. (Қонун 2020)

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 24 августандаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётида қўлланиладиган ҳисоб ва статистика тизимиға ўтиш тўғрисидаги Давлат дастури”га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосланади. Маълумки, 2022 йилнинг 28 январида ПФ-60-сон Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тасдиқланган. Тараққиёт стратегиясида 100 та мақсад белгиланган бўлиб, бу мақсадларнинг барчаси мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсида нуфузини оширишга, мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Жумладан, стратегиянинг 26-мақсади, «Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард доллар, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш» этиб белгиланган. Мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бухгалтерия ҳисоби, бошқарув ва молиявий ҳисобда ислоҳатларни чуқурлаштиришни объектив зарурат сифатида белгилаб беради, чунки ислоҳотларнинг асосий мазмунини миллий ҳисоб тизимини жаҳон андозаларига мувофиқлашни ташкил этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаб келмоқда. Ўзбекистонда МХҲСнинг жорий этилиши маҳаллий компанияларга молиявий ҳисбботларнинг шаффоғлиги ва ишончлилигини ошириш орқали хорижий инвесторларнинг ишончини ошириш имконини беради. Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари бўйича бир неча мутахасислар ўз фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтди.

А.Х.Поповани (2013) таъкидлашича, халқаро молиявий ҳисббот стандартлари, одатда, “дунёning аксарият мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисбботларни тайёрлаш учун хўжалик операциялари ва молиявий кўрсаткичларни саралаш, тан олиш, баҳолаш ва ошкор қилиш бўйича умум-эътироф этилган қоидалар тўплами” деб тушунилади.

Иқтисодчи олим С.Ташназаров (2016) таъкидлаганидек, дунё бозорига чиқиш, халқаро кредит олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун молиявий ҳисоботни МҲҲСлари бўйича тузиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда МҲҲСлари асосида молиявий ҳисобот тузатган компаниялар сони ошиб бормоқда. Чунки, молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини оширишга эришиш фақат МҲҲСларга ўтиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлади. Шу боис, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳамда илфор инструментлар ва тажрибалардан фойдаланиш кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

А.Каримов, И.Қўзиев ва М.Раҳмоновлар (2020) қўйидагиларни келтириб ўтишган: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларининг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврдаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятини кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради.

Ҳ.Иргашев ва И.Ахмедовлар (2020) “Республикамида илк бор 2013 йилдан Ўзбекистон бухлатерлари ва аудитлари миллий ассоциацияси (ЎзБАМА) томонидан тегишли давлат органлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда МҲҲС стандартларининг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилди. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва йирик аудиторлик ташкилотлари “Кўриб чиқиш комиссияси” аъзолари сифатида таржима жараёнида қатнашди. 2013 йилдан МҲҲС ҳужжатлари таржимаси яқунланган бўлсада, кейинчалик улар МҲҲС фонди томонидан киритилган доимий ўзгаришлар бўйича янгилаб борилмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида уларга талаб ва эҳтиёжнинг пастлиги ҳамда МҲҲС ҳужжатларининг қонун ҳужжатлари билан тан олинмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Иқтисодчи олим Н.Ризаевнинг (2022) таъкидлашича Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини янада ривожлантириш қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган: 1) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида тайёрланадиган ахборотлар сифатини ошириш; 2) МҲҲСнинг фойдаланиш инфратузилмасини яратиш; 3) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини тартибга солиш тизимига ўзгаришлар киритиш; 4) молиявий ҳисботларнинг сифат назоратини мустаҳкамлаш; 5) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисботлар аудити, шунингдек молиявий ҳисботлардан фойдаланувчилар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг сезиларли даражада малакасини ошириш ҳисобланади.

А.К.Ибрагимовнинг (2023) фикрича, “Молиявий ҳисботларни халқаро стандартларга мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг халқаро миқёсда ҳаракат қилишида муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси корхона ва хўжалик субъектларида молиявий ҳисботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларининг келиб чиқиш тарихи ва унинг эволюцияси асосида хўжалик юритувчи субъектлар бўйича молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини кўллашнинг ишчи режаси ва амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш жараёнини кўриб чиқиш лозим”.

К.Б.Уразов (2024) фикрига кўра МҲҲСга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш кўплаб ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, техник, технологик, шунингдек методологик ва бошқа масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Чунончи, ушбу масалаларнинг маълум бир кетма-кетлиқда босқичма-босқич амалга оширилиши талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) — бу келишув ва бухгалтерия ҳисобининг жуда кенг тарқалган вариантлари тўпламидир. МҲҲС бухгалтерия ҳисоби ва ҳисббот стандартларининг ўзига хос усувларини тартибга соловчи меъёрий ҳужжатлар эмас. Улар фақат маслаҳат хусусиятига эга, яъни улар қўллаш учун мажбурий эмас. Уларнинг асосида миллий бухгалтерия тизимлари маълум обьектларни ҳисбога олишни батафсилроқ тартибга солиш билан миллий стандартларни ишлаб чиқиши мумкин.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, бевосита солиқлар ҳисобини молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисбланади. Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларига ўтган корхоналарда бевосита солиқлар бўйича назарий масалалар умумлаштирилди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усувлардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Мулкчилик ва тармоқ шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисбботларини миллий стандартлардан халқаро стандартлар асосида тузиш муҳим ҳисбланиб, халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисбботларни хорижий инвесторлар томонидан танишиш имкониятига эга бўлиши ва ўзининг сармоясини киритиш бўйича енгилликлар туғдиради.

БҲҲС (IAS) 12 «Фойда солиқлари» Ушбу стандартнинг мақсади фойда солиқларини ҳисбога олиш тартибини белгилайди. Фойда солиқларини ҳисбога олишдаги асосий масала бўлиб қуйидагиларнинг жорий ва келгуси солиқларга бўлган таъсири қай тарзда ҳисбога олиниши кераклиги ҳисбланади. Юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисбботда тан олинадиган активлар (мажбуриятлар)нинг баланс қиймати келгусида қопланиши ҳамда молиявий ҳисбботларида тан олинган жорий давр учун операциялар ва бошқа ҳодисалар. Ушбу стандарт, шунингдек, солиқ зарари ёки солиқ имтиёзларидан фойдаланмаслик натижасида келиб чиқадиган, муддати кечикирилган солиқ активларини тан олиш, фойда солиқларини молиявий ҳисбботда акс эттириш ҳамда фойда солиқларига тегишли бўлган маълумотларни ошкор этишни қамраб олади.

БҲҲС (IAS) 19 «Ходимларнинг даромадлари» номли мазкур стандартнинг мақсади - ходимларнинг даромадларини ҳисбога олиш ва улар бўйича маълумотларни ёритиб бериш тартибини белгилашдан иборат. Мазкур стандарт қўлланадиган ходимларнинг даромадлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

ходимлар тегишли хизматларни кўрсатадиган йиллик ҳисббот даври охиридан кейинги ўн икки ой ичida тўлиқ сўндирилиши кутиладиган қуйидагилар каби ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари;

иш ҳақлари, маошлар ва ижтимоий ҳимоя бадаллари, ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили ва ҳақ тўланадиган меҳнатга лаётқатсизлик таътили, фойдани бўлишиш ва мукофотлар, амалдаги ходимларнинг номонетар кўринишда олган даромадлари (масалан, тиббий хизмат, уй ёки автомобиль билан таъминлаш ҳамда белуп ёки имтиёзли нархлардаги товарлар ёки хизматлар).

Корхоналар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сонли “Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида”ги буйруғига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022

йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3400) асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этади ва молиявий ҳисботларни тайёрлайди.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларга ўтган юридик шахсларнинг солиқларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар бўйича солиқ ҳисботи таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда “Кучлик нефт база” МЧЖнинг 2023 йилдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларга ўтган юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумот” таҳлили келтирилган. 2.11- жадвалга қарайдиган бўлсак “Кучлик нефт база” МЧЖнинг соф тушуми 2022 йилда 297,9 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 170,1 млрд сўмни ташкил этган. 2022 йилда МЧЖнинг сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннархи 282,4 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 147,6 млрд сўмни ташкил этган. Корхонанинг ялпи даромади 2022 йилда 15,5 млрд сўмини ташкил этган бўлса, 2023 йилда ялпи даромади 22,5 млрд сўмни ташкил этган.

1-жадвал

“Кучлик нефт база” МЧЖнинг 2023 йилдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтган юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумот” таҳлили¹ (минг. сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида	Ҳисбот даврида	1	2	4
			1	2	4
Соф тушум, (сатр.020+030+040+050)	297 878 607,00	170 091 873,00			
маҳсулот сотишидан	292 024 952,00	161 290 164,00			
хизматлар кўрсатишидан	5 853 655,00	8 801 709,00			
қурилиш шартномалари бўйича					
Бошқалар					
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннархи	282 420 187,00	147 640 210,00			
Ялпи даромад, (сатр.010-060)	15 458 420,00	22 451 663,00			
Бошқа операцион даромадлар	29 627 918,00	28 325 806,00			
Сотиш харажатлари	32 724 896,00	30 112 019,00			
Маъмурий харажатлар	2 396 810,00	3 088 680,00			
Бошқа харажатлар	15 307 797,00	24 932 182,00			
Операцион даромад, (сатр.070+080-090-100-110)	-5 343 165,00	-7 355 412,00			
Қадрсизланиш бўйича заарлар/тикланиш (сатр. 140+150+160)					
Молиявий активлар бўйича					
.....					
Валюта курси фарқидан фойда ва заарлар *	1 640 788,00	50 784,00			
.....					
Солиққа тортиладиган фойда/зарар (сатр. 120+130+170+180+190-200+210-220+230)	-3 702 377,00	-7 304 628,00			
Фойда солиги					
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар					
Соф фойда/зарар (сатр. 240-250-260)	-3 702 377,00	-7 304 628,00			
Бошқа умумлашган даромад/харажатлар	x	x			
Асосий воситалар бўйича қайта баҳолаш резервлари					
Бошқа умумлашган даромадлар					
Бошқа умумлашган даромадлар (зарарлар) (сатр.280+290)					
Жами умумлашган даромадлар (сатр. 270+300)	-3 702 377,00	-7 304 628,00			

¹ “Kuchlik neft baza” МЧЖ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

Корхонанинг операцион даромади 2022 йилда -5,3 млрд сўмини ташкил этган бўлса, 2023 йилда операцион даромади -7,4 млрд сўмни ташкил этган. Солиқса тортиладиган фойдаси 2022 йилда -3,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса 2023 йилда -7,3 млрд сўмни ташкил этган. “Кучлик нефт база” МЧЖ корхонанинг жами умумлашган даромадлари 2022 йилда -3,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса 2023 йилда -7,3 млрд сўмни ташкил этган.

Халқаро бухгалтерия стандартларининг ижобий ва салбий хусусиятларини кўриб чиқсан. Биринчидан, уларнинг алоҳида мамлакатларда миллий стандартларга нисбатан объектив афзаликлари:

1. Потенциал хорижий инвесторларнинг ишончини оширишга чақириш;
2. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконияти;
3. Ҳисоботнинг бошқа корхоналар билан таққосланишини таъминлаш;
4. Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш, ташқи бозорларга чиқиш имконияти;
5. Ахборотнинг ишончлилиги;
6. Уни тузиш қоидаларига риоя қилиш билан таъминланадиган ахборотнинг шаффоғлиги, шунингдек, унга кўплаб тушунтиришлар мавжудлигидир. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари нафақат компанияларнинг молиявий ҳисботларини тайёрлашда, айниқса турли мамлакатларда фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий ҳисботларини бирлаштириш шароитида харажатларни камайтиришга, балки капитални жалб қилиш харажатларини камайтиришга имкон беради деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, МҲҲСнинг камчиликларини ҳам таъкидлаш лозим, буларга, хусусан, қуйидагилар киради:

1. Бухгалтерия усулларида етарлича катта хилма-хилликни таъминлайдиган стандартларнинг умумлаштирилганлиги;
2. Стандартларни муайян вазиятларга татбиқ этишнинг батафсил талқинлари ва мисолларининг этишмаслиги.

Бундан ташқари, бутун дунё бўйлаб стандартларни амалга оширишга ривожланиш ва анъаналар даражасидаги миллий фарқлар, шунингдек, миллий институтларнинг тартибга солиш ва бухгалтерия ҳисоби методологияси соҳасидаги устуворлигидан воз кечишини истамаслиги каби омиллар тўсқинлик қилмоқда.

БҲМС ва МҲМС да бу кўринишдаги ўзгаришларнинг асосий сабаблари бу молиявий ҳисбодаги номувофиқликларни аниқлашдан ва БҲМС орқали тузилган ҳисботларга муҳим тузатишлар киритишдан иборат. БҲМС орқали тузилган ҳисботларни акциядорлик жамиятлари ўзлари ҳам, чет элдан ташриф буюрган мутахассислар кўмаги орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Амалиётда бу ўзгаришлар жараёнини ҳам халқаро ҳам маҳаллий ҳисоб стандартлари ва ҳисботларини янгилаш техникасини муккамал билишлар орқали иккинчи усулдан кўпроқ фойдаланилади. Шу амалиётнинг мутахассислари ва кўпчилик корхоналар мурожаат қиласидаги малакали соҳа вакиллари бу — аудиторлик ташкилотларининг ходимлари ҳисобланади.

5. Хулоса.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда ҳозирда энг аввало акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахсларни МҲҲС га ўтиш ишлари жуда суст даражада кетмоқда ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва бухгалтерия

ҳисоби хизмати ходимлари учун МҲҲСни қўллаш масалалари бўйича масъул ижрочи ташкилотлар фаол ахборот-услубий қўллаб-куватлаш ишларини айтарли даражада амалга оширмаябди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш соҳасида профессионал ташкилотларнинг МҲҲС Кенгашига ҳамда Бухгалтерларнинг Халқаро Федерациясига аъзо бўлиш, уларга аъзолик бадалларини тўлаш, давлат даржасида ҳамкорлик олиб бориш, делегациялар алоқаларни ўрнатиш, Ўзбекистонда МҲҲСларига ўтишни халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига эришиш керак. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисбот ва солиқ ҳисоби бўйича МҲҲСлари талабларига жавоб берадиган ўзбек атамалар тўпламини яратиш, бунинг учун эса халқаро атамаларни қабул қилиш, уларни ўзбек тилига ўғириш ёки бошқа тилларга бир хил қабул қилинган атамаларни ўзгаришсиз қабул қилиш лозим. Бу жараённи ишлаб чиқмасдан МҲҲСларини профессионал даражада ўзбек тилига таржима қилишга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса ваколатли ташкилотлар ҳузурида профессионал бухгалтер ва солиққа тортишдан иборат Кенгаш тузилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Молиявий ҳисботни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришнинг асосий мақсади хорижий инвесторларни Ўзбекистон Республикасига кенг жалб қилишдир.

Адабиётлар:

Ибрагимов А.К. (2023) Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil jurnali. № 11 :

Попова А.Х., Аркаути В.В., Икаева Л.Э. (2013) Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО): проблемы внедрения и трансформации российской отчетности.// Пространство экономики. No 4-2. С. 215-218.

Ризаев Н. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 8-сон, 20.05.2022.

Ташназаров С.Н. (2016) Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисбот: муаммо ва ечимлар. Монография. Т.: "Наврӯз" нашриёти, 31-47-б.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ЎРҚ-404-сон 2016 йил 13 апрель.

Уразов К.Б. (2024) Soliq va hayot jurnali. www.soliqvahayot.uz/ packet/maqolalar/Maqolalar_2024_1_soni.pdf.



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Яриев Ш.Ш.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада молиявий назоратнинг таркибий қисми бўлган давлат харидлари аудитининг ташкил этишининг назарий масалалари ёритилган. Шунингдек иқтисодиётни рақамлашириш шароитида давлат харидлари аудитининг меъёрий хуқуқий асослари баён қилинган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, рақамли аудит, давлат харидлари аудити, электрон тизим.

Аннотация. В данной статье рассмотрены теоретические вопросы организации аудита государственных закупок, который является составной частью финансового контроля. Также описана нормативно-правовая база аудита государственных закупок в условиях цифровизации экономики.

Ключевые слова: аудит, аудиторская деятельность, цифровой аудит, аудит государственных закупок, электронная система.

Abstract. This article discusses the theoretical issues of organizing an audit of public procurement, which is an integral part of financial control. The regulatory framework for auditing public procurement in the context of digitalization of the economy is also described.

Keywords: audit, audit activity, digital audit, public procurement audit, electronic system.

1.Кириш.

Давлат хариди давлат молияси тизимиning ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат бюджети маблағларининг мақсадли натижавийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Мазкур вазифа фақат давлатнинг ташаббуси ва фаол иштироқида бажарилиши мумкин, бунда маблағларини мақсадли бошқариш бўйича тегишли ташкилий-иктисодий, хуқуқий ва маҳсус чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг бош мақсади – кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва бунинг натижасида аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришидир. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатда давлат бюджети ислоҳотлари изчил давом эттирилмоқда.

Давлат харидларини амалга ошириш орқали рақобатни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш, иқтисодиётнинг, жумладан,

саноатни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг янги имкониятлари яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунини қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4544-сон, 2024 йил 10 июлдаги “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-249-сон қарорлари мамлакатимизда давлат харидларини тартибга солишдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги ва бошқа ҳужжатларда давлат харидлари устидан молиявий назоратни янада кучайтириш вазифаси белгилаб берилган. Молиявий назоратни янада кучайтиришда давлат харидлари аудитини ташкил этиш ва ўтказиш самарали воситадир.

2.Адабиётлар шарҳи.

Давлат харидлари устидан молиявий назоратни янада кучайтириш, давлат харидлари аудитини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари назариячилар ва амалиётчилар ўртасида доимо мунозараларга сабаб бўлган ҳамда турлича талқин қилинганинги келтириб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг 4-моддасида давлат харидлари қўйидагicha эътироф этилган: давлат харидлари — давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом” 276-сон қарори билан тасдиқланди. Бунга асосан молиявий назоратни ўрнатиш мақсадида давлат харидларининг электрон тизимини жорий этиш белгилаб берилган. Давлат харидларининг электрон тизими — электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишида давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи деб қайд этилган.

А.Д.Краснованинг (2021) ёзиича:“Давлат харидлари аудити назорат фаолиятининг динамик ривожланаётган туридир. Давлат харидлари бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, ушбу мавзунинг долзарблиги давлат молиявий ресурсларидан фойдаланишда тежамкорлик ва самарадорликка эришиш зарурлиги билан асосланади”.

И. П.Воробьев ва Е. Ю.Матвееваларни (2020) қайд этишича: “Давлат харидлари аудит ўтказишнинг долзарблиги харидлар умумий миқдорининг доимий йиллик ўсиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг динамикаси Ҳисоб палатасининг йиллик ҳисоботлари ва ҳисоботлари асосида тузилган таҳлилий жадвал шаклида тақдим этилади”.

Россия Федерацияси қонунчилигига давлат харидлари аудитларни ўтказиш ваколатлари Россия Федератсияси Ҳисоб палатасига берилган. 44-ФЗ-сонли Федерал қонунининг (2023) 98-моддасида давлат харидлари аудитига қўйидагicha таъриф берилган: “давлат харидлари аудити- режалаштирилган, тузилган ва бажарилган шартномалар бўйича харидлар харажатларининг қонунийлиги, асослилиги, ўз вақтидалиги, натижавийлиги ва самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни текшириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш”.

Л. С. Коробейникова ва И. В.Паниналарнинг (2021) фикрича Российсия Федерациясида давлат харидлари аудити Бюджет кодекси, 44-ФЗ-сонли Федерал қонун ва СГА (ДАС)-302 "Аудит (назорат) объектлари томонидан амалга ошириладиган товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш соҳасидаги аудит" стандарти ва Федерал Ҳисоб палатасининг бошқа меъёрий хужжатлари билан тартибга солиб борилади [Коробейникова ва бошқалар].

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, давлат харидлари аудитини ўтказиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гурухлаш каби усуллардан фойдаланилиб, холоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуннинг 74-моддасида давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ва назорат нормалари келтирилган.

Жумладан, Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, давлат харидларининг ушбу Қонунда белгиланган мақсадлари, принциплари ва чекловлари амалга оширилишини давлат харидларининг ўтказилиши ҳақидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва баҳолаш орқали доимий асосда кузатиш тизимиdir.

Давлат харидлари соҳасидаги назорат мазкур соҳадаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар тизимиdir.

Қонунчиликда белгиланган тартибда статистик ва бошқа ахборотни таққослаш ҳамда таҳлил қилиш орқали амалга ошириладиган текширишлар давлат органларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши устидан назорат қилишнинг асосий шаклиdir.

Қонуннинг 75-моддасида давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик хужжатларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини қўйидагилар ўз ваколатлари доирасида амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси.

Давлат харидларини назорат этиш ташқи аудит шаклида ўтказиш асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юклатилган. Бундан ташқари давлат харидларини назорат этиш Вазирлик ва идораларнинг ички аудит тизими ҳам амалга оширади.

Сенатнинг 2024 йил 20 сентябрдаги 57 ялпи мажлисида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги учинчи миллий маърузаси муҳокама қилинди. Маърузада қуйидагилар қайд этилди. Ички назорат тузилмалари фаолиятини ташкил этишда айрим давлат идоралари томонидан камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, давлат идораларининг 37 тасида ташкил этилган 996 та штат бирлигидан 172 таси вакант бўлса, 6 та ташкилотнинг 35 нафар ходимига қўшимча вазифалар юкландиган. Шу билан бирга, 20 та давлат ташкилотида ички назорат тизимини жорий этишга оид идоравий хужжат ишлаб чиқилмаган, 13 тасида ички назорат тизими самарали фаолият кўрсатмаяпти. Хусусан, Андижон ва Сурхондарё вилояти ҳокимликлари, Ташқи ишлар

вазирлиги, Сув хўжалиги обьектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида ички назорат тизимини жорий этишга оид идоравий хужжатлар ишлаб чиқилмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида атиги 5 та штат бирлигидан иборат (вазирлик марказий аппаратида) ички назорат тузилмаси ташкил этилган [2024. 9]. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки вазирлик ва идораларда ҳали ҳам ички аудитга бошқа кўз билан қаролмоқда.

Давлат харидларини амалга оширишда қонун бузилишларини олдини олиш мақсадида давлат харидлари электрон тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сонли «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари бўйича жараён савдоларининг электрон шаклига босқичма-босқич ўtkазилиши кўзда тутилган.

Давлат харидлари жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиниши ва харидларни электрон тартибда амалга оширилиши давлат харидлари бозорида ошкоралик ва рақобатни таъминлаш, нархларнинг пасайишига ва бюджетни тежашга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом” 276-сон қарори билан тасдиқланди. Бунга асосан молиявий назоратни ўрнатиш мақсадида давлат харидларининг электрон тизимини жорий этиш белгилаб берилган. Давлат харидларининг электрон тизими — электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишда давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-249-сон қарорида давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва ушбу тизимда молиявий назоратни кучайтириш мақсадида 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

Ягона етказиб берувчилар реестрига бозорда муқобиллари бўлмаган ва техник жиҳатдан мураккаб товарларни етказиб берувчилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси хулосаси асосида киритилади;

давлат харидлари электрон тизимиша ушбу тизимдан рўйхатдан ўтган юқори барқарорлик рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини улар томонидан ишлаб чиқариладиган (етказиб бериладиган) товарларга (ишларга, хизматларга) мос келадиган давлат буюртмасининг тизимга жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш функцияси киритилади;

давлат харидлари электрон тизими операторлари томонидан давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари ижрочилариша шартномаларни бажариш вақтида келиб чиқадиган судгача бўлган низоларнинг белгиланган тартибда ҳал этилишида қўмаклашиш амалиёти йўлга қўйилади;

тендер савдоларида битта тадбиркорлик субъекти иштирок этган тақдирда, давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини ҳамда товарларга (ишларга, хизматларга) оид мезонларни ўзгартирганда ҳолда такроран эълон жойлаштирганда ва такрорий тендер савдоларининг ягона иштирокчиси илгари иштирок этган тадбиркорлик субъекти бўлганда, тендер савдолари ўтказилган деб ҳисобланиши кўзда тутилган.

Вазирлик ва идоралар томонидн давлат харидлари бўйича амалга оширилган баъзи рақамларни келтириб ўтамиз. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖда давлат харидлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684 сонли қонуни талаблари доирасида тўлиқ маҳсус электрон ахборот порталлари орқали амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, 2023 йил давомида электрон маҳсус ахборот портали орқали жами 1227 та 359 327,4 млн.сўмлик ҳаридлар амалга оширилиб, шулардан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қуллаб-қувватлаш мақсадида cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 112 5536,0 млн. сўмлик, Электрон дукон 312 та 2661,2 млн.сўмлик, миллий дўкон 28 427,8 млн сўм, UZ.RTSB ярмрка.узех.уз 280 та 18 161,4 млн.сўмлик, энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали 31 та 30 949,4 млн.сўмлик, тендер савдолари 2 265 185,8 млн.сўмлик, ва Xt-xarid.uz 415 32 363,5 млн.сўмлик, Ягона етказиб берувчилар 1 та 1,0 млн.сўм ва тўғридан-тўғри шартномалар 46 та 4041,3 млн.сўмлик шартномалар тузилган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йилда Давлат харидлари соҳада ўтказилган ўрганишлар натижасида юзасидан: Вазирлик идораларга 178 та (136 млрд сўмлик) тақдимнома; Давлат молиявий назорат инспекциясига 57 та (40 млрд сўмлик) сўровнома; Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга 127 та (232,5 млрд сўмлик) сўровнома юборилди. Ўз навбатида вазирлик ва идораларга киритилган тақдимномалар натижасида, буюртмачилар томонидан 138 та ҳолатда жами 110 млрд сўмлик давлат харидларида йўл қўйилган қонунбузилишлари бартараф этилиб, давлат харидлари бекор қилинган. Юборилган сўровномалар асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни тегишли моддалари билан 30,2 млрд. сўмлик давлат харидлари юзасидан 42 та маъмурий ишлар ҳамда Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 6 та жиноят иши қўзғатилган ҳамда 1 та интизомий жазо чора қўлланилган. Давлат харидлари бўйича қонунбузилиши ҳолатлари асосан давлат буюртмачилари томонидан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш, аффилланганлик ҳолати, рақобатни чекловчи шартларни киритиш ҳамда харид комиссияси аъзолари томонидан овозларни сохталаштириш (битта IP адресда овоз бериш) билан боғлиқ ҳолда содир этилганлиги аниқланди.

5.Хулоса.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, давлат харидлари устидан назоратни кучайтириш йўлларидан бири бўлиб аудит ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат харидлари аудити методикаси ва методологиясини янада тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун аудит жараёнини рақамлаштириш ва илфор хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз амалиётида қўллаш зарур.

Адабиётлар:

Воробьев И. П., Матвеева Е. Ю. (2020) Аудит в сфере закупок товаров, работ, услуг как вид внешнего государственного финансового контроля. Балтийский гуманитарный журнал. 2 (31).

Закон (2023) Федеральный закон от 05.04.2013 N 44-ФЗ (ред. от 25.12.2023) "О контрактной системе в сфере закупок товаров, работ, услуг для обеспечения государственных и муниципальных нужд".

Краснова А. Д. (2021) Методология аудита государственных закупок. Журнал “Учет и контроль” №11.

Коробейникова, Л. С., Панина, И. В. (2022) Аудит в сфере закупок как инструмент защиты охраняемых законом ценностей. Современная экономика: проблемы и решения, 2, 124-136. <https://doi.org/10.17308/meps.2022.2/2778>.

Маълумотнома (2023) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2023 йил давомида амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги. <https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/2585.2023>.

Маълумотнома (2023) Коррупцияга қарши курашиб агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисида МАЪЛУМОТ. chrome-extension://efaidnbmnnibrcajpcglclefindmkaj/<https://aca.uz/.2023>.

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4544-сон

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-249-сон.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом” 276-сон.



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ